

АЗИЗ ҚАЮМОВ

БЕРУНИЙ
ВА
АДАБИЁТ


ЎУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1974

МУАЛЛИФ СУЗИ

Буюк олим ва мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг илмий мероси битмас-туганмас ҳикматлар хазинасидир. Ушбу китобда олимнинг адабиётга оид фикрлари ва маълумотларини муҳтарам китобхонлар диққатига ҳавола этилмоқда. Уларни Берунийнинг ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган «Ўтмиш ёдгорликлари», «Ҳиндистон», рус тилига таржима қилинган «Геодезия», «Минералогия», «Фармакогнозия» асарларидан териб-йиғиб олинди. Шу таржималарни ва уларнинг таҳририни амалга оширган берунийшунос олимлар М. А. Салье, А. Расулов, У. И. Каримов, М. А. Беленицкий, П. Г. Булгаков, И. Абдуллаев, А. Ирисов, Ю. Ҳакимжонов, Ғ. Жалолов, О. Файзуллаевларнинг таҳсинга сазовор меҳнатларини алоҳида ҳурмат билан қайд этишни истар эдим.

Берунийнинг бадий ижодга алоқаси ҳали тўла-тўқис ўрганилиши керак. Ушбу иш шу соҳадаги биринчи қадамлардан деб ҳисобланса ва бинобарин унинг қусур ва нуқсонлари маъзур тutilса деб умидворман.

Азиз ҚАЙУМОВ



10 7171
28
82

7-2-2-66
К-М-332-06-74 92-74

АБУ РАЙҶОН БЕРУНИЙ

Абу Райҳон Беруний жаҳон фанининг тараққиётига ғоят улкан ҳисса қўшган, зўр истеъдод эгаси ва заҳматқаш тадқиқотчи эди. Унинг ўлмас илмий асарлари жаҳон фани тараққиётида бениҳоят юксак аҳамиятга моликдир.

Абу Райҳон Беруний 973 йил 4 сентябрь кунини Хоразмнинг Кот деган жойида дунёга келди. Бу ер ҳозирги Ўзбекистон ССР-даги Қорақалпоғистон Автоном республикасининг Беруний шаҳари территориясидадир. Олимнинг тўла номи Абу-р-Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Берунийдир. Унинг отаси Аҳмад ва онаси оддий меҳнатқаш кишилар бўлганлар. Бу тўғрида Берунийнинг ўзи бир шеърида шундай деб ёзади:

«Отам Абулаҳаб — қари, илмсиз киши эди, онам Ҳса ўтин ташувчи («ҳаммолатул-ҳатаб») бўлган»¹.

Эҳтимол бу сифатларни шундайлигича қабул қилиш тўғри бўлмас. Аммо ҳар ҳолда Беруний бу ифодалар орқали ўзининг оддий фуқаро ичидан чиққанини, асилзодалар зотига мансуб эмаслигини таъкидламоқда. Бу фикр Берунийнинг асилзодалар тўғрисидаги танқидий мулоҳазаларида ҳам сезилиб туради. Беруний «Минералогия» китобида сомоний ҳукмронларидан Исмоил ас-Сомонийнинг (890-907) «Ўз шарафини ўзи қозонадиган одам бўлгин, боболарингнинг асилзодалиги орқали эмас», деган сўзларини ибрат қилиб кўрсатади². Яна у бир юноннинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Кимки,

¹ А. Расулєв. «Некоторые соображения о Беруни и его стихах. сб. Беруни и гуманитарные науки». Т. 1972, стр. 57.

² Беруни «Минералогия». 15-стр. М., 1963.

ўзининг қариндошлари ва ўлиб кетган ота-боболари билан мақтанадиган бўлса, унинг ўзи ўликдир, улар эса тирикдирлар»¹.

Бундай далил ва соғлом фикрларни астойдил тасдиқлар экан, Беруний албатта ўзининг насли насаби оддий меҳнаткаш табақадан бўлганини яна бир бор тасдиқлаб ўтади.

Камбағал оилада туғилган бўлажак олим болалик чоғларини жамиятнинг энг қуйи доираларида кечирган, ўша пайтлардаёқ турмушнинг ачиқ-чучукларини татиб кўришга мажбур бўлган. У вақтларда Кот Хоразм давлатининг пойтахти эди. 999 йили Хоразмга чегарадош бўлган сомонийлар давлати (маркази Бухоро) ерларини Қашғар ва Еттисув томондан келган қорахонийлар тўла эгалладилар. Амударёнинг сўл қирғоғи ғазнавийлар ихтиёрига ўтди. Хоразм уларнинг ўртасида қолди.

Араб истилосидан бери (VIII аср) Хоразмда икки мустақил ҳокимият мавжуд эди. Шимолий Хоразмнинг пойтахти Маздахканда бўлган. IX асрда Маздахканнинг ғарбида янги Гурганж (қўҳна Урганч) шаҳри пайдо бўлди ва тез ривож топа борди. X асрга келиб бу ерда маъмунийлар сулоласи ҳукмрон бўлди. Котда эса афригийлар сулоласи ҳукм суради. 995 йили Гурганж амири Маъмун ибн Муҳаммад Котни босиб олди, сўнги афригий ҳукмронини ўлдириб, ўзи Хоразмшоҳ унвонини олди.

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад Орол бўйидаги давлатлар, Волга бўйи, Шимолий Кавказ ҳатто Киев руси билан алоқалар ўрнатган эди².

1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий (998—1030) Хоразмни забт этди ва маъмунийлар ҳокимиятига чек қўйди. Хоразм ғазнавийлар давлатининг бир бўлагига айланди.

Абу Райҳон Беруний яшаган даврда ана шу тарихий воқеалар юз берган эди.

Еш қобилиятли йигитнинг илм-фанга қизиқиши сезилмай қолмади. Котда ҳукмрон бўлган афригийлар оиласидан чиққан олим ва подшоҳзода Абу Наср Ироқ уни ўз тарбиясига олди, турли илмларни ўқитиб таълим берди. Ҳатто шу мураббий ва устоз унга Абу

¹ Беруни «Минералогия», 15-стр. М, 1963.

² Я. Г. Гулямов. Эпоха Абу Райҳана Беруни, сб. Беруни и общ. науки, Т., 1972, стр. 28.

Райҳон деб ном берган, деган фикр бор. Беруний «берун» — «ташқари» сўзидан олинган. У ҳам ёш олимнинг шаҳар ташқарисидаги жойлардан чиққанига ишорадир. Абу Наср Котли Хоразмшоҳ Абу Абдулло Муҳаммаднинг укаси эди. Шу туфайли Абу Райҳон Беруний Хоразмшоҳ саройидаги олимлар даврасига киради.

995 йили Котда афригийлар ҳокимиятига барҳам берилгач, Беруний Хоразмдан чиқиб кетади. У бир оз вақт Эрондаги Рай шаҳрида истиқомат қилади. Кейинчалик эса Каспий денгизининг жануби Шарқий соҳилларидаги Журжон (ёки Гургон) шаҳрига келади. Бу ерда эририйлар сулоласидан (928—1024) Қобус ибн Вашмгир ҳукмронлик қилар эди. Қобус 998 йили ҳокимиятни эгаллаган. Демак, Беруний Райдан Журжонга 1000 йил атрофида келган. Ана шу фурсатда олим ўзининг «Ўтмиш ёдгорликлари» асарини ёзади. «Карматлар ёки оқ кийимдаги кишилар тарихи» асарини ҳам шу фурсатда ёзган. Аммо бу асар бизгача етиб келган эмас. «Ўтмиш ёдгорликлари» асари ўз даврида кенг шуҳрат топди. У қайта-қайта кўчириб ёзилди. Шу билан Берунийнинг буюк олим сифатида донги тарқалди.

Қобус ибн Вашмгир Абу Райҳон Берунийга вазирлик лавозимини таклиф қилди. Аммо олим бу таклифни рад қилади. Орадан кўп ўтмай Беруний Хоразмга қайтади. Бу ерда у Абу Аббос Маъмун ибн Маъмун (1009—1017) саройида олим ва подшоҳнинг сиёсий маслаҳатчиси сифатида иш тутаяди. Бу тўғрида Беруний ўзининг «Хоразм тарихи» асарида муфассал ёзган. Афсуски, бу асар ҳам бизгача етиб келган эмас. Ундан айрим парчалар Байҳақиқийнинг «Маъсуд тарихи» китобида мавжуд, холос.

Хоразмда экан пайтида Беруний замондоши, буюк табиб ва файласуф Абу Али Ибн Сино билан илмий ёзишмалар олиб борган.

1017 йили Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий босиб олгач, Беруний бошқа хоразмлик олимлар қатори Ғазнага олиб кетилди ва умрининг охиригача шу ерда қолди. Беруний ўн уч йил давомида Маҳмуд Ғазнавий ҳукми остида бўлди. Ғазнадалиқ пайтида у география ва геодезияга оид «Таҳдид» (ёзиб тугалланган пайти 1025. 18. IX) асарини ёзади. 1029 йили астрономия ва астрологияга оид «Тафҳими авоили санъат аттанжим» («Астрономия санъати асослари» дарслиги)ни ёзади. 1030 йили «Ҳиндистон» деб машҳур бўлган асарини яратаяди. Унда олим Ҳиндистон халқининг ҳаёти, тарихи,

этнографияси, мамлакатининг таърифини ғоят чуқур илмийлик билан ёритган. Беруний Маҳмуд қўлида тутқун бўлгач, бир оз фурсат Шимолий Ҳиндистондаги Нандна қалъасида турган эди. Сўнг у Маҳмуд Ғазнавийнинг Ҳиндистонга қилган юришларида қатнашган. Олим Маҳмуд Ғазнавийдан кўп озор чекар эди. Аммо унга сабр-тоқат қилди, ҳар қандай шаронтда ҳам илм-фан билан шуғулла-нишни тўхтатмади.

«Ҳиндистон» асарининг ёзиб тугалланган йили Маҳмуд Ғазнавий вафот этади. Унинг ўрнига ўғли Масъуд тахтга ўлтиради. Беруний Масъудга араб тилидан дарс берган, унга астрономия бўйича кўп маълумотлар хабар қилган. Шу даврда Беруний астрономия ва математикага оид «Қонун Масъудий» асарини ёзади.

Орадан кўп ўтмай буюк олим Беруний ўзининг энг йирик асарларидан «Минералогия» ва «Фармакогнозия»ни яратди. Уларни ёзишдан олдин 1035—36 йили Беруний ўз асарларининг рўйхатини тузган эди. Унда олим ўз қаламига оид бир юз олти илмий асарнинг сарлавҳаси ва қисқача мазмунини баён қилган.

Абу Райҳон Беруний бутун умрини илмга бағишлади; тинмай ижод қилди, ўзи ҳаёт экан пайтидаёқ ўша даврнинг энг буюк олими ва мутафаккири сифатида танилган эди.

Олим жуда камтарона ҳаёт кечирган. У илм-фанга ғоят катта хизмат қилди. «Ақл ва маърифатда ҳали унга ўхшаш бирор кишини даврон ярата олгани йўқ», деб ёзган эди XIII аср тарихшуноси Ёқут.

Беруний 1048 йили декабрда Ғазна шаҳрида 75 ёшида вафот этди.

Берунийнинг илмий мероси фаннинг турли-туман соҳаларига оид 150 дан ортиқ асарлардан иборат. Улар астрономия, математика, география, геодезия, минералогия, доришунослик, физика, тарих, этнография, фалсафа, адабиётшунослик, лингвистика ва бошқа илмларга оиддир. Шулардан йигирма еттитаси бизгача етиб келган, деб ҳисобланади. Бошқалари ҳали топилмаган ёки бизнинг замонамизгача сақланмаган бўлиши мумкин. Бу асарларда Берунийнинг адабиётга, адабий ижодга алоқаси маълум даражада изҳор этилган. У адабий ижодга оид муҳим маълумотларни хабар қилади, шеърини парчалардан келтирилган мисоллар орқали ўз фикрларини исботлайди, халқ оғзидаги турли-туман афсоналардан усталлик билан ил-

мий асарларида истифода этади. Беруний ўзининг асарларини бадний парчалар билан безаб, уларнинг жонли ва қизиқарли бўлишига катта аҳамият берган. У, олим ҳар доим ўқувчининг диққатини жалб қилиши унинг зеркиб қолмаслигига эътибор этиши шарт эканини уқтиради. Беруний ёзади: «Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўймасликдир. Ҳадеб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қилади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғ-роғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас, бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва тамошо қилгиси келади. «Ҳар бир янги нарса роҳат бағишлайди», деб беҳуда айтилмаган»¹. Худди шундай фикрни Беруний «Фармакогнозия» («Сайдана») китобида ҳам баён этган. Бу асар жуда мураккаб бўлиб, у дорилар тайёрланувчи ўсимликлар тўғрисида ҳикоя қилади. Беруний ўша ўсимликлар тўғрисида сўзлар экан, кўпгина шеърини парчалар келтирган. Улар айтилган фикрларни изоҳловчи шеърлар эди. Уларнинг ўрни ва аҳамиятини Беруний ўзи тушунтириб беради. Берунийнинг кўрсатишича, шеърини арабларда катта ўрин тутган. Улар шеър орқали турли тушунчаларни, муҳим воқеалар, тарихий кунлар, инсон биографиясига оид маълумотларни ёдда сақлаганлар. Шунинг учун ҳам, дейди Беруний, биз шеърини парчаларни кўп-кўп келтирамиз, улар орқали фикрларимизни исбот этувчи далиллар ва маълумотларни баён қиламиз, изоҳлаймиз. Шуниси қизиқки, Беруний шеърларнинг бундай аҳамиятини кўрсатиш билан чекланмайди. У шеърларнинг ўқувчига лаззат ва ором бағишлашини алоҳида таъкидлайди. Беруний айтадики, шеър асосан юқорида кўрсатилган мақсадга хизмат қилади. Аммо мабодо ўша мақсадга тўғри келмаса, унда ўқувчига ҳузур ва роҳат бағишлайди, узоқ йўл бўйидаги булоқлар сингари дам олиш ва ҳордиқ чиқаришга хизмат қилади².

Беруний асарларида адабиёт назарияси, наср ва назмнинг келиб чиқишига оид қимматли мулоҳазалар бор. Масалан, «Геодезия»

¹ Беруни. Избранные произведения. т. I, 1957, стр. 89.

² Ушбу маълумотларни менга лутфан хабар қилган филология фанлари доктори У. И. Каримовга чуқур миннатдорчилигимни илҳор этаман — А. Қ.

китобининг кириш қисмида, у инсоннинг сўзлаш қобилияти, дунёвий ва диний масалалар бўйича баҳс қилиш одати нутқ учун зарур «тарозу» бўлишини тақозо этганини ёзади. Шундай қилиб, мантиқ илми келиб чиқди. Назм ва наср эса шу илмининг узвий қисмларидир. Грамматика насрий нутқни тартибга солиб туради. Шеър қоидалари эса назмни бир мувозанатда тутади. Назмда, насрда ҳам, деб ёзади Беруний, нутқнинг чин моҳияти унинг мазмунидир. Берунийнинг адабий ижод тўғрисидаги бу фикри ҳамон ўзининг аҳамиятини сақлайди. Мазмун ва унинг бадий ифодаси ижоднинг туб моҳиятини ташкил этади. Мазмунсиз қуруқ гўзаллик ҳамisha чин ижодга хилоф экани шубҳасиздир. Берунийнинг хулосалари ижодда формализмга қарши курашда таъсирли қурол бўла олади.

Қуйида Берунийнинг китобларидаги адабий материаллар билан яқинроқ танишишга ўтамиз. Бу ишни олимнинг дастлабки йирик тадқиқоти — «Ўтмиш ёдгорликлари» китобидан бошлаймиз.

БЕРУНИЙ ВА ХОРАЗМ, СУҒД ХАЛҚЛАРИ ИЖОДИ

«Ўтмиш ёдгорликлари» китобининг тўла номи «Ал-Осор-ул-боқия ан ал қарун ул ҳолия» («Ўтмиш давридан қолган ёдгорликлар») деб аталади. Уни қисқартириб араб тилида «Ал-асор-ул-боқия», ўзбек тилида «Ўтмиш ёдгорликлари», рус тилида эса «Хронология» деб юритилади. Бу асарни Беруний 27 ёшида — 1000 йилда ёзиб тугаллаган. «Ўтмиш ёдгорликлари»нинг араб тилидаги қўлёзмалари асосида тузилган танқидий текстини биринчи бор немис олими Э. Захау 1876—1897 йиллари Лейпцигда эълон қилди. 1879 йили эса унинг инглиз тилига қилинган таржимасини Э. Захау Лондонда бостириб чиқарди. «Ўтмиш ёдгорликлари»нинг рус тилига қилинган таржимасини шарқшунос олим М. А. Салье амалга оширган. Бу таржима 1957 йили Тошкентда нашр қилинди. Бу асарнинг ўзбек тилига қилинган таржимаси 1968 йили Тошкентда босилиб чиқарилди. Таржимон Абдуфаттоҳ Расуловдир.¹

«Ўтмиш ёдгорликлари» этнография, тарих, фалсафа, ижтимоий тафаккур, астрономия тарихига онд жуда кўп қимматли маълумотларга эгадир. Унда тарихлар моҳияти

¹ Абу Райҳон Беруний, «Танланган асарлар», I том, 1968 (Бундан буён цитаталарда шу китобнинг саҳифалари кўрсатила боради), «Ўтмиш ёдгорликлари»нинг ўрганилиши тарихи тўғрисида: И. Абдуллаев, «Памятники минувших поколений» Абу Райҳана Беруни и их изучение в Узбекистане. сб. «Беруни и общ. науки». Т. 1972, стр. 128.

ва миллатларнинг бу ҳақдаги ихтилофлари тўғрисида, Зулқарнайн лақабли шахслар ҳақида, йил ҳисобларида ишлатиладиган ойлар тўғрисида фикр юритилади. У яна Эрон, Хоразм, Суғд, Рум, Сурия мамлакатларида яшовчи халқларнинг ойлари, байрамлари тўғрисида маълумотлар беради; Христианлар, настурийлар, яҳудийлар, мажусийлар, исломдан олдинги араблар, мусулмонларнинг ҳаётига оид этнографик билимларни хабар қилади.

Берунийнинг «Ўтмиш ёдгорликлари» асарининг махсус бобларида Суғд ва Хоразм халқларининг турли-туман урф-одаглари таъриф қилинган.

Беруний суғдларда йиллар ва айрим ойларнинг бошланишида эронликлардаги мавжуд тартиблар қўлланганини айтади. Фақат йил ҳисобидаги ортиқча беш кун уларнинг календариди фарқ қилади. Олимнинг хабар қилишича, суғдлар афсонавий подшоҳ Жамшиднинг қайтиб келиш вақтини йил боши қилиб олганлар. Заратуштра юзага чиққунгача Эрон ва суғдларда йил боши бир хил бўлган. Заратуштрадан сўнг эронийлар календардаги беш кунни кабисали ойлардан ҳар бир ой охирига кўчирдилар. Суғдийлар эса ўз жойида қолдирдилар. Беруний суғд халқининг ҳаётига оид турли-туман ҳайитлар тўғрисида унганча етиб келган маълумотларни хабар қилади. Улар Навсар, Басоканж, Фигкон ёки Нимсард ва бошқа ҳайитлардир. «Осори боқия»да суғд халқининг ҳайитларидан ўн иккитаси эслатиб ўтилган.

Навсард ойининг биринчи куни суғдийлар кафта наврўзни байрам қиладилар. Навсарднинг йигирма саккизинчи куни эса Бухоро мажусийлари Ромуш оғом номли ҳайитларини ўтказадилар. Бу уларнинг энг азиз ҳайитлари ҳисобланади.

Маълумки, Ўрта Осиё ва Эрон халқларида Наврўз байрами энг севикли ва машҳур ҳайитдир. Беруний келтирган маълумотларга кўра Наврўз бу халқлар ҳаётидаги энг қадимги байрамлардан ҳисобланади. Маълумки, қадимий даврларда Эрон ва Ўрта Осиё халқлари ўртасида

кўпгина муштарак урфлар воқе бўлганлар. Наврӯз ҳам шулар жумласидандир.

Фарвардин ойининг биринчи куни наврӯз бўлган. Наврӯз, Берунийнинг ёзишича, «баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, ҳайвонларда (шаҳват) қўзғалишидан то насл вужудга келгунча ва ўс. илик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунча давом этган вақтда келади ((с. 253»).

Яна Беруний ёзадики, наврӯз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган. Уша куни фалаклар ҳаракати ва ёритқичлар сайри тўхталишдан ҳаракатга қайта тушган, қуёш пайдо бўлиб, у туфайли йиллар, ойлар, кунлар маълум бўлган, олам яратилиб Каюмарснинг подшоҳ бўлиши шу куни юз берган¹. Наврӯз шунинг байрамидир. Ҳатто худо оламни яратган олти куннинг биринчи куни наврӯз бўлган, деган ақида ҳам мавжуд. Бу мулоҳазаларни Беруний турли манбаларга суяниб келтиради. Маълум бўладики, Наврӯз Эрон ва Урта Осиё халқларининг энг эски байрами бўлиб Фигкон ойининг биринчи куни «ним сарда», яъни йил ярми деб аталган. Унинг иккинчи куни ҳайит бўлган. Бу ҳайитни «мин ийдиҳвора» деб атаганлар. Уша куни қўноқнинг уни, ёғ ва шакардан тайёрланган овқатлар ейилган.

«Ўтмиш ёдгорликлари» китобида Беруний Хоразм халқининг ой, йил ҳисоби, уларда қўлланилган ойларнинг номи, тартиби тўғрисида қизиқарли маълумотларни келтиради.

Йил боши байрами Хоразмда Новсоржи ойининг биринчи кунига тўғри келган, Ҳ-р-в-дот ойининг биринчи куни арижо — сувон деб аталган. Бу аслида «арижхосчун» дейилган. Бу сўзнинг маъноси «энди кийимдан чиқилади», демакдир. Демак, бу пайтда ҳаво қаттиқ исиган, одамлар шунга қараб иссиқ қийимларини ечган бўлсалар керак. Берунийнинг айтишича, шу кунларда кунжут ва

¹ Ка ю м а р с — афсоналарга кўра биринчи инсон ва подшоҳ.

у билан бирга экиладиган экинлар уруғи сепилар экан.

Ой номлари ва ҳайитларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги ҳикоялардан бири «Мина кечаси» ҳикоясидир. Берунийнинг ёзишича, Рим-ж-д ойининг ун бешинчи куни нам-х-б деб аталади. Асли у «минг эҳиб» бўлиб, таржимаси «Мина кечаси» дейилган. Мина хоразмликларнинг маликаларидан эди. Уша куни кечаси у маст ҳолатда енгил ипак кийимларда касрдан ташқарига чиққан. Қаср ташқарисидан у йиқилиб, ухлаб қолган. Бу пайтда эрта баҳор фасли бўлиб, кечалари совуқ тушар эди. Ухлаган жойида кеча совуғи уриб у аёл дунёдан ўтган. Одамлар баҳор фаслининг шундай кечасида инсонни совуқ ҳалок этганига ҳайратда қолганлар. Буни одатдан ташқари ҳодиса деб ҳисоблаганлар.

Беруний ана шу тарихга асосланган ҳайитнинг ўтказилиш қоидаси тўғрисида сўзлайди, одамларнинг ёвуз кучлар таъсиридан сақланиш учун буғланадиган ва туташтирадиган дорилар ишлатганлари, ис чиқарганлари, овқатлар пиширганларини хабар қилади. Аммо у ёвуз руҳлар тўғрисидаги фикрларга эҳтиёткорлик билан ёндашиб, аслида бу воқеанинг юз бериш сабабларини табиат, фасл хусусиятлари билан изоҳлаган. Бу чинакам илмий изоҳдир. Бизнинг замонада деб ёзади Беруний, у кун (баҳор вақтида) олдин келадиган бўлиб, авом халқ бу ҳайитни қиш ярмида ўтқазади (с. 281).

Беруний келтирган афсоналар орасида туркий халқлар подшоҳи Афросиёб тўғрисидаги афсоналар ҳам учрайди. Шулардан бирини кўриб ўтайлик.

Эронда мавжуд бўлган эътиқодга кўра Тирмоҳ ойининг ун учинчи куни рўзи тир, ёки тиргон («ўқ куни») ўтказилган. Бу ҳайитнинг келиб чиқиши тўғрисида қуйидаги ривоятни ҳикоя қиладилар.

Афросиёб Эрон шаҳрини эгаллаб, Табаристонда шоҳ Манучеҳрни қамал қилди. Аммо ҳар иккаласининг ўртасидаги келишувга биноан Манучеҳрга Афросиёб бир ўқ

отиши мураббаи миқдоридоғи ерни қайтаришга рози бўлди.

Авестода эслатилган Исфандормуз номли фаришта махсус ўқ ёй ҳозирлатди. Ундан Арш номли жуда олижаноб билимдон бир киши ўқ отадиган бўлди. Арш кийимини ечиб, ўзининг покиза ва бежароҳат эканини намойиш қилди, ўқни отгач, танасининг парча-парча бўлиб кетажagini халойиққа эълон қилди. Сўнг у бор кучи билан ўқ ёйни тортиб отиб юборди. Аршнинг танаси силкиниш зарбидан парча-парча бўлиб кетди. Ўқни эса шамол Рўйён тоғидан ошириб Фарғона ва Табаристон орасига элтди. Ўқ гоят катта ёнғоқ дарахтининг илдизига бориб қадалди. Ўқ отилган жойдан бориб тушган жойгача минг тош экан. Шу ер Манучеҳрга қайта берилди. Бу воқеа Тирмоҳнинг ўн учинчи куни содир бўлгани учун шу куни ҳайит бўлиб кетган.

Беруний асарларида бундай маълумотлар жуда кўп. Улар ўша замонда мавжуд бўлган гурли афсона ва қиссалар, уларнинг мазмуни ва халқ ҳаётида тутган ўрнини аниқлашга хизмат қилади. Бу афсоналар, этнографик деталлар халқ ҳаётидан келиб чиққан. Улар халқ турмуши шароитининг маҳсулларидир. Айни замонда улар халқ оғзаки ижодининг намуналаридир. Беруний, ёки ундан олдин ўтган бошқа муаллифлар уларни адабиётда тасвирлаганлар. Тирмоҳ ҳайитининг келиб чиқишида Беруний қисқа равишда Авестога мурожаат қилиб ўтади. Демак, Беруний келтирган бадий ижод намуналарининг айримлари унинг ўзи томонидан бевосита ёзиб олинган бўлиши ҳам мумкин.

БЕРУНИЙ ВА ҲИНД АДАБИЕТИ

Берунийнинг Ҳинд адабиётига онд йиққан маълумотлари ва билдирган фикрлари Хиндистон халқи тарихи, этнографияси, адабиёти, тили, географияси, астрономия-

си, фалсафа ва тафаккури тарихига бағишлаган махсус китобда баён этилган. Бу китобнинг тўла номи «Китобу мо лил ҳинд мин маъқулладин фил-ақли ав марзулатин» (Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби) деб аталади. Беруний уни 1030—31 йиллари ёзган У ҳам Берунийнинг барча асарлари сингари араб тилида ёзилган. Уни қисқартириб «Ҳиндистон» деб юритилади. Бу асарнинг танқидий тексти ва инглизча таржимаси Э. Заҳау томонидан 1888 йили Лондонда бостирилган. «Ҳиндистон»нинг рус тилига М. А. Салье томонидан қилинган таржимаси Тошкентда 1963 йилда босилиб чиқди. Ўзбекча таржимаси эса Тошкентда 1965 йили нашр қилинди. (Таржимонлар А. Расулев, Ю. Ҳакимжонов, Ғ. Жалолов, масъул муҳаррирлар Ғ. Жалолов, А. Ирисов.)

Бу китоб муқаддима ва саксон бобдан иборат.

«Ҳиндистон» китобида Абу Райҳон Беруний ҳинд адабиёти, Ҳиндистон халқининг оғзаки ижоди, шеърини тўғрисида гоят қизиқарли ва муҳим маълумотларни жамлаган. Одатдаги каби бу китобда ҳам олим ўзининг қатор фалсафий умумлашмаларини баён қилган.

Беруний олимларнинг меҳнатини қаттиқ қадрлар, илмий ёдгорликларнинг ўлмас аҳамиятини ҳар доим таъкидлар эди. «Ҳиндистон» китобининг бош қисмида олим ёзади. «Ёзиш хабар турларининг бири бўлиб, уни бошқа турлардан кўра шарафлироқ санаш мумкин: қаламнинг абадий излари бўлмаганда, халқларнинг хабарларини қайдан билар эдик» (с. 25). Бу фикрнинг бадий либоси жуда ҳарир. У ёзувни қаламнинг абадий излари деб, унинг мангулигини бадий ифодаларда беради. Яна ёзувнинг аҳамиятини жуда оддий ва таъсирли шаклда баён қилади.

Беруний кишилар ҳаётида ёмонликнинг тағ-томири билан қуриб кетишини истар эди. Унинг учун эса ўша томирларни топиш, уларни илдиз-илдизидан кесиб ташлаш зарур. Олим ёмонликнинг шохобчалари ва илдизла-

ри тўғрисида жуда образли фикрларни изоҳ қилади. Унинг ишонишига кўра, ёмонликнинг шохобчалари кўп, аммо уларнинг асоси уч нарсадир. Бу нарсалар тама, газаб ва илмсизликдан иборат. Агарда шу асослар қирқиб ташланса шохобчалар қуриydi. Ана шундай жуда яққол кўринишни очиб бергач, олим у асосларнинг мағзи нимадан иборат эканига ўқувчининг диққатини тортади. Ўша асосларнинг дастлабкиси иштаҳа ва газабдир. Бу икки қувват, деб ёзади Беруний, инсонга энг кучли ва энг ҳалокатли душман бўлиб, улар инсонни овқатлардаги лаззат ва ўч олишдаги роҳат билан алдайдилар. Олимнинг тушунтиришича, лаззат ва роҳат ранж ва гуноҳга олиб боради. Уларнинг таъсирига берилиб кетган киши инсонлик қиёфасини йўқотади. Олим ўшандай кишиларни йиртқич ва тўрт оёқли ҳайвонлар, ҳаттоки шайтон ва иблисларга барабар қўяди (с. 70). Берунийнинг айрим хулосалари афоризм даражасида қисқа, лўнда ва чўрткесардир. Масалан аҳмоқлик тўғрисида у бундай деб ёзади: «Аҳмоқлик давоси йўқ бир касалликдир» (с. 35). «Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди», деган фикр ҳам худди шундайдир. Беруний хабарнинг кўришдан афзал бўлиши мумкинлигини билдиради. Чунки кўриш бирор нарсанинг фақат бир бўлаги билангина чекланади. Хабар эса нарсанинг кўринган ҳолатидан олдин, ёки кейин келадиган томонларидан ҳам дарак беради. Аммо Беруний хабарга ёлгон аралашини мумкинлигидан огоҳлантиради. Хабар, хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлгонлик тусини олади. Чунки одамларнинг мақсадлари хилма-хил ва шу сабабли халқлар ўртасида тортишиш ҳам талашиниш кўп (с. 25). Беруний ёлгончилик кишини адолатдан юз ўғиртиради, зулм, ёлгон гувоҳлик, омонатга хиёнат қилиш, бошқалар мулкани ҳийла билан босиб олиш, ўғрилик каби иллатлар дунё ва халқнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон хулқларни кишига яхши қилиб кўрсатажанин ёзади. У ёлгон сўзловчиларни қаттиқ қоралайди ва кишиларни ҳақиқатгўйлик, ростгўйликка астойдил ун-

дайди. Ёлгонни шундай ёмон кўрган, унга беқиёс таҳқир назари билан қараган олимнинг ростгўйликни қанчалик улуғлаши табиийдир. Беруний ростгўйликни адолат билан баробар кўяди, уларнинг бир хил даража севикли эканини уқтиради. У ёзади: Ҳамманинг табиатида адолат бевосита севикли ва ҳамма унинг яхшилигига қизиқадиган бўлгани каби, ростгўйлик ҳам шундай. Лекин ростгўйликнинг ширинлигини тотмаган ёки ширинлигини билса ҳам тотишни истамайдиган киши уни севмайди (с. 26). Олим «Ҳиндистон» китобида жуда кўп ҳикоялар, қисса ва афсоналар келтиради. Улар ҳинд халқи орасида мавжуд бўлган турли-туман эътиқодлар, уларнинг ҳар хил кўринишлари, урф-одатлар ва ҳоказоларни тасвирлашда ёрдамчи материал бўлиб хизмат қилади.

«Ҳиндистон» китобининг еттинчи бобида маърифат ва билимдонликнинг даражаларини кўрсатувчи, кишиларнинг қанчалик соғлом мулоҳаза юритишлари мумкин ва мумкин эмаслиги тўғрисида олим ажойиб бир ҳикояни келтиради. Унинг ўзи яна ўша ҳикоядаги ҳолат ва персонажларнинг хатти-ҳаракатларини таҳлил этиб беради.

Бир устоз ўз шогирдлари билан қоронғи кечада йўл босиб борар эди. Улар йўл бўйида тик турган бир қоролтига дуч келдилар. Устоз шогирдларидан бирма-бир у қоролтининг нима эканини айтишни сўради. Шунда шогирдлардан бири, билмайман, иккинчиси, билмайман ва билишга қудратим етмайди, деб жавоб берди. Учинчиси тонг ёриси маълум бўлади, қўрқинчли нарса бўлса тонг ёришиши билан йўқолиб кетади. Қўрқинчли нарса бўлмаса, аҳволи бизга равшан бўлади, деб жавоб қилди.

Беруний уч шогирднинг аҳволини уларнинг жавоблари орқали маълум қилади. Олимнинг таҳлил этишича биринчи шогирд илмсизлигини, иккинчиси ожнэлигини, учинчиси эса ишни кейинга қўйиши, илмсизликка рози бўлиб туриши сабабли маърифатда қисқалик кўрсатганини намён этган.


Устоз саволига тўғри жавоб берган шогирднинг ҳара-

катини олим маъқуллайди. У шогирд ўша қоролтига яқинлашган ва бир-бирига чирмашиб кетган қовоқ палагини кўрган. Бирор тирик ва ихтиёри ўзида бўлган нарса инсон турган жойда турмаслигини англади ва ўша қоролтининг жонсиз нарса эканига ишонди. Сўнгра у бирор ихота эмасми экан, деб шубҳаланди ва тепиб юборди. У йиқилди. Энди шогирд бунинг ихота эканига тўла ишонди. Барча билганларини устозга хабар қилди ва унинг қаршисида эътибор қозонди.

Бу ҳикоядан мақсад кишининг барча нарсаларни аниқ, синчиклаб билиш, шундан сўнгина бир хулосага келиши кераклигини таъкидлашдир. Тажрибанинг асосий билиш воситаси эканини олим алоҳида уқтиради, подонлик, эринчоқлик, илмсизликни танқид қилади.

«Ҳиндистон» китобининг ўн еттинчи бобида Беруний сеҳргарликни қаттиқ танқид қилган. Сеҳр, бўямачилик йўлларидап биронтаси билан бир нарсани ўз ҳақиқатига хилоф равишда кўрсатишдан иборатдир, деб ёзади Беруний. У қатъиян сеҳрга қарши эди. Сеҳр таърифида унинг ёлғонлиги равшан кўриниб туради, шундай бўлгач, сеҳр албатта илмлар қаторига кирмайди, деб қатъий хулоса қилади олим. Шу фикрнинг исботи учун у бир неча ҳикоялар келтиради. Расояна деб аталган бир «ҳунар» тўғрисидаги ҳикоялар шулар жумласидандир. Ҳиндлар олтинни «расо» дейишган. Расояна ана шу сўздан олинган бўлиб, у гўё умидсиз беморларни соғайтирар, кексаларни яшартирар, уларга узоқ умр бағишлар, оғир ишлар ва жинсий алоқага қодирлик яратар эмиш, деган ақида бўлган. Беруний «Патанжали» китобида шундай сўзлар ёзилганини билдиради. Бундай гапларга ўзининг муносабатини эса у қуйидаги ифодаларда баён этади:

«Патанжали»даги шу сўзларни эшитиб ва унга ишониб, кейин (масхара қилиб) кулгачидан шолварини булғатмайдиган, устозига янгигинасидан бир неча луқма едирмайдиган (яъни «бекор айтибсиз» демайдиған) ким бор? (с. 153.)



Шундай изоҳли кириш сўзидан сўнг бир-икки ҳикоя келтирилади. Виёдий деган киши Расоянанинг таниқли мутахассисларидан бўлган экан. У Расоянани кўп ўрганди. Бу ишга бутун молу мулкини сарф этди. Аммо унинг истаги амалга ошмади. Қилган ишларидан ҳеч қандай натижа чиқмагач, у хафа бўлиб бир дарё ёқасига келди. Қирғоқда ўлтириб олиб таҳсил қилган китоби «Қорабодин»нинг ҳар бир варағини йиртиб-йиртиб сувга улоқтира бошлади. Куйироқда, дарё соҳилида бир бузуқ хотин яшар эди. Сув оқизиб келаётган китоб варақларини у тугиб олаберилади. Ниҳоят, китоб варақлари сувга ташланиб тугалланади. Бузуқ хотин эса у варақларни йиғиб олиб ўқиб Расоянадан таълим олди. Сўнг ўша хотин Виёдий ёнига келиб ундан нега китоб варақларини сувга итқитганини сўради. Виёдий бу китобдан баҳра олмагани, бу йўлда бутун молу мулкини сарф қилиб хонавайрон бўлганини айтди. Хотин унга, киши бутун умрини бағишлаган ишидан воз кечмаслиги керак, дейди, бу иш йўлига ўзининг йиққан бутун молу давлатини бағишлаяжанини айтди. Виёдий яна қайтадан ишга киришди. У дори тайёрлашда ёғ ва инсон қони аралашини лозим бўлган рецептни бажарар экан. Бу нарса китобда рактомала деб ёзилган, у эса буни қизил омила деб тушунган, шу билан дорини бузиб қўяр экан...

Бир куни дориларни қайнатаётганида бошига олов тегиб ҳунарварнинг мияси қуриқшаб қолди. Шунда бошига анча ёғ қуйиб ёғлади. Сўнг ўрнидан турганида юқоридаги мих бошига тегиб терисини қонатди. У оғриқ зўридан яна қайтиб жойига ўлтирди. Шу пайт ёғ аралаш қон томчилари дорилар қайнаётган қозонга тушди. Дори тайёр бўлгач, Виёдий ва ўша хотин у дорини ўзларига суртган ёдилар, улар бирдан ҳавога учдилар. Бу воқеа тўғрисида подшоҳ Викромадитяга хабар етказилди. У буларни кўриш учун қасрдан майдонга чиқди. Шунда учиб юрган киши подшоҳга, оғзингни оч, тупураман дейди. Подшоҳ унинг айтганини қилмади. Тупук эшик олдига тушгани-

да, эшик тилла тўсиқ билан бекилиб қолди. У киши ўша хотин билан учиб юрар, Расояна тўғрисида китоблар ёзар эди. Улар ҳамон тирик, ҳали ўлган эмаслар деган ақида бор эмиш (с. 153—154).

Ўша бобда шунга ўхшаш яна бир ҳикоя келтирилган. Молава вилоятининг Дҳор деган шаҳрида ҳоким эшиги тепасида тўрт бурчакли узунчоқ бир кумуш бор бўлиб, унда инсон аъзоларининг кўринишлари мавжуддир. Бу кумуш тўғрисида шундай бир афсона бор экан: Утмиш даврларида Расоянани биладиган бир киши подшоҳ ҳузурига келиб кимки Расоянага амал қилса, ҳамиша барҳаёт ва голиб бўлажак деган. Подшоҳ унга ишониб яхши инъомлар берган ва ўз амалини ишлатишни буюрган. У одам ёғни қиёмигача қайнатиб, сўнг подшоҳнинг шу ёғ ичига тушиши кераклигини айтган. Подшоҳ хавотир тортиб унинг айтганини қилмаган. Шунда у одам қозонда қайнаб турган ёғ ичига ўзини ташлаган ва унинг ичида титилиб кетиб ҳалок бўлган. Подшоҳ келишувга кўра ҳунарвар қолдирган халталарни бирин-кетин қозонга ташлаб туриши керак эди. У лозим аломатлар юз берганда шундай қилиб турган. Охирги халта қолганда, подшоҳ у одам қайта тирилиб чиқиб яна подшоҳлик даъво қилиши мумкин, деган хавф билан ўша халтани ташламаган. Натижада қозонда у одамнинг танаси йиғилгану, аммо қозон совиб қолган ва одам танаси тикланганича қолаберган, аммо тирила олмаган. Айтилган кумуш ўша одам танаси эмиш (с. 154—155).

Шу мазмунда яна бир бошқа ҳикоя ҳам бор.

Сиддҳа мартабасига эришганлардан бир киши тўхар ўсимлик тўғрисида бир чўпонга савол беради. (Бу ўсимлик узилса, ундан сут оқар эди). Саволнинг маъноси шу ўсимликдан сут ўрнига қон оққани кўрилганми, йўқлигидан иборат бўлган. Чўпон шундай ҳол кўринганини айтади. У киши чўпондан ўша ўсимликни кўрсатишни сўраган. Чўпон кўрсатган. Ҳалиги одам ўша ўсимликни йиғиб унга ўт ёққан ва чўпоннинг итини олов ичига ташлаган.

Чупон дарғазаб бўлиб, у одамнинг ўзини ўтга итқитган. Олов ёниб бўлиб ўчгач, итнинг ҳам, ҳалиги одамнинг ҳам мурдаси тиллога айланиб қолган эмиш. Чупон итнинг мурдасини олиб у одамнинг мурдасини эса қолдириб кетган. Қишлоқда яшовчилардан бир киши у одам мурдасидан бир бармоғини кесиб олиб қишлоқдаги «ровка» ёки «фақир» деб аталган ғоят қашшоқ баққолга олиб келиб савдо қилган. Яна қайтиб келса, мурданинг бармоғи ўсиб қолибди. Яна ўликнинг бармоғини кесиб олиб баққолга олиб борган. Ниҳоят баққол у одамнинг лақмалигидан фойдаланиб, тиллага айлانган ўлик жасадини топган, уни уйига олиб борган ва шундан фойдаланиб жуда бойиб кетган эмиш. Кейинчалик у подшоҳ Валлабҳанинг рақобатидан қўрқиб Мансура подшоҳидан ҳимоя сўраган. Мансура подшоҳи Валлабҳа билан уруш қилиб уни енгиб чиққан ва мамлакатини вайрон қилган.

Бу афсоналар ҳақиқатдан йироқ уйдирмалардир. Уларга Берунийнинг ғоят салбий муносабатда бўлгани аниқ. Бу ҳикояларда ташвиқ этилмоқда бўлган Расояна тўғрисида олим тўппа-тўғри бундай ёзади: «Одамлар қизиқадиган «Расояна» каби «фанлар» узоқ жойларга улоқтирилиб ташланганда эди, жуда тўғри иш бўлар эди».

Аmmo бу афсоналарнинг муфассал баёни маълум бадий аҳамиятга эгадир.

Бундай афсона ва ҳикоялар китобхонда ҳинд фольклори тўғрисида, унинг асосий қаҳрамонлари, мавзулари, халқнинг ўша персонажлар ва воқеаларга муносабати тўғрисида тасаввур ҳосил қилади.

Юқорида келтирилган ҳар учала афсона ҳам маълум ахлоқ қондаларни ифодалайди. Биринчи афсона Расоянанинг беҳудалигини фош этади. У яна Расоянага ихлос кўйган кишиларнинг жоҳиллиги, уйдирмаларни чин ҳақиқат деб қабул қилганларидан олимнинг истеҳзосини англатади. Шу билан бирга бу афсона кишилар фантазиясининг маҳсули сифатида қизиқарлидир. Улар ўзлари эътиқод

қўйган нарсани ҳақиқатан бор деб ишонадилар, уни рост деб ишонтирмоқчи ҳам бўладилар. Виёдий ва унинг дўсти бўлмиш аёлнинг ҳамон тирик эканлиги тўғрисидаги ақида бунга шоҳиддир.

Иккинчи афсонанинг персонажлари маълум характер белгиларига эгадир. Подшоҳнинг сеҳргар тирилиб яна тахт даъвоси қилишидан хавфсираб охириги халтани қозонга ташламаслигига ўхшаш воқеалар айрим бошқа ҳикояларда ҳам бор. Ушандай хатти-ҳаракат подшоҳ характеридан келиб чиқади. Бу ҳикоянинг сюжети Ибн Синога нисбат бериладиган ҳикояда ҳам бор. Гўё Ибн Сино бир дори ясаб шогирдига вафотидан сўнг оғзига ўша доридан қирқ томчи томизишни буюрган. Ибн Сино вафот этгач, шогирди бу вазифани бажара бошлаган. Уттиз тўққизинчи томчидан сўнг марҳум сал жонланиб, «қуй, қуй» деган овоз чиқарган. Шогирд қўрқиб кетиб дорини ташлаб қочган. Шу билан олим тирилмай қолган. Аммо ҳалигача ўша атрофда «қуй, қуй» деган овоз эшитилиб турар эмиш. Инсон аъзолари кўриниб турган кумуш ҳам худди ўша эшитилиб турган овоз каби мавҳум бўлсада, афсонага маълум бир жонлилиқ киритувчи, уни ҳаётга боғловчи бадий элемент вазифасини бажаради. Ҳар иккала афсонада ҳам кишининг тор фикрлиги, худбин ва қўрқоқлиги қораланади. Учинчи афсона фақир баққолнинг бойиб кетиши, шу бойлик туфайли икки подшоҳ ўртасида уруш чиқиб, мамлакатнинг хонавайрон бўлиши маълум даражада ўша даврдаги ижтимоий қарашларни билдирувчи ҳолдир. Молу мулкка ҳирс қўйиш, молу давлат йиғабериш албатта бир бахтсизликка олиб келади. Берунийнинг ёзишича, ҳиндлар эътиқодига кўра одамларнинг ҳақларини зўрлик билан олган, уларни талон-торож қилган одамлар ноҳақ қон тўкканлар, бировга гина ва душманлик қилганлари билан биргаликда Родҳа деб аталган дўзахга борадилар (с. 62).

Демак Расоянани танқид қилар экан, Беруний шу фикрни исботловчи афсоналар орқали бу танқидни ишо-

нарли ва қизиқарли баён өтган, унинг таъсир кучини ана шундай бадий лавҳалар орқали кучайтирган.

«Ҳиндистон» китобида айрим афсона ва ҳикоялар ҳаётнинг баъзи кўринишларини шарҳлашга, юриш-туриш, турмуш кечириш қоидаларини характерли ҳоллар орқали ўргатишга қаратилган. Подшоҳ Шонтану, Зоҳид Парошара, унинг ўғли Виёса тўғрисидаги ҳикоя шундайлардан биридир.

Зоҳид Парошара бир кемада кетаётган пайтида кемачининг қизига севгиси тушган. Улар бир-бирларига мойиллик пайдо қилишгач, дарё қирғоғида ёлғизлашганлар. Аммо ҳеч бир пана жой йўқ эди. Шу вақт бир юлғун ўсиб чиқиб уларни беркитган. Парошара унинг панасида ҳалиги хотин билан бирлашиб, уни ҳомиладор қилган. Шундан туғилган фарзанд Виёсадир.

Подшоҳ Шонтану бир зоҳиднинг қарғишига қолиб хотинларига яқинлик қилиш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолади. Натижада подшоҳ ўз ўрнига қоладиган шаҳзода истаб хотинларидан бирини Виёса ҳузурига жўнатади. Хотин Виёса ёнига қўрқиб, титраб кирган. Натижада касалманд ва нимжон бола туғилган. Сўнгра иккинчисини юборади. У хотин уялганидан чодир ёпиниб яқинлашган. Натижада кўр ва яроқсиз бола туғилган. Шонтану учинчи хотинини юборганда, унга қўрқмай ва уялмай киришни маслаҳат берган. У хотин кулиб ва очиқ юз билан Виёса ҳузурига кирган. Бола ўйноқилик ва шўхликда барчадан юқори турган, ўн тўрт кечалик ойдек тўла ва гўзал бўлиб туғилган.

Бу ҳикоянинг мазмуни ундан олдин баён қилинган одатлардан бирини исботлашга қаратилган. У одатга кўра ўша даврдаги ҳиндларда бошқа кишидан бўлган бола барибир ўз ота-онасиники деб ҳисобланажаги айтилган эди. Унда ҳаётчанлик, қувноқлик инсон руҳининг бардам ва тетиклиги ҳаёт учун зарур шарт экани кўрсатилган. Унинг акси эса салбий натижалар келтириб чиқаражаги таъкидланган. Демак, бу ҳикоядан буюк олим

этнографик қондаларни қизиқарли ҳикоя орқали тасдиқлаш билан чекланмаган, ундан яна маълум бир дидактик хулоса ҳам келтириб чиқарган.

«Ҳиндистон» китобининг йигирма тўртинчи боби айрим ороллар ва жуғрофий ўринлар таърифи, у ерда яшовчи халқлар ҳаётининг тавсифини ўз ичига олади. Шока двипа деб аталган оролда Соматоғи бор экан. Бу тўғридаги бир қизиқ афсонани Беруний ҳикоя қилади. Унинг мазмуни қуйидагичадир:

Илонлар онаси Кадрў билан қушлар онаси Винотў ҳар иккаласи Кашьянанинг хотинлари эдилар. Улар саҳрода экан пайтида бир кул ранг от пайдо бўлди. Унинг ранги тўғрисида ҳар иккала аёл ўртасида баҳс келиб чиқди. Отнинг рангини Кадрў қора деди. Эртаси куни буни аниқламоқчи бўлдилар. Баҳсда ким ютқазса у бошқасига қул бўлар эди. Тунда Кадрў ўзининг қора болаларини юборди. Шу билан баҳс Кадрў фойдасига ҳал бўлиб, Винотў унга қул бўлиб қолди. Қушлар онасининг бир ўғли Гаруда онасини қандай озод қилиш ҳаёлига тушди. Кундошининг болаларидан унинг йўлини онаси ўзи сўради. Улар девалардаги мамнунлик хусусияти билан озод қилинади, дедилар. Гаруда девалар ҳузурига бориб улардан мамнунликни беришни сўради. Бу хусусият бошқаларда пайдо бўлса, улар девалар каби абадий яшар эдилар. Шу туфайли у фақат деваларда бўлар, одамларда бўлмас эди.

Гаруданинг қаттиқ илтимосларидан сўнг, унинг яна қайтариб олиб келиш тўғрисидаги ваъдасидан кейин девалар мамнунликни унга бердилар. Гаруда уни олиб Сова тоғига келади ва мамнунликни Кадрўнинг болаларига бериб, ўз онаси Винотўни қулликдан озод қилади. Шундан сўнг Гаруда у болаларига Ганг дарёсида чўмилгунгача мамнунликка яқинлашмасликни тайинлайди. Болалар мамнунликни қолдириб ўзлари чўмилишга кетадилар. Гаруда эса уни олиб бориб деваларга топширади. Шу туфайли у мартабаси улуғ бўлиб қушларга подшоҳ бўлиб кетади.

Бу афсонада ҳам чуқур ҳикмат бор. Мамнунликка эга бўлган ҳар бир зот абадий яшайди. Кадрўнинг макрига Гаруданинг ўз онасига бўлган меҳр-муҳаббати қарама-қарши қўйилган. Унинг тадбиркорлиги деваларга берган сўзининг устидан чиқишига олиб келади. Яна ёвуз ният-лилар мамнунликка сазовор эмаслар, деган ақида ҳам ифода этилган.

«Хиранякашипу» афсонасини Беруний «Ҳиндистон» китобининг қирқинчи бобида келтиради. Бу бобнинг сарлавҳаси «Сандҳи-икки вақт оралиғи» ҳақида деб номланган. Сандҳи эрталабки ғира-шира вақт ва кечқурунги шафақ, яъни кун ботгандан кейинги вақтдир. Бу фурсат тўғрисида Хиранякашипу афсонасида шундай ҳикоя қилинади:

Дайтя жинсидан бўлган подшоҳ Хиранякашипу дуоסי қабул қилингунгача ибодатда бўлган. Сўнг у ўзига абадий ҳаёт сўраган. Унинг илтимоси узун умр кўриши сифатида қабул қилинган. У абадийлик мумкин бўлмаса, ўлимим одамнинг ҳам, фариштанинг ҳам, жиннинг ҳам қўлида бўлмасин; ўлимим кўкда ҳам, кеча ва кундузда ҳам бўлмасин, деб сўраган. Бу талаб ўлимдан қочиш учун ўйланган ҳийла эди. Бу талаб ҳам қабул бўлган.

Подшоҳнинг Праҳлода деган ўғли бор эди. У бир муаллим қўлида таълим оларди. Бир куни подшоҳ ўғлини чақирди ва унинг билимини синаб кўриш мақсадида саволлар берди. Бола шеър билан жавоб қайтарди. Бу шеърнинг маъноси дунёда ёлғиз Вишну бор, бошқа ҳеч нарса йўқ, деган фикрни билдирар эди. Подшоҳга бу шеър ёқмади. У ўғлига дўст билан душманни ажрата билишни маслаҳат бериб жўнатди. Бир қанча вақтдан сўнг яна у ўғлини чақириб имтиҳон қилди. Шунда бола отасига жавобан буюрган нарсаларингни ўргандим, лекин уларга эҳтиёж йўқ экан, чунки, менимча, дўстликда ҳамма баробардир, ҳеч кимни душман тутмайман, деди. Отаси қаттиқ ғазабга келди ва боласига заҳар ичишни буюр-

ди. Уғли заҳарни олиб худо номи ва Вишнунинг ёди билан ичиб юборди, лекин заҳар унга таъсир кўрсатмади. Подшоҳ болани сеҳр ва афсун билан омон қолган деб гумон қилди, аммо бола ўзининг чин эътиқоди туфайли соғ қолганини айтди. Подшоҳ яна дарғазаб бўлиб болани денгиз гирдобига ташлатди, аммо сув уни қирғоққа соғ омон чиқариб қўйди. Сўнг подшоҳ ўғлини ёниб турган оловга ташлатди, аммо ўт уни ёндирмади. У олов ичида туриб отаси билан баҳс қилар, Вишнунинг борлигини таъкидлар эди. Отаси бир устунни кўрсатиб шунда ҳам Вишну борми деб сўради, бола ҳа деб жавоб берди. Шунда подшоҳ устунга бир урганда ундан Нарасингға чиқиб келди. Унинг бадани одам шаклида, боши йўлбарс бошидек эди. Аммо унинг ўзи одам ҳам, фаришта ҳам, жин ҳам эмас эди. Подшоҳ ундан ўзини ҳимоя қилишга киришди. Нарасингға қош қорайгунча ҳужумга ўтмади. Аммо ғира-шира қоронғи тушиб кундуз ҳам, кеч ҳам бўлмаган сандҳи пайтида подшоҳни топди, уни ҳавога кўтариб ўша ерда ўлдирди. У ер осмон ҳам, ер ҳам эмас эди. Шундан сўнг Нарасингға ўғлини оловдан чиқариб олиб ҳукмронликка ўтқазди (274—275).

Бу ҳикоя синдҳи вақтини англатиш мақсадида келтирилган. Аммо унинг мазмуни, синдҳидан кўра эътиқод ва одамларга муносабатни билдиради. Ўз талабларига чек қўймаган подшоҳ ана шундай ўлимга дуч келди. Демак, абадийлик инсонга хос нарса эмас, уни талаб қилиш ҳам ноўриндир. Ҳатто дуо, ижобат қилинаётган фурсатда ҳам имкони бор нарсани тилаш керак. Инсоннинг инсондан юқори турган кучлар билан баробар келишга интилиши беҳудадир. Подшоҳ ўғлининг ўз эътиқодини улуғлаб отасига қарши баҳс қилишида бошқа бир масалага, яъни дўстлик тўғрисидаги гапларга эътибор қилиш керак. У, дўстликда ҳамма баробардир, дейди. Шу билан отасининг газабини келтиради. Бу ҳикоянинг туб моҳияти Вишну ва унга эътиқодни тарғиб қилиш бўлса-да, у юксак инсоний ҳислат — инсонларга дўстона муносабатни, инсон-

нинг ўз инсонлик ўрнида муқим туриши лозимлигини ҳам ташвиқ этади.

«Хиндистон» китобининг қирқ учинчи бобида Беруний тиб илмининг келиб чиқиши тўғрисида гоёт мароқли бир ҳикояни келтиради. Беруний бу ҳикояни Зайат Табарий ўғли Алидан олганини айтади. У эса ўз навбатида бу ҳикояни «Чарака» китобидан келтирилганини хабар қилади. Ҳар ҳолда бу учала муаллиф ҳам шу ҳикояга аҳамият берганлар, унинг хулосасида ҳамфикрдирлар. Бу ҳикоянинг мазмуни бундай:

Илгарилари ерда донмий арзончилик ва кенглик мавжуд бўлган. Одамлар барча офатлардан холи, соғ-саломат турмуш кечирганлар. Инсонлар бир-бирлари билан дўстона яшаганлар, ўрталарида ҳарислик, талаш-тортишув, душманлик ва ҳасад бўлмаган. Чунки сезиш унсури маҳабхута ўрта ҳолатда бўлган. Инсонлар нафси ва баданини касал қилувчи ҳеч нарса бўлмаган. Кейинчалик ҳасад пайдо бўлган, унинг кетидан эса ҳарислик юзага келган. Ҳарислик молу дунё йиғишни келтириб чиқарган. Бу ҳол уларнинг ўзаро уришишига, талашишига, бир-бирини алдашига ва ёлгон сўзлашларига олиб боради. Натижада диллари қорайди, табиатлари ўзгарди, ҳар нав касалликлар пайдо бўлди. Турмушда илмсизлик ўрнашди, балолар кучайди. Шунда бир канча доно одамлар йиғилишиб, эшонлари Атрия ўғли Кришна олдига бордилар. У тангрига муножот, зору-нола қилди. Шунда тангри унга тиб илмини ўргатди (с. 287).

Кўришиб турибдики, бу ҳикоянинг чин мазмуни кишиларни ҳасад, ҳарислик, молу дунё йиғишга зўр бериб интилиш каби иллатлардан сақланишга ундашдир. Шундай иллатлар бўлмаган фурсатда инсонлар соғ ва саломат, фаровон ҳаёт кечирганлар. Ҳасад ва ҳарислик пайдо бўлгач, тотувлик ва фаровонликка барҳам етган, душманлик ва ёмон феъллар авж олиб касаллик ва балолар келиб чиққан. Демак, Беруний бу ҳикояни келтириш билан ўзининг инсонлар ва инсоциётга чинакам гуманистик муно-

сабатини намоён қилади, уларни ёмон иллатлардан сақланишга даъват этади. Шу билан бирга у объектив ҳаёт шароити келтириб чиқарган натижаларни илмий йўсинда баён қилади, ҳеч қандай дидактик кучланишга йўл қўймайди. Баён қизиқарли ва таъсирили ифодаalarda берилган.

Етти қароқчи¹ юлдузлари тўғрисида — «Ҳиндистон» китобининг қирқ бешинчи боби шундай номланган. Беруний бу бобда етти қароқчи юлдузлари туркумининг ўрни, ҳаракатлари номлари тўғрисида муфассал сўзлайди. Бошланиш қисмида эса бу туркум тўғрисидаги қуйидаги афсонани ҳикоя қилади:

Етти қароқчи юлдузлари ҳиндлар тилида Саптараша деб аталган. Бунинг маъноси етти риша демакдир. Улар гўё етти зоҳид бўлишган, ҳалол меҳнат билан тирикчилик ўтказишган. Уларнинг ўртасида Ас — Суҳо деган солиҳ аёл яшаган. Уларнинг овқатлари ҳовузлардаги нилуфар таналаридан иборат эди. Дин пайдо бўлгач, улардан уни беркитди. Ҳар бирлари бир-бирларидан уялиб, диний қасамлар билан онг ичдилар. Бу ишлари динга маъқул бўлганидан, дин уларни эъвозлаб, ҳаммаларини осмондаги ҳозирги ўринларга кўтарди.

Беруний бу ҳикоядан сўнг ҳиндларнинг китоблари қофияли шеърлар билан тартиб қилинганини эслатади. Ҳиндларнинг турли таърифларини шеър билан амалга оширишни ёқтирганларини таъкидлайди. Шундан сўнг етти қароқчинини сифатловчи қуйидаги шеърни келтиради:

Шимол томон бу юлдузлар билан зийнатланган,
У марварид терилган шодани ва оқ нилуфарга боғланган,
Маржонларни (бўйнига) таққан гўзал
Раққоса қизнинг айланиб ўйнаб туришидек
Қутб атрофида айланиб туради.
Мен энг кекса Гаргадан ҳикоя қилиб айтаман:
У замонда Жазинштҳира Ер юзнда подшоҳ эди,

¹ Етти қароқчи Маъҳада — ойнинг унинчи манзилида бўлган эди.

Шакакола 2526 йил кейин (идора қилган),
у (Етти қароқчи) ҳар бир манзилда 600 йил турган.
У шарқ билан шимол оралигидан чиқади,
Етти қароқчининг шарққа ёндошиб турган (бири) Марчи,
Унинг ғарб томонида тургани Васиштҳа,
Кейин Ангира, кейин Атри, кейин Пуластья,
Кейин Пулаҳа, кейин Кратудир.
Васиштҳа яқинида Арундҳате исми пок хотин бор (293).

Бу афсона орқали биз ҳинд халқ оғзаки ижодида ана шу юлдузлар туркуми тўғрисидаги талқин, тушунча билан танишамиз. Унинг асл моҳияти покизалик ва ҳалолликни улуғлашдир. Шеърӣй парча эса ўша туркумнинг шоирона тасвири, унинг ўрни, ҳаракати, ҳар бир юлдузнинг номи билан таништиради.

Норояна. «Ҳиндистон» китобининг қирқ олтинчи боби Нороянага бағишланган. Ҳиндларнинг фикрича Норояна бузуқлик ва ёмонликларни мумкин қадар йўқ қилувчи, тузатишни бузулишдан олдин қўювчи олий кучлардан биридир. Уни Вишну деб ҳам, Васудева деб ҳам атаганлар. У Виёса суратида ҳам келади. Беруний бу отларнинг йигирма тўққизтасини келтирган. Ҳар келганда Норояна дунёда юз бераётган бир ҳодисага чек қўяди.

Беруний Нороянанинг икки келиши Вомана ва Васудева кўринишида келишига оид қизиқ афсоналарни муфассал ҳикоя қилади. Подшоҳ Бали Зухрани ўзига вазир қилиб олди ва отаси Верочанд ҳукмронлиги давридаги каби тартиб ўрнатишга интилди. Верочанд даврида одамлар фароғатда яшар эдилар. Бали ҳам халққа хайри-эҳсонлар инъом қилиб мол ва дунёсини сарф қила бошлади. Агар Бали қурбонликларини юзга етказганда дунё ва жаннат раислигига етган бўлар эди. Бундан фаришталар таҳликага тушиб қолдилар. Улар инсонлардан ўзларига етадиган манфаат камайиб қолади, деб қўрқа бошладилар ва нажот сўраб Норояна ҳузурига бордилар. Бали қурбонликнинг тўқсон тўққизинчисини амалга оширмоқда

ѐди. Норояна фаришталарнинг додига кулоқ осди, муд-
ҳиш кўринишли Вомана шаклига кириб, подшоҳ Бали ол-
дига келди. Бали хазиналар эшигини катта очиб тортиқ
ва ҳадылар улашишга тайёрланиб турган эди. Вомана
веданинг бир қисмини хушовоз ўқий бошлади. Подшоҳ
хайру эҳсон улашишга киришди. Зухра Нороянани таниб
қолиб, унинг келганидан хабардор қилди. Аммо подшоҳ
бунга аҳамият бермади. У завқ, хурсандлик билан банд
эди. Бали Нороянага қараб, истаган нарсангни сўра,
деди. У, мулкингдан тўрт қадам миқдордаги қисмини
берсанг, ўшанда ҳаёт кечирсам, деди. Подшоҳ рози бўл-
ди, қўлини ювишга сув сўради. Чунки, қўлини ювса унинг
буйруғи амалга ошар эди. Зухра обдаста ичига беркиниб,
унинг жўмраги тешигини қўлидаги узук билан беркитди.
Аммо Зухранинг кўзи ғилай бўлгани учун яхши берки-
толмади, обдастан сув оқиб чиқаберди. Вомана шарқ,
ғарб томонларга, юқорига қараб ҳатлади, тўртинчи ҳат-
лашда дунё юзида ер қолмади, барчаси унинг тасарруфи-
га ўтди. У Балини ўзига қул қилиб олди ва уни ер ости-
га киритиб юборди. Бали етти қават ер остига чўкди.
Олам Вомана қўлига ўтди (298—299).

Нороянанинг яна бир келиши тўғрисидаги ҳикоятни
Беруний ўз китобининг қирқ еттинчи бобида келтиради.
Ҳиндларнинг эътиқодига кўра дунё бузилса, ёки бузи-
лишга яқинлашса, ёмонлик кўпайса, унинг иллизини
қуритувчи зот сифатида Васудева пайдо бўлади. У охири-
ги марта Матҳура шаҳарининг ҳокими Кансанинг сингли-
сидан одам қиёфасида туғилади. Канса синглисининг тўйи
кунларида, «сенинг ўлимнинг синглинг боласи туфайли
бўлади», деган нидони эшитади. Шунинг учун у синглиси-
нинг ҳар бир туққан боласини ўлдирар эди. Аммо сингли-
сининг бир ўғли Балабҳадрани мол боқувчиси Нанданинг
хотини олиб тарбия қилади. Васудева туғилганда отаси
уни махфиёна равишда Кансанинг соқчилар ухлаб ёт-
ганидан фойдаланиб, Жасуниинг эри мол боғлайдиган оғил-
хонага олиб бориб яширди. Ўша пайтда Жасу ҳам қиз

туққан эди. Онасига билдирмай ўгилни ўша қизга алмаштирадилар ва қизни соқчиларга олиб келиб топширадилар. Канса қизни ўлдиришга қасд қилганда у қиз ҳавога учиб кетди. Жасу Васудевани ўз боласи деб ўйлаб тарбия қилди, улғайтирди. Канса бўлган ишлардан хабар топиб Васудевани ўлдиришга кўп қасд қилди, аммо ҳеч натижа бўлмади. Ниҳоят уни ўзига курашчи паҳлавон қилиб олди. Паҳлавон барча курашларда ғалаба қозонаборди. Бир куни Васудева тоғаси Кансанинг ғазабини келтирувчи бир неча ишлар қилди: Кансанинг нилуфарини қўриқловчи плонни енгиб тумшугидан боғлаб қўяди, кийим ювадиган одамни янги кураш кийими бермагани учун ўлдиради, Кансанинг хотинидан унга қарашли хушбўй ҳидлар тарқатувчи сандални тортиб олади; уни ўлдиришга тайёрланган қутурган филни ўлдиради. Бу ишлардан хабардор бўлгач, Кансанинг юраги ёрилиб ўлади. Унинг ўрнига эса Васудева подшоҳ бўлиб кўтарилади. Васудеванинг чиқиши ойнанинг ўн биринчисига тўғри келгани учун ҳар бир ойнанинг ўн биринчисига алоҳида эътибор берадилар. Унинг ҳар бир ойна учун алоҳида номлари бордир. Улар қуйидагича:

Ойлар

1. маргаширша
2. павша
3. мағҳа
4. пҳолгуна
5. чайтра
6. вайшакҳа
7. жайшитҳа
8. ошодҳа
9. шрована
10. аҳодранадо
11. ашваюжа
12. кортикка

Васудева номлари

- Кешава
Норояна
Модҳава
Равинда
Вишну
Мадхусудана
Тривикрама
Вомана
Шридхара
Хришикеша
Падманабҳи
Дамўдара

Шундан сўнг Кансанинг куёви билан Васудева ўртасида уруш бўлади. Васудева денгиз томонга чекинишга мажбур бўлади, у ерда деворлари олтиндан қурилган қалъада жойлашади. Васудева бу ерда ўз амакиваччалари билан учрашиб қимор ўйинида уларнинг бор мол-мулкни ютиб олади, уларни сургунда бўлишга мажбур қилади. Сўнг Васудева Панду авлодининг ўз душманларига қарши урушида уларга ёрдам кўрсатади. Шундан кейин яна бир қанча саргузаштлар бўлиб ўтади. Ниҳоят, Васудева ва унинг укаси Аржуна, уларнинг биродарлари ҳалок бўладилар. Фақат Жазиштҳара деб аталган биттасигина қолади. Унга жуда оз ёлгон сўз сўзлагани учун дўзахни босиб ўтиб, жаннатга киришга рухсат берилади. Шунда Жазиштҳара фаришталардан: «Агар менинг жаннатга киришим лойиқ топилса, дўзахийларга шарофатим тегиб, ҳаммаси дўзахдан озод бўлсин», дейди. Унинг тилаги адо этилади, барча биродарлари ҳам жаннатга кирадилар.

Норояна тўғрисидаги афсоналар ҳам Беруний давридаги ҳинд фольклори тўғрисида бой маълумотлар беради. Улар замирида ётган ғайри табиий ҳодисалар ҳикоялар моҳиятига халал бермайди, балки ўша моҳиятни тўлароқ англашга хизмат қилади. Нороянанинг Вомана қиёфасига кириб подшоҳ Балини хароб килиши унинг ёвуз ниятлилигини эмас, балки фаришталарнинг инсон қудратидан қўрқишлари, инсоннинг хайру эҳсон, яхшилик туфайли, баланд ҳиммат ёрдамида илоҳий кучлардан устун бўлиб кетиши мумкинлигидан хавотир қилганларини кўрсатади. Вафоли Зухранинг тадбиркорлиги ҳам бу ерда фойда келтирмайди. Вомана фаришталарнинг олижаноб хислатли подшоҳ Балига қарши курашда бир қуролигина, холос. Бу ҳикоядаги чуқур киноя дунё ва жаннат устидан ҳукмронликни йўқотишдан қўрққан ёвуз ниятчиларга қарши қаратилган.

Васудева билан Канса ўртасидаги курашга бағишланган иккинчи ҳикояда халқ ўзининг ёвуз ниятчилар билан адолатпарварлар ўртасидаги қарама-қаршиликка бўлган

муносабатини ифодалайди. Бу курашда Васудева тимсол бўлган хайр ва тўғрилиқ кучларининг ғалабасига умид боғланади. Чунки Кансанинг золим ва қотиллиги барибир уни ҳалокатдан қутқара олмади. Барибир Васудева омон қолди, Канса устидан ғолиб келди. Ҳатто кўп курашлардан сўнг Васудева ва унинг биродарлари ҳалок бўлганда ҳам уларнинг барчаси жаннатдан жой олдилар. Васудеванинг ун икки ойдан ун икки ном билан қайта пайдо бўлиши тўғрисидаги эътиқод халқнинг мураккаб конфликтларни ҳал этишга қодир кучнинг борлигига ишончидан дарак беради, унга умид боғлаганини кўрсатади. Бундай кучлар иштироки билан содир бўладиган ҳодисалар эса ғайри табиий шароитларда эмас, балки борлиқ турмуш шароитида юз беради. Масалан, Кансанинг ўз ҳаётидан хавотирланиб, ҳар бир чақалоқни ўлдириши золим подшоҳларга хос хусусиятдир. Бундай ҳолни Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ҳам учратамиз. Унда подшоҳ Заҳҳок елкасидан ўсиб чиққан илонларни ёш йигит ва қизларнинг мияси билан боқар эди. Балабҳадра туғилган пайтда унинг молхонанинг оғилида асралиши Васудеванинг Жасу қизи билан махфиёна алмаштирилиши ва ҳоказо воқеалар бошқа афсоналарда ҳам учрайдиган ҳаёт кўринишларидир.

Норояна, Васудева тўғрисидаги афсоналар Берунийнинг ҳинд фольклорини чуқур ўрганганлиги, уларнинг туб илдизларини чуқур билганлигини кўрсатади. Бу фикрга унинг бошқа афсоналардан келтирган маълумотлари ҳам исбот бўла олади. «Ҳиндистон» китобида бундай мисоллар анчагина бор.

Веда китоби. Ҳиндларда «Веда» китоби асосий диний китоб бўлиб, уни браҳманлар махсус таразда ўқиганлар. Унинг ўқилиш тартиби тўғрисида Беруний тўла ахборот беради. Сўнг у ҳинд китобларининг аруздаги ражазга яқин бўлган вазн билан ўлчанганини эслатади. У кўпроқ китобларда шлока деб аталган вазннинг мавжудлигини алоҳида таъкидлайди. Тизма сўзининг афзаллигини Беруний Жолинуc сўзлари билан исботламоқчи бўлади. Жоли-

нус ўзининг «Катожонус» деган китобида Демократеснинг дорилар ҳақидаги китоби юнонча вазнда шеър билан ёзилгани туфайли шуҳрат қозонганини айтади ва хулоса қилиб, «сочма сўз тизма сўздан кўра бузилишга имкониётлироқ бўлади», деб ёзади (с. 107).

Веда одамлар ўртасидаги маълум вазнда эмас, тамомила бўлак ўзига хос вазнда ёзилгандир.

Внёса Ведани тўрт бўлимга ажратган. Улар Ригведа, Яжурведа, Сомаведа, Атҳарванаведадир. Ҳар бир бўлимнинг алоҳида ўқилиш йўли бор.

Ригведа мисраларининг миқдори бир-бирига баробар бўлмаган назмдан ташкил топган. Ригведа калималарни бир-бирига уламай, дона-дона қилиб ўқилади. Бу ҳол қуйидаги афсона билан изоҳланади. (Бу афсонани Беруний бир кишидан эшитган экан.) Жайнавалкья деган киши ўз муаллимининг ҳузурда экан пайтида унинг бир браҳман ошнаси сафарга чиқадиган бўлди ва у муаллимдан хома, яъни олов ёқиб туриш шартларини биладиган бир одамни юбориб туришни сўради. Токи улар ўтга қараб турсинлар. Муаллим шогирдларини бир-бир шу ишга юбориб турди. Ниҳоят, навбат Жайнавалкьяга келди. У чиройли ва тоза кийимлар кийиб сафарга кетган кишининг уйига келди ва буюрилган вазифани адо этиб турди. Шунда ўша кишининг хотини Жайнавалкьяга севги қўйди. Буни шогирд сизди. Жайнавалкья ўз вазифасини бажариб бўлгач, хотиннинг бошига сепмак учун сув олган эди (дуодан кейин улар суф дейиш ўрнига сув сепар эканлар), хотин сувни бир устунга сепишни буюрди. Сув сепилган устун ўша заҳоти кўклади. Хотин иккинчи куни муаллим ҳузурига бориб яна ўша шогирдни юборишни сўради. Аммо Жайнавалкья фақат ўз навбати келганда боражагини айтиб, иккинчи марта боришдан воз кечди. Муаллимнинг ғазаби келди. Шогирд барибир ўз сўзидан қайтмади. У муаллимга аччиқ қилиб, менга ўргатганларингни қайтариб олақол, деди. Шу замон у барча ўрганган нарсаларини унутди. Шунда Жайнавалкья қуёшга мурожаат

қилиб ведани ўргатишни сўради. Қуёш, мен доим ҳаракатдаман, сен бундай ҳаракатдан ожизсан, қандай қилиб ведани ўрганасан, деб жавоб қилди. Жайнавалкья эса қуёш аравасига осилиб олиб ведани ўрганишга киришди. Арава ҳаракатидаги бетинчлик сабабли калималарни бири-биридан ажратиб ўқишга мажбур бўлди. Шу йўсинда ригведа калималарини ажратиб-ажратиб ўқиш расм бўлди. (108—109-б.)

Бу ҳикоя тамомила афсонавий характерга эга бўлса-да, унда покизалик, тўғрилиқ, ҳалоллик ташвиқ этилган. Ана шундай сифатларнинг киши бошига уқубатлар келтириши айтилса-да, уларнинг олжаноб хислат эканлиги билдирилган. Шундай хислатларга эга бўлган шогирд ўзининг асл мақсадидан қайтмади ва унга эришди. Унинг чеккан машаққати бутун-бутун авлодлар ҳаётига сингиб кетган анъанага боис бўлди.

Беруний Сомаведа, Атҳарванаведа, Пурона китобларининг ўқилиш тартибларини ҳам тушунтиради. Уларнинг қироат қоидалари ўша китобларнинг назмига асосланганини англадиб ўтади.

«Калила ва Димна» тўғрисида. Беруний «Ҳиндистон» китобида бутун шарқ мамлакатларида машҳур бўлган «Калила ва Димна» китоби тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтирган.

Бу китобнинг асл номи «Панчатантра» экан (с. 130, 489). Бу китобни араб тилига таржима қилган киши Абдулла ибн Муқаффади (724—759). «Панчатантра»нинг маъноси «Беш ҳикмат» демакдир. Бу асар ҳиндчадан форсчага таржима қилинган, сўнгра форсчадан араб тилига ўтказилган. Беруний бу таржимага ўзининг салбий муносабатини баён қилади. Беруний ал-Муқаффа таржимаси ва тажрибасини қаттиқ танқид қилади. Унинг ёзишича, ал-Муқаффа бу китобга ўзидан Барзовайх бобини қўшган. Бундан мақсади динга эътиқодни суст кишиларни иккилантириш ва уларни Маннония мазҳабига тортмоқчи бўлганларга зарба бериш бўлган. Бу ҳаракатга баҳо бериб

Беруний бундай деб ёзади: «Боб орттириб ишончсиз бўлган киши таржимада ҳам орттириб ишончсиз бўлишдан четда қололмайди (с. 130).

Беруний «Калила ва Димна»ни араб тилига ўзи таржима қилмоқчи эканини изҳор этади.

Васудева ва Шишупола ҳикояси. Васудеванинг синглиси Канса бир ўғил туғди. У бола тўрт қўллик бўлиб туғилган экан. Юқоридан бир овоз келиб, уни ўлдирадиган одам тегса чакалоқнинг ортиқча икки қўли узилиб тушишини хабар қилган. У ерда ҳозир бўлганлар болани кўкракларига теккиздилар. Васудева тегинши билан боланинг икки ортиқча қўли узилиб тушди. Она Васудевага қараб, сен боламни бир кун ўлдирасан, дейди. Васудева бундай қилмайман, қасддан жиноят қилмагунча жазоламайман, ёмонлик ҳаракати ўнтадан ошмагунча уни ўлдирмайман, деб жавоб берди.

Кўп вақтлар ўтди. Шишупола исмли бу бола вояга етди. Жузиштхара олов учун қурбонликка тайёргарлик кўрди. Меҳмонларни кутиш, лозим жойларга ўтқазиш, уларнинг олдига сув ҳамда гул қўйиш каби юмушлар Васудева зиммасига тушди. Шишупола ҳам шу ерда эди. У ўзини такаббурлик билан тутди, Васудевани назаринсанд қилмади, ҳатто унинг отасини ҳақорат қилди. Ҳамма бу беадабона ҳаракатларни кўрди. Аммо Васудева чидам билан ўзини тутиб турди. Шишуполанинг ножўя қилиқлари ҳаддан ошиб ўтиб кетгандан сўнг Васудева қўлига жомни олиб уни Шишуполага иткитди. Камондан отилган ўқдек учиб бориб жом унинг бошини кесди (с. 258).

Маймунлар афсонаси. Беруний маймунлар тўғрисида ҳиндларда ажойиб бир тасаввур борлигини ҳикоя қилади. Унинг ёзишича, ҳиндлар маймунларни Романинг шайтонларига қарши урушида унга ёрдам кўрсатгани учун қиёфаси ўзгариб қолган инсонлар деб билганлар. Гуё Рома бир неча қишлоқларни маймунлар учун бериб қўйган. Қаҳқинд деб аталган тоғ ана шу жойлардир. («Қаҳ-

кинд» — маймунлар тоғи демакдир.) Маймунлар яшайдиган жойларга адашиб кириб қолган одам Романинг шърини ва дуоларини ўқиб берса маймунлар унга қулоқ соладилар, йўл кўрсатадилар, унга озуқа ва ичимликлар берадилар, деган эътиқод бор. Беруний агар бундай ахвол ҳақиқатан юз берадиган бўлса, у фақат ашула ва музыка таъсири остида бўлади, деб изоҳлайди.

Ой ва қуёш тутилиши. Ҳинд мутаассиб руҳонийларининг фикрича Бош ой ва қуёш тутилишига сабаб бўлар эмиш. «Веда»да айтилишича Бош дайтъя қизларидан бўлмиш Сайнако номли хотиннинг ўғли бўлиб, ҳар бир яхшилик ўша учундир.

Беруний «Санкхъя» китобида Бош тўғрисида мавжуд афсонани «Ҳиндистон» китобининг эллик тўққизинчи бобида келтирган. Унинг мазмуни қуйидагичадир: Бош дайтъя жинсидан бўлиб, унинг эти Сингҳикодир. Фаришта-лар дарёдан таомларни чиқариб Вишнудан уни баробар бўлиб беришни сўрадилар. У бўлиб берди. Бош ҳам фаришта суратида келиб ўша таомни ейишда шерик бўлди. Вишну уни таниб қолгач, бир зарба билан унинг калласини кесди. Ҳозиргина еган таоми — ҳаёт озуқи оғзида қолгани учун боши омон қолиб танаси ўлди. Нега бундай жазо берилди, қайси гуноҳим учун, деб сўрагани учун у осмонга кўтариб олинди. Унинг жасади ой ва қуёшга ўхшашдир. Ой ва қуёш тутилгандагина кўринади. (376- б.)

Беруний бу афсонани ҳикоя қилар экан, унинг илм ва мантиққа тамомила зид эканини астойдил исбот қилади. Бу афсонанинг ижодчиларини қаттиқ танқид қилади. Ой ва қуёш тутилиши борасида эса «Ойнинг тутилтиргувчиси Ер соясидир, қуёшнинг тутилтиргувчи Ойдир деб ёзади». (376- б.) Шу фикрни исботловчи кўп илмий ва мантиқий мулоҳазаларни баён этади.

Беруний ой чехрасининг доғли экани тўғрисида қуйидаги ҳинд афсонасини ҳам ҳикоя қилади. Ой манзиллари Пражопатининг қизлари бўлиб, ой уларга уйланган экан. Ой барчасидан кўра Роҳинага ортиқ ишқ қўйган. Бошқа-

лари бунга гайирлик қилиб арз қилганлар. Ота ҳаммасини баробар кўришни Ойга насиҳат қилиб таъкидлаган бўлса-да, натижа чиқмаган. Шундан сўнг у Ойни қарган ва ой юзи доғли бўлиб қолган. Ой тавба қилади, аммо Пражэпати ўз сўзидан қайтолмас эди. У ҳар бир ойнинг ярмида ойнинг юзини беркитишни билдирган (373)

Ой тўғрисидаги афсона жуда ҳам мароқлидир. У халқ ижодидаги бой фантазия ва табиат ҳодисаларини турмуш воқелиги билан боғлаб изоҳлашга бир далил бўла олади. Халқ ҳар бир воқеани ўз ҳаётидан келтириб чиқарар, у билан узвий равишда боғлар эди.

«Ҳиндистон» китобининг эллик саккизинчи бобида Беруний денгиз сувларининг кетма-кет кўтарилиши ва пасайиши тўғрисидаги бир ажойиб афсонани келтиради. «Мачапурона» китобида айтилишича денгиз сувларининг доим бир текисда туришини изоҳловчи қуйидаги бир афсона келтирилган экан:

Ўн олти тоғ денгизни ўраб туради. Учинчи билан тўртинчи тоғлар орасида денгиз сувини ичадиган слов бор. У Самвертака оловидир. Агар у бўлмаса, дарёлар қуйилиши туфайли денгиз тўлиб кетган бўлар эди. Ўша тоғларнинг подшоҳи Аурва ҳали онасининг қорнидалик пайтида унинг отаси ўлдирилган. Бола туғилиб, вояга етгандан кейин бу воқеадан огоҳ бўлиб, фаришталарга қарши отланади. Чунки фаришталар гарчи одамлар уларга бош ағсалар-да, оламини сақлашда бепарволик кўрсатган эдилар. Фаришталар тавба-тазарру қилиб узр сўрашди. Шунда у фаришталар тавбасини июнотга олди, аммо ғазаб ўтини нима қиламан деб, сўради. Уни денгизга ташлашни маслаҳат бердилар.

Беруний ўзининг бу афсонага муносабатини бошқа бир ифодани келтириш билан ҳам намоён этади. У ифода қуйидагичадир: «Бошлиқ Индра дарё сувларини булутга айлантириб, ёмғир қилиб юбориш туфайли дарёлар денгиз сувини орттиролмади». (372-б.)

Тарихлар ва эралар. Шу мавзуга бағишланган қирқ тўққизинчи бобда ҳам эралар бошланиши, айрим тарихий воқеаларнинг келиб чиқишига оид, баъзи асарларнинг ёзилиш тарихига доир ҳикоялар учрайди. Улардаги мавжуд маълумотлар фақат Хиндистон тарихигагина эмас, унга қўшни бўлган Афғонистон, Тибет каби мамлакатлар тарихига ҳам тааллуқлидир. Масалан, Шака эрасининг бошланишига асос бўлган ҳукмрон шака ўзи ҳинд бўлмай, ғарб тарафдан келганлиги айтилади. Ҳиндларнинг Қобилдаги подшоҳи эса турк бўлган, аслида у ҳам тибетли бўлган дейишади ва ҳ. к. Тарихларга бағишланган бобда «Рома ва Ромояна» асарининг ёзилишига оид тафсилот ҳам учрайди.

«Вишну дҳарма» китобида Маркандеванинг Важрага берган жавобига асосланиб «Рома ва Ромояна» асарининг ёзилиш пайти ва тафсилотини билдиради, Волмекиннинг шу асарни ёзиб бўлиб ўтган ҳодисаларни адабийлаштирганини айтади. Бу ҳодисаларни эса Маркандева Панду ўғли Жузиштҳарага Комякавана ўрмонида сўйлаб берган эди. (307- б.)

Шре харша эрасининг бошланиши унинг ер ости бойликларини қидириб, қазитиб топгани ва ундан халойиққа кўп манфаат етказган пайтидан бошланади. Бу календарь Матҳура ва Канавж районларида қўлланади.

Шака эрасининг бошланиши тўғрисида эса бундай ҳикояни сўйлайдилар. Шака Синд дарёси билан денгиз орасидаги ҳинд ерларини ўзига мустамлака қилиб олган. Унинг қароргоҳи Оржавартада эди. Шака ўз календаридан бошқани ишлатишни қаттиқ ман этган. У халқни кўп азоб-қубатга дучор қилган. Ниҳоят, Викромадитья Шакани тор-мор келтириб халқни унинг зулмидан халос этган. Шака Лоне қалъаси билан Мултон ўртасидаги Карур деган жойда ўлдирилган. Унинг ўлдирилиши тўғрисидаги севинчли хабар тарқалган кундан йил, эра бошланади. Айтишларича, Шака ўзи ҳинд бўлмаган, у ғарб томон-

дан келган. Викромадитья эса шарқдан чиққан ҳукмрон эди. Шу бобда яна шундай бир ҳикоя ҳам учрайди.

Ҳиндларнинг Қобилда турклардан подшоҳлари бўлган. Улардан биринчиси Барҳатакен эди. У ҳеч ким киролмайдиган бир ғорга чалқанча ётиб кириб борган, озгина озуқа ҳам олиб кирган. Бир неча кундан кейин Барҳатакен ғордан чиқиб келади. У худди онадан янги туғилгандек эди. Туркларга ўхшаб эғнига тўн, бошига дўппи, оёғига маҳси кийган ва яроқ тақиб олган эди. Уни иззат билан қарши олдилар, у ўзини Кобил подшоҳи деб эълон қилди. Унинг авлоди олтмиш йилча ҳукмронликни олиб борди.

Подшоҳ Каник ва Канаваж ройи ўртасидаги душманлик ва уруш тўғрисидаги ҳикоя ғоят қизиқарлидир. Бу ҳикояга филология фанлари кандидати А. Ирисов ҳам диққат қилиб, уни Урта Осиёда маълум бўлган Широқ афсонаси билан қиёслаган эди.

Канаваж ҳокими Каник подшоҳга бир мато совға қилиб юборган. Аммо тикувчи ундан кийим тиколмаслигини айтган. Чунки у матода одам оёғининг изи бор эди. Мато қандай қилиб бичилмасин одам оёғининг изи икки кифт ўртасига тўғри келарди. Каник ройнинг ҳақоратли имосини тушуниб унга қарши юриш қилади. Рой каник билан жанг қилишга кучи етмас эди. У вазири билан маслаҳатлашади. Вазир, менинг бурним ва лабимни кесиб қийнагин, қолганини бир ҳийла билан ўзим тўғрилайман, дейди. Ройнинг буйруғига кўра вазирнинг айтган гапини амалга оширадилар. Вазир Каникка йўлиқади ва мен Ройни сизга итоатга ундаганим туфайли шундай жазо олдим, дейди. Рой ўзи беркинди, мен машаққатли биёбон оркали сизларни ўша жойга бошлаб олиб бораман, дейди вазир Каникка. Подшоҳ унинг сўзига қулоқ осадди. Сувларни ғамлаб йўлга чиқадилар. Биёбонлар узра машаққат билан йўл босадилар, аммо йўлнинг охири — кети кўринмас эди. Шунда вазир Каникка, бу биёбондан чиқадиган энг яқин йўл келган йўлимиздир. Мени ишма

қилсанг ихтиёринг, аммо бошқа чиқадиган йўл йўқ, дейди. Каник отга миниб бир пастлик ер атрофида отини чоптирди, кейин ўша ер ўртасига найза урди. У ердан сув отилиб чиқди. Бу сувдан аскарлар ичдилар ва гамлаб олдилар. Вазир подшоҳнинг мўъжизали тадбиркорлигидан ҳайратда қолади ва уэр сўрайди. Каник мен қайтаман, илтимосинг қабул этилди, подшоҳинг эса ўз қилмишига яраша жазо олди, дейди.

Каник ўз қўшини билан қайтади. Вазир Рой ҳузурига бориб қараса, унинг икки қўли ва оёғи, Каник найзани ерга урган кундаёқ, йўқ бўлиб қолган экан.

Бу ҳикоянинг мазмуни садоқатни улуғлайди. Айни замонда беҳуда хатти-ҳаракатлар, ўринсиз ҳақоратнинг муҳаққақ жазоланажagini билдиради. Вазир дарҳақиқат садоқат ва фидокорлик тимсолидир. Аммо Рой ўзининг беҳуда қилмиши учун қаттиқ жазо олди. Бу афсона воқеаларнинг динамик ривожини, уларнинг мантиқий боғланиши жиҳатидан диққатга сазовордир. Унда Каник ҳаққониятчи, адолатли подшоҳ сифатида тасвирланади. У ноўрин ҳақоратга қарши чиққанида ҳақли эди, вазирга жазо бермай, ҳақиқий айбдорни жазолашда ҳам ҳақли эди. Бу афсона ҳам ҳинд халқ оғзаки ижодининг намунаси.

У яна бир бор халқ оғзаки ижодининг манбаи тарих, жамият ҳаёти эканидан дарак беради. Айрим ҳаёлий счимлар (матотарифи, Ройнинг жазоланиши, найза урганда сув чиқиши) ҳикоянинг афсонавий моҳиятини ташкил қилади. Лашкарнинг биёбонда адашганлиги факти, уни Широқ афсонаси билан яқинлаштира ҳам воқеаларнинг давоми бу афсонанинг оригинал мазмуни ва якувидан далолат беради.

Олов ҳикояси. «Ҳиндистон» китобининг олтинчи бешинчи боби қурбонликлар тўғрисидаги одатларга бағишланган. Бу ерда Беруний олов тўғрисидаги ажойиб бир афсонани ҳикоя қилади. У «Вишну дхарма» номли китобдан олинган бўлиб, оловнинг инсонлар хизматиға ўтганини тасвирлайди.

Дайтя жинсидан Хиранякша деган одамнинг Дукиш отли гоят тақводор ва солиҳа кизи бўлган. Маҳодава ўша қизга уйланган. Эру хотин ёлғиз қолганларида Маҳодава девалар одатига кўра алоқани узайтириб, унинг интиҳосини кечиктира бошлайди. Олов эса уларнинг яқинлигидан ўзларига ўхшаш олов туғилишидан қўрқиб, уларга хиралик ва бузуқлик кўрсатишга қасд қилади.

Маҳодава оловни кўриб қаттиқ газабланди ва пешанаси терлади. Унинг пешанасидан оққан тер ерга тушиб сингиб кетди ва ўшандан ер Миррихга ҳомиладор бўлди. Миррих — яъни Исканда дева қўшинларининг эгасидир.

Бузуқчи Рудра Маҳодава эрлик суюқлигини олиб олди, у балчиқ ҳолида сочилиб кетди. Олов қаттиқ хижолатга тушди, у ернинг пастки қатламига (потоласига) тушиб кетди. Оловда песлик пайдо бўлган эди. Одамлар оловни қидира бошладилар. Қурбақа уларга оловнинг турган жойини хабар қилди. Олов бошқа жойга ашваттҳа дарахтига беркинди ва қурбақани «овозинг қисқа бўлсин, ҳамманинг кўнглига тегадиган бўл», деб қарғади. Оловнинг янги масканини тўти кўрсатиб берди. Олов «тўтининг тили тескарисига айланиб қолсин», деб дуойи бад қилди. Шунда дева тўтига, тилинг тескари бўлиб қолса, дўстларинг билан сўзлашадиган, яхши нарсаларни ейдиган бўлгин, деб айтди. Олов энди шаме дарахтига қочди. Уни фил кўриб қолиб қидирувчиларга ишора қилди. Уни олов тилинг айланиб қолсин, деб қарғади. Дева филга, тилинг айланиб қолса, инсонларга шерик бўлиб уларнинг гапларини уқадиган бўлгин, деди.

Шундан сўнг оловни тутиб олдилар. Олов песлиги учун, девалардан узр сўради. Улар оловнинг песлигини тузатдилар, уни ўзлари билан инсонлар ўртасидаги воситага айлантирдилар. Бу афсона инсонлик билан ёвузлик ўртасидаги тўқнашувни ифодалайди. Аммо деваларнинг иштирокида ёвуз ниятли олов фойдали ишлар қилувчи воситага айланди. Афсонадаги айрим хаёлий воқеалар (қурбақа, тўти, фил воқеалари) ўша ҳайвонларнинг си-

фатларини бирор мантикий асос билан изоҳлашга қаратилган. Улар мароқли ва англашиларилидир. Бу ҳикоя аллақачон ёзма адабиётга кучган ва Берунийга ёзма адабиёт орқали маълум бўлган.

Беруний ҳинд халқи оғзаки ижоди ва афсоналаридан турли воқеаларнинг асосларини изоҳлашда ўринли равишда фойдаланади. Зиёратгоҳлар тавсифини қилганда у Бҳагератҳа исмли подшоҳнинг Бандасору — қуми олтин деган ҳовуз бўйида ибодат қилишини қуйидаги афсона билан шарҳ этади:

Сагара номли ҳинд подшоҳининг олтмиш минг ўгли бўлган. Уларнинг ҳаммаси бебош ва безори болалар эди. Уларнинг бир оти йўқолиб қолган. Шунда улар отни қидиравериб, ҳар ёққа кўп юргандан ер ўпирилиб кетган, анҳор дарё шаклини олган. Бир маҳал улар қарасалар, бир одам бошини қуйи солиб кўзини бир нуқтага тикиб турар эди. От шу одамнинг ёнида тўхтаган экан. Йигитлар яқинлашганларида у одам ғазаб билан қаради. Улар ўзларининг ноҳўя қилмишларини ангадилар ва турган жойларида куйиб кетдилар. Уларнинг жойи дўзахда эди. Уларнинг юрган йўли катта денгизга айланди. Ўша подшоҳнинг авлодларидан Бҳагератҳа шу олтин қумли кўл бўйида кўп тоат-ибодат билан машғул бўлди. Ниҳоят, Маҳодева унинг ёнига келиб тилагини сўради. Бҳагератҳа жаннатда оқадиган Ганга дарёсини сўрайди. Чунки Ганга суви гуноҳларни ювар экан. Маҳодева рози бўлди.

Осмондаги Сомон йўли ўша Ганганинг оқимидир. Маҳодева уни чаңгаллаб олиб ўша кўлга қўйган. Аммо Ганга тўлқинланаверган, унга шўнғишнинг ҳеч иложи бўлмаган. Ниҳоят, Маҳодева ўша дарёдан бир булоқ чиқариб Бҳагератҳага берган. Ганганинг етти ирмоғидан ўрта ирмоғини Бҳагератҳа ота-боболарининг суяклари устидан оқизган. Шу билан улар азобдан қутулганлар. Шу сабабли ҳиндларда уликнинг куйдирилган суяклари Ганга дарёсига ташланади. Шу подшоҳ туфайли Ганга унинг номи билан аталган.

ҲИНД ШЕЪРИЯТИ ТЎҒРИСИДА

«Ҳиндистон» китобидаги ҳинд шеъриятига оид маълумотлар ҳам алоҳида аҳамиятга моликдир.

Бу асарнинг биринчи бобидаёқ олим ҳиндларнинг ўз илмий китобларини турли вазнларда тизма шеър қилиб гузганларини ёзади. Шундай ёзилган асарнинг афзаллиги кўпдир. Чунончи, у тизма ичига бирор ортиқча, ёки қўшимча сўз киритилса, шеърнинг вазни бузилади ва уни дарҳол пайқаб олиш мумкин. Яна, шеър билан ёзилган асарда вазнларни текислаш, бунинг учун эса айрим жойларни сўз билан тўлдириш керак бўлади. Бу зарурият ибораларнинг хилма-хил шакллари ахтариб топишга мажбур қилади. Чунки шеърда бир хил атама ва ибора такрорланавериши номатлубдир. Шунинг учун ҳам шеър билан ёзилган илмий китобларда исмлар турлича бўлади. Бу эса ўша асарларни ўрганишни қийинлаштириши турган гап. Олимнинг ана шундай мулоҳазаларидан равшан кўришиб турибдики, Беруний ҳинд илмий адабиётини, унинг яратилиши тартибини синчиклаб ўрганган, бу йўлнинг барча афзалиятлари ва қийинчиликларини тўла кўрсатган. У ҳинд халқининг шеърга муҳаббатини, шеърни севиб ўқишини алоҳида таъкидлайди. Ҳиндлар шеърини асарларни қизиқиб ўқиганлар, улардан роҳатланиб, бармоқларини шиқиллатиб баҳра олганларини намойиш қилганлар, осон бўлса ҳам сочма асарларга унчалик рағбат кўрсатмаганлар. Чунки кишининг кўнгли келишган ва тартибли ҳар бир нарсага қизиқади, тартибсиз нарсадан нафратланади, деб ёзади Беруний.

Шу китобнинг ун учинчи боби «Ҳиндларнинг грамматика ва шеър ҳақидаги китоблари баёни» деб аталади. Унда ҳинд наҳви ва шеър вазнлари тўғрисида сўз боради. Шу ерда наҳв илмининг келиб чиқиши тўғрисида бир ҳикоя бор:

Ҳинд подшоҳларидан Самалвоҳана (ёки Сотавоҳана) ҳовузда хотинлари билан ўйнашиб турган пайтида улардан

бирига «моудакам деҳи», яъни, «менга сув сепма», деган. Хотин подшоҳга дарҳол ҳолва олиб келган. Чунки подшоҳнинг айтган жумласини аёл «модакам деҳи», яъни, «ҳолва олиб кел», деб тушунган. Подшоҳ хотинининг қилган ишидан хафа бўлган, хотини эса унга жавобан қўпол муомала қилган. Подшоҳ аразлаб, овқат емай қўйган ва парда ортига кириб ўлтириб олган. Уларда бирор нарсадан гина-андуҳ пайдо бўлганда шундай иш тутиш одат бўлган экан. Шунда ҳинд олимларидан бири келиб подшоҳга сарф ҳамда наҳв илмини ўргатишга ваъда қилган, кўп ҳаракат қилиб ҳукмроннинг ғам-ғуссасини тарқатган. Сўнг ўша олим тил илми қоидаларини енгиллаштириб шоҳга таълим берган. Шу йўсинда наҳв илмига асос солинган (с. 115).

Берунийнинг хабар беришича, наҳв илмидан сўнг чанда илми келади. Бу шеър вазлари илмидир. Араб тилида ва шеъриятида аруз илми қанчалик аҳамиятга молик бўлса, ҳиндларда чанда шунчалик муҳимдир. Бу илмга Пингалу ва Чалиту асос солганлар. Бу илмнинг асосий қоидалари «Гайситу» китобида баён қилинган. Шунингдек, «Мригалончану», «Пингалу» ва «Авлиёнд» китоблари ҳам шу илмга бағишланган.

Шундан маълум бўлдики, ҳинд шеърляти қоидалари ва унинг назарияси мукамал ишланган. Беруний камтарлик билан бу илми ўрганиб чиқишга улгурмаганини айтади. У юқорида эслатилган китобларни ва «Бароҳим — сиддиҳонта» китобидаги вазнлар ҳисоби ҳақида тузилган мақолаларнинг кўпини мутолаа қилишга улгурмаган эканини хабар қилади. Аммо бу масалаларни атрофлича ўрганишга фурсат бўлажагига умид боғлайди.

Берунийдек буюк олимнинг оз билгани, унча-мунча одамнинг кўп билганидан ортиқ ва афзал экани шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам Беруний оз деб ҳисоблаган ана шу маълумотлар X—XII асрлардаги ҳинд шеърний қоидаларни тўғрисида ҳозирги ўқувчида бой тасаввур туғдиради.

Ҳинд шеърятини вазнининг асосида сукунали (ҳаракатсиз) ва ҳаракатли ҳарфлар тўғрисидаги тушунча ётади. Улар энгилни лағҳу деб атаганлар ва «I» белгиси билан ифодалаганлар. Оғирни эса гурӯ деб номлаб унга < белги қўйганлар. Оғир вазнининг миқдори икки энгилга тенг бўлган. Беруний ҳинд шеърятинидаги вазн тузилишини араблардаги аруз илми билан қиёслайди. Якка-якка турганида энгил (лағҳу)ла, кали, рӯпа, чомара ва граҳа атамалари билан белгиланади. Оғир (гурӯ) эса га, нивра ним аншака, деб аталган. Тўлиқ аншака албатта икки граҳа бўлар, ёки икки граҳага ҳамвазн бўлади. Беруний атамаларнинг хилма-хиллигини вазн тўғрисидаги китобларда бири тўғри келса, бошқаси ишлатилиши мумкинлиги, қайси бири қулай бўлса шуниси танланажаги эҳтимолли билан изоҳлайди.

Мураккаблари || ва ёки /< белгилари билан ифода қилинади. Кейинги иккитаси ўлчовга айлантирилса /// учлик пайдо бўлади. Чунки бир гурӯ /</ икки лағҳуга /I/ баробардир. Тўрт ўлчовлилар қуйидагича аталган:

<< пакша («ойнинг ярми» демакдир)

||< жалуну («олов»)

/</ мазу

<|| Парвата («тоғ» бу ҳора ва раса деб ҳам аталган)

||| гҳана («куб»)

Беш ўлчовларнинг номланганлари:

/<<< ҳастин («фил»)

</< кома («мақсад»)

<</ лакуна

|||< кусума

Берунийнинг хабар беришича «Ҳарибхатта» номли китобни ёзган Ҳарибхатта деган бир олим лағҳу ва гурӯлардан таркиб топган учликларни ҳинд ёзувининг ҳарфлари билан атаган.

Чунончи:

<<<< (олтилик) — «м»

/<<< (ҳастин) — «й», «ж»

</< (кома) — «р»
 <</ (лакуна) — «т»
 //< (жалана) — «с»
 /< (маза) — «ж»
 </// (парвата) — «бҳ»
 /// (учлик) — «н»

Беруний Ҳарибхаттанинг айрим фикрларига эътироз билдиради ва у билан асосли баҳс олиб боради. Беруний ҳинд шеъри тартибини тушунтиришда давом этиб, улар араблар ва юнонлар сингари байтларни икки қисмга бўлганлари ва ана шу бўлақларни юнонлардаги каби аёқ деб атаганларини хабар қилади. Сўзлардан тартиб топадиган аёқлар силлабий деб номланган (с. 119).

Байтлар уч ёки тўрт аёқдан иборат бўлади, баъзан беш аёқли бўлиши ҳам мумкин.

Тўрт аёқли байтнинг жадвалини Беруний ўз китобида келтирган. У қуйидагичадир:

Биринчи аёқ:	пакша	<<
	парвата	<
	жалана	<
Иккинчи аёқ:	пакша	<<<
	жалана	<
	маза	/</
	парвата	<
Учинчи оёқ:	пакша	<<<
	жалана	<
	маза	/</
	парвата	<
	жалана	<

Ҳар икки аёқ аншака деб аталади. Ушбу жадвалдаги тартибда туғилган шеърнинг номи скандҳадир. Унда ҳар яримтада саккизтадан аншака бор.

Бундан сўнг Беруний ҳинд шеърни вазнларини арузга қиёсан таҳлил қилади. Бритта деб номланган аёқларнинг йигирма уч хилдан иборат эканини айтиб, уларнинг ҳар бирини ҳам шартли белгилар ҳам номлари билан атаб кўрсатилади. Бриттанинг учинчиси бундай қолишга эга: гҳана ///, пакша <<, йигирма учинчиси эса саккизта гуру, унта лакҳу, кома, жалана ва яна биттадан лагҳу ва гуруга эгадир. Унинг жадвали бундай бўлади: <<<<< <<<<< ||||| </< ||< /< Шундан сўнг Беруний Браҳмагуптага мурожаат қилиб, ҳар бир аёқдаги сонлар ҳарфини ифода этади. Агар аёқ ҳарфларининг сони энг камида тўртта бўлса, икки аёқ 4/4 жадвалини тузади. Колган ҳарфлар сони иккинчи аёққа қўшилади. Масалан, бир туркумда 24 ҳарф бор бўлса, унинг жадвали 4/20 бўлади. Агар уч аёқли туркум бўлса, ўша йигирма ҳарф 4/4/16 жадвали билан ифодаланади. Агар аёқлар тўртта бўлса, 4/4/4/12 жадвали пайдо бўлади.

Бу қоидаларнинг бошқа хил туслари ҳам Беруний томонидан муфассал жадваллар ёрдамида тасвир этилган.

Беруний ҳинд шеъриятидаги вазн қоидалари, шеър тузилиши, унинг хилма-хил кўринишлари тўғрисидаги асосий қоидаларини ўзига хос изчиллик ва тафсилот билан баён этган.

Шундай қилиб, «Ҳиндистон» китобида Беруний ҳинд халқи ҳаётига оид жуда кўп бадий лавҳаларни ҳикоя қилади.

Китобда келтирилган қатор афсоналар ўша замондаги ҳинд фольклорининг намуналари сифатида жуда қизиқарли ва муҳимдир. Улар халқнинг эзгу ниятлари, орзу ва умидлари, илғор интилишларини гўзал бадий бўёқлар, мазмундор ҳодисалар баёнида изҳор этганини кўрсатади.

Ҳинд шеърияти ва грамматикасига оид бобда ҳинд назм илмининг асосий қоидалари баён этилган. Шуларга кўра Берунийнинг «Ҳиндистон» китоби ҳинд халқи бадий ижодини ўқувчиларга таништиради. У ҳинд адабиёти тарихи бўйича ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

БЕРУНИЙ ВА ЮНОН АДАБИЕТИ

«Ҳиндистон» китобида Беруний ўз фикрларининг исботи, далили сифатида кўпгина қадимий юнон шоирлари ва файласуфларининг асарларига мурожаат қилади. Жумладан, «Ҳиндларнинг ақлий ва ҳиссий мавжуд нарсалар ҳақидаги тушунчалари» деб аталган учинчи бобда олим қадим юнон шоири Ҳомер, юнон файласуфларидан Пифагорос, Дивжонос, Афлотунларнинг қатор фикрларини келтирган.

Оламдаги барча мавжудот беш унсурдан иборатдир. Улар осмон, шамол, олов, сув ва тупроқдир. Ҳиндлар уларни бир сўз — «маҳоби-ҳута» билан ифодалаганлар. Бу унсурларнинг барчаси мураккаб бўлиб, уларнинг ўзларидан олдин келган содда бўлаклари бор. Улар сезиш орқали билинадиган беш нарса билан тавсифланади. Чунончи, осмон — шаббода яъни эшитилиб билинади, шамол тегиб билинади, олов кўриниб билинади, сув татиб, тупроқ ҳидланиб билинади. Тупроқда беш кайфиятнинг ҳар бири бор: сувда ҳид кайфияти йўқ, оловда ҳид ва татиш йўқ. Ҳиндлар товушни осмонга нисбат берганлар. Бунинг сабабини Беруний «нисбат беришдан мақсадлари нима эканини билмайман. Бу гумонимча, юнон шоири Ҳомернинг: «Турли куйлар эгаси бўлган етти зот бир-бирларига чиройли товуш билан гапириб, жавоб берадилар», деганига ўхшайди деб изоҳлайди (с. 49). Шундан сўнг Беруний Ҳомернинг бу сўзларини шарҳ эта бошлайди. Унинг тушунтиришича, шоир етти зот деб етти юлдузни айтмоқчи бўлади. Бу сўзларнинг изоҳи учун Беруний яна бошқа бир шоирнинг сўзларини ҳам келтиради. У ёзади: «Шунингдек Ҳомердан бошқа шоирларнинг бири турли куйларда жарангловчи фалаклар еттита бўлиб, улар ҳаракат қилиб турадилар ва яратувчига сажда қиладилар. Чунки яратувчи юлдузлар макони бўлмаган энг узоқдаги фалак чеккасигача уларни қамраб тутиб туради», деган (с. 49). Шундан сўнг Беруний юнон файласуфларининг

фикрларини келтиради. У Парфириуснинг «Фозил файласуфларнинг фалак габиати ҳақидаги қарашлари» номи китобидан мисол келтиради. Унда Парфириус Пифагоров ва Дивжонос осмон жисмлари ўзларининг мавжуд шакллари кўринишлари билан, ёқимли товушларда тараннум қилишлари билан ҳаракат қилганларида мислсиз ва шаклсиз яратувчиларнинг борлигига далолат қиладилар, деганларини хабар қилади. Сўнг Беруний Дивжонос ўз сезгисининг нозиклиги туфайли фалакдаги ҳаракат товушини эшита олган, деб изоҳ беради.

Шундай қилиб, Беруний ҳиндлар эътиқодига кўра осмоннинг товушли деб тушунишларини қадим юнон файласуфлари таълимоти билан боғлайди. Бу парчалардан Берунийнинг қадим юнон маданияти ёдгорликларини қанчалик чуқур ўргангани ва мукамал эгаллаганини кўриб турамыз. Бу ҳол бошқа ўринларда ҳам очиқ кўзга ташланиб боради.

Беруний ер ва осмон шаклларининг изоҳига бағишланган йигирма биринчи бобда яна ҳинд ва юнон файласуфларининг фикрларини таққослайди, улардаги умумийликни таъкидлаб кўрсатади.

Етти қават осмонни ҳиндлар локалар деб атаганлар. Лока сўзи йиғин ва мажлис қилинадиган жойдир. Юнонлар ҳам, деб ёзади Беруний, осмонларни руҳонийлар йиғиладиган жой деганлар. Шундан сўнг Ҳомернинг қуйидаги сўзлари келтирилади: «Сен пок осмонни худолар учун абадий турар жой қилдинг, уни шамоллар қўзғата олмайди, ёмғирлар ҳўллай олмайди, қорлар уни йўқ қилолмайди, балки бунда ҳаво кўм-кўк очиқ бўлиб, уни беркитадиган булут йўқ» (с. 184).

Шундан сўнг Беруний Афлотуннинг шу мазмундаги сўзларини келтиради, унинг ортидан Арастунинг Искандарга ёзган мактубидан олинган парчадаги сўзлари ҳам шу фикрни қувватлаш учун фойдаланилади. Афлотун бундай деган:

«Тангри сайёр етти планеталарга қарата, сизлар худоларнинг худоларисиз, мен ҳамма амалларнинг отасиман ва сизларни камчиликсиз қилиб яратувчингизман, чунки ҳар бир боғланган нарса ечилса ҳам, тартиби яхши бўлса, ҳеч бир бузилмайди, деб айтди».

Арасту эса, оламнинг юқорисидаги жойлар худолар турадиган жойдир, осмон худоларнинг жасадалари билан тулиқ, биз у жасадаларни ёритгичлар деб атаймиз, деб Искандарга уқтирган экан. Яна ўша рисолада Арасту ер сув билан, сув ҳаво билан, ҳаво олов билан ва олов эфир билан ўралган: шунинг учун энг юқори жой худолар ўрни, қуйи жой эса сувда яшовчи ҳайвонлар ўрни бўлган, дсб ёзади (с. 184).

Беруний Арастунинг сўзларини ҳинд китоби «Божу пуруна»даги ерни сув, сувни соф олов, оловни шамол, шамолни осмон, осмонни эса ўзининг эгаси (Раббий) тутиб туради, деган сўзлар билан қиёслайди, ва хулоса қилиб уларнинг деярли бир хил эканини таъкидлайди.

Зевс афсонаси. Ҳиндлар фаришталарни дева деб атаганлар. Шу билан бирга ҳиндлар эътиқодига кўра девалар турли-туман ғайри табний сифатларга эга деб тасаввур қилинган. Бу, юнонлар эътиқодига ўхшашдир. «Чунки,— деб ёзади Беруний,— ҳиндларнинг ўша сўзлари билан юнонларнинг динлари ўртасидаги сўзларни бир-бирига солиштирсанг, ажабланарлик жойи қолмайди». (с. 85.) Олим юнонларнинг фаришталарни худолар, илоҳлар деб аташларини эслатади ва бу фикрларнинг исботи учун Зевс тўғрисидаги афсонани келтиради:

Зевс туғилгач, отаси уни емоқчи бўлди. Онаси бир тошни латтага ўраб қўйган эди, ўшани отасининг оғзига солади, шу билан отаси қайтиб кетди. Беруний бу афсонани хабар қилар экан, уни қайси манбадан олганини айтмайди. Аммо сўнграқ Жолинуснинг «қисса ва дoston тузувчилар»нинг айтишларига асосланиб, ҳикояни давом эттираверади. Шунга кўра, Критадаги Диқтовул тоғида отаси бошқаларни ютганидек, Зевсни ҳам ютиб қўйма-

син деб, онаси уни отаси Кроноздан бекитган жойда туғилганини айтган, деб ёзади. Бу сўзлар Жолинуслинг «Алмаёмр» деган китобида бор эканини билдиради. Бу китобда яна қадимий юнон шоири Филоннинг бир шеъри тўғрисида сўз боради. Филон ўз шеърида топишмоқ йўли билан яхши ҳид берувчи қиллардан бирини ол, у қил худоларга қилинган қурбонлик ва унинг қонидан иборат, сўнгра ўша қилдан инсонларнинг ақллари миқдорича оласан, деган экан. Бундан мақсад беш мисқол заъфарон демак эди. Чунки инсонларнинг сезгилари бешта. Яна Филон бошқа хил ва турларнинг вазнларини ҳам баён этган. Бу рамзларга Жолинуслин изоҳ берган. Уша рамзларда: «Ёлғондан исм берилган илдишлардан (ҳам ол), у илдиш Зевс туғилган шаҳарда пайдо бўлган», дейилади (с. 85).

Демак, Беруний Зевс афсонасига оид асосий манбаларгина эмас, балки унга оид барча мавжуд адабиёт билан ҳам таниш бўлган. У Филон, Жолинусли каби мутафаккирларнинг Зевс афсонаси тўғрисидаги фикрларини тўла-тўлиқис келтиради.

Зевс тўғрисидаги афсонани давом эттирар экан, Беруний машҳур тарихларга кўра, деб ёзади, аммо у тарихларни санаб ўлтирмайди. У манбалар ўз вақтида китобхонларга яхши маълум бўлган бўлса керак. Зевс танилган машҳур хогинларга никоҳсиз, босқинчилик тариқасида бирип-кетин уйланиб, уларнинг баъзиларини ҳомиладор этган. Уша хотинлардан бири Фойиқнинг қизи Европа эди. Зевсдан кейин бу хотинни Крита подшоҳи Астериусли олади. Европа шунда Миносли ва Рҳадамантусли исмли икки бола туғади (с. 86). Яна ўша тарихларга асосланиб, Беруний Зевслинг Критада етти юз саксон ёшида вафот этганини билдиради. У даставвал Диос деб аталар эди, умри узайғач, уни Зевс деб юритилган. Афинанинг биринчи подшоҳи Кекропос уни шу ном билан атади. Зевс ва Кекропоснинг кўп турмуш ҳолатларидаги ҳамфикрликларини Беруний Зардушт ва Гуштаспнинг бир-бирига шу масалалардаги мувофиқлигига ўхшатади. Бу ҳамфикрлик-

лар нафсни бўшатиш ва айрим ҳаракатларда эркинликни ошириб юборишда кўринар эди.

Беруний Зевсга эътиқоднинг кенг ёйилганини кинояли ифодаларда билдиради. У Зевс ҳақидаги айрим тавсиф ва улуғлашларни инсонга тегишли бўлмаган гаплар, деб билади. Ҳақиқатан улар Зевсни илоҳийлаштиришга қаратилгандир.

Юнонлар Зевсни Зуҳалнинг ўғли Муштарий деб билдилар. Жолинус ўзининг «Ал-Бурҳон» китобида Зуҳал туғилган эмас, ёлғиз ўзигина азалдан бор, деб ҳисоблаган кишилар тўғрисида хабар қилади. Улар «ўтовларда яшовчилардир». Аратос «Зоҳирот» китобини Зевсни улуғлаш билан бошлаган ва уни бундай деб мадҳ этган:

Зевс шундай зот-ки, биз инсонлар усиз туролмаймиз,
ҳаммамиз унга муҳтожмиз.

Йўллар ва инсонлар йиғиладиган жойлар тўлиқлиги у
биландир.

У инсонларга меҳрибон, сеvimли нарсаларни вужудга келтирувчи,
инсонларни амалга ундаб турувчи.

У тирикликни эслатувчи, экиннинг соғлом ўсиши учун
ер чопиш ва экиннинг танланган вақтларини билдирувчи,

У осмондаги аломатлар ва юлдузларни яратувчидир.

Шунинг учун аввалда ҳам, охирида ҳам унга ёлборамиз

(с. 87).

Беруний шундан кейингина Аратос руҳонийларни таърифлаганини ёзади. Унинг кўрсатишича, юнон ва ҳинд руҳонийларининг таърифий сифатлари бир-бирига жуда ўхшаш келади. Шундан сўнг қисқа бир тарзда Беруний қадим юнон шоирлари ва файласуфларининг Зевс тўғрисидаги баҳслари билан ўқувчини таништиради.

«Зоҳирот» китобини шарҳ этган тафсирчи Аратоснинг шоирлар билан ихтилофи борлигини билдирган. Чунки шоирлар ўз асарларини худоларнинг тавсифи билан бошлаганлар. Аратос эса Зевс номи билан бошлайди. Аратос, Зевс фақат инсонларни эмас, балки худоларни ҳам

яратди, деган эди. Тафсирчи ана шу фикрни қувватлайди. Бунинг исботи учун у Кратос, Ҳомер ва айрим файласуфларнинг мулоҳазаларини келтиради.

Кратос фалакни Зевс деб атаган, Ҳомер «қор бўлақлари Зевсдан ажратилгандай», деб ёзган. Аратос эса «йўллар ва одамлар яшайдиган жойлар у билан тўлган, ҳаммамиз уни бурун орқали ичга тортишга муҳтожмиз», деган. Шу билан у Зевсни эфир ва ҳаво деб талқин қилган. «Устунлар» асарининг муаллифи бўлган файласуфлар Зевсни нафсларимизга муносиб ёйилган руҳ, яъни ҳар бир табиий жасадни идора қилувчи табиат, яхшиликларга сабабчи меҳрибон деб билганлар. Шундай қилиб, Беруний Зевс тўғрисидаги афсонани келтириш билан чекланмайди, унинг турли хил талқинлари билан китобхонни таништиради, бу мисоллар орқали юнонлар ва ҳиндларнинг эътиқодлари ўртасидаги умумийликни исботлайди.

«Ҳиндистон» китобининг қирқ учинчи боби «Тўрт жуга ҳодисалари ва тўртинчисининг охирида келадиган барча қутилган нарсалар ҳақида» деб аталган. Бу бобда Беруний қадим юнон файласуфларининг талқинига кўра одамнинг ва инсон ҳаётининг турли-туман кўринишларига оид мавжуд эътиқодни ҳикоя қилади. Олимнинг бундан мақсади ўша эътиқодни ҳиндлардаги ана шу мазмундаги тасаввур билан қиёслаш эди.

Юнонларнинг ер устидаги ҳаёт тўғрисидаги тушунчаларини Беруний қуйидагича баён қилади:

Ер ости ва устида турли офат ва балолар юз бериб туради. Уларнинг сифати ва миқдори турличадир. Ерга келадиган офатлар — тўфон, zilzila, ёнгин, вулқон (қиздирилган чўғу, тош, куллар отилиши), яшин уриши, кучли шамоллар, вабо каби касалликлар, инсон ва ҳайвон зотига қиргин келиши туфайли ер бўшаб қолади. У жойда ҳаёт вақтинча ўчади. Аммо офат тарқалгач, тоғу тошларга ҳайвонлар сингари ёйилиб кетган халқ яна ўз ўрнига қайта бошлайди, у ерда ўрнашиб, шаҳарлар қуриб, ўз

хаётини аста-секин барпо этади. Улар бир-бирларига ёрдамлашиб, бир-бирларини қувватлаб турмуш кечирадилар. Уларнинг рўзгори тинч, бежавотир, ўзлари хурсандчиликда бўладилар. Аммо одам кўпайгандан сўнг уларда бир-бирларига қарама-қаршилик, ғурурланиш пайдо бўла бошлайди. Ҳасад ва ғазаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келади. У кишиларнинг тоза ва чиройли ҳаётини хира ва кудуратли қилади. Айрим жамоат насабда бошқалардан ажралади. Вақтлар ўтиб жамоат ўшандан бошқани танимайди. Беруний Афлотуннинг «Қонулар» китобига мурожаат қилиб, ўша китобда ана шундай сиймо деб Зевсни аталганини хабар қилади. Бу китобда Буқрогнинг асл насаби Зевсга бориб тақалади, дейилган. Бу насаблар ўн тўрт номдан иборат. Беруний буни Афлотуннинг ўша китобидан келтиради: «Буқрот ибн Юнонсизикс, ибн Неброс, ибн Састаротос, ибн Сиёзарос, ибн Клеометтодис, ибн Крисамис, ибн Дарданас, ибн Састарос, ибн Ансолос, ибн Ҳипполохос, ибн Позарелос, ибн Махаон, ибн Асклепиус, ибн Аполлон, ибн Зеус, ибн Кронос — яъни Зухалдир» (с. 284 — 285).

Юнонларнинг ана шу эътиқодини Беруний ҳиндлардаги Чатуржуга тўғрисидаги эътиқодлари билан таққослайди. Аввалида кишилар ҳаётида лаззат, ҳаловат, бежавотирлик, арзончилик, баракат, қувват, бадан соғлиғи, куч, билимдонлик мавжуд бўлади. Умр ҳаммага баробар тўри минг йил бўлади. Кейин-кейин ёмонликлар аралашгач, умр камая боради. Ёмонлик борган сари орта боради ва у яхшилик билан бир миқдорга етиб олади. Кейинчалик яхшилик ёмонликка қараганда икки баробар камаяди. Шунда орзу-ҳаваслар ортиб, ноҳақ ўлдиришлар кўпаяди, турли динлар пайдо бўлади, умрлар қисқаради. У тўрт минг йилдан тўрт юз йилга келиб қолади. Энди ёмонлик яхшиликнинг сақланиб қолган қисмига қараганда уч марта ортиқ бўлади.

Ниҳоят, яхшилик тамомила тугайди. Дунёда фақат ёмонлик сақланиб қолади. Бу ер юзида барҳаёт бўлган-

ларга офат ва ҳалокаатга учраш фурсати келганини билдирар эди. Ана шундай ҳаёт кўринишларининг қандай бўлишини Беруний ҳинд китоблари бундай тасвирлаганини ёзади:

«Ҳамма инсоннинг ҳиммати ҳаромдан мол йиғиш ва зоҳир қилиб сақлашга сарф бўлади. Бу тўғрида ижро қилган гуноҳ ва ёмонликларга заррача парво қилмайдилар. Бу ҳол уларда кичикларнинг катталарга, болаларнинг оталарга, хизматчиларнинг хўжа ва эгаларига қарши исён қилишига олиб боради. Ҳар хил табақаларнинг бошқа табақаларга уйланиши сабабли насаблари ҳам бузилиб кетиши натижасида браҳманлар йўқ бўлиб кетади; динлар, мазҳаблар ва ўзаро ишлатиладиган китоблар шу қадар кўпаядики, шулар сабабли илгари бирлашган халқ ва ҳар бир ишда бир тан, бир жон бўлиб бирикиб турган гўдалар тарқалиб кетади. Деваҳирот ибодатхонаси бузилади, мадрасалар хароб бўлади, адолат кўтарилади. Подшоҳлар бўлса, зулм қилишдан, халқларнинг ҳақини ва молини олишдан, халққа азоб беришдан ва қиришдан бошқани билмайдилар. Улар маккор қилиқлари билан худди одамларни егандай бўладилар. Гуноҳлари сабабидан умрларининг қисқа бўлишига ҳам эътибор бермасдан, гўёки дунёда туришга умидларининг узунлигига мағрур бўлиб инсонларни қириб битирадилар. Ниятлари қанчалик бузилса, вабо, офатлар ҳам шунчалик кенг тарқалади» (с. 285—286). Ниҳоят, браҳман Жешу ўғли Гарга, яъни Кали юзага чиқади. У шундай куч-қувватга эга эди-ки, ҳеч ким унга тенглаша олмас эди. Кали қиличини яланғочлаб келиб ноқобил авлодларни босади, ер юзини ифлосликдан тозалайди, улардан ерни бўшатади. Насл тарқатиш учун пок ва яхшиларни йиғади. Дунё ва замон қайтадан хушҳоллик, тозалик, яхшиликка айланади. Беруний тиб илмининг келиб чиқиши тўғрисидаги ҳикояда ҳам худди шу аҳволни тасвирлаган. Уша ҳикоянинг юнонлардаги нусхасини ҳам Беруний алоҳида эслатиб ўтади. Бу хусусда олим юнон файласуфи ва ёзувчиси Арастуниинг

«Очиқ баёнот» — «Зоҳирот» китобидаги Узро тўғрисидаги ҳикояни келтиради.

Подачининг, яъни Аввонинг икки оёғи остига шимолий осмондаги юлдузлар туркумларига қўлида энг ёруғ бошоқ тутувчи Узро (қиз) Симок-ул-Аъзалдир. У ўтган даврларда инсонлар орасида яшаган. Аммо доим хотинлар билан бирга бўлиб, ҳеч қачон эркакларга яқинлашмаган. У одамлар орасида бўлганда ҳамиша уларни эзгулик ва тўғрилиққа даъват қилар, уларга кўп ҳадялар бахш этар эди. Одамлар уни «Адолат» деб атаганлар. У вақтларда ер «олтин» деб номланган. Кишилардан ҳеч бири ёмон сўз, ёмон феъл, уруш-жанжални билмас эди. Халқ осойишталикда яшар, дарёлар ёйилиб оқар, кемага эҳтиёж йўқ эди.

Олтин жинс даври ўтиб кумуш жинс даври бошланганда, Симок-ул-Аъзал одамлар орасида эмас, тоғларда беркиниб яшади. Аммо у шаҳарларга келиб кишиларни жинс давридаги оталари қолдирган жинсларни бузганлари учун маломат қилди, ёмон ишлардан сақланишга ундади, ёмонликлар туфайли уруш, қон тўкилиши ва катта мусибатлар гушишидан огоҳлантирди.

Мис жинси даври бошланганда одамлар қилични ишлаб чиқардилар, қорамол гўштини ея бошладилар. Адолат ғазабланиб, уларнинг ёнида туришни истамай осмонга учди.

Беруний бу нақдан сўнг Арасту китоби тафсирчисининг сўзларини ҳам мукамал баён қилади. Арасту ва тафсирчининг сўзига қараганда, Адолат Деметрдир. Чунки у бошоқ билан бирга. У бахт ва иттифоқ тимсолдир.

Шундан сўнг Беруний Афлотуннинг «Қонунлар» китобидаги учинчи мақолада айтилган сўзларни келтиради. Афиналик айтади-ки, ерда даҳшатли тўфонлар ва касалликлар юз берган. Улардан фақат тоғларда макон тутганлар ва далаларда юрган подачиларгина омон қолганлар, холос. Бошқалари қирилиб битган. Фақат ўша

маккорликка кўникамаган ва ғалабага кўнгил қўймаганларгина сақланиб қолган.

Кноссали дейди-ки, одамлар оламнинг хароб бўлишидан қўрқиб, холисона, дўстона муносабатларда бўлганлар. Муҳтожлик бўлмаганидан, уларда мол-мулк ҳам бўлмаган. Бахиллик йўқ бўлгани учун олтин ва кумуш ҳам бўлмаган: бойлар ва фақирлар ҳам бўлмаган.

Беруний юнонлар ва ҳиндлардаги инсон ҳаёти ва унинг турли кўринишлари тўғрисидаги ана шу фикр ва тасаввурларни изҳор этар экан, у фақат объектив баёнчи сифатида сўз юритмайди. У дунёдаги барча тубанлик, ёмонлик, бахиллик, ўзаро душманликни шиддат билан қоралайди. Уларнинг нақадар мудҳиш бахтсизликларга сабаб бўлажagini қайта-қайта таъкидлайди, одамларни ана шундай манфур иллатлардан ҳазар қилишга чақиради. Барча инсон зоти учун энг ёмон бахтсизликларнинг қандай қилиб юзага келишини кўрсатиб, олим кишиларни хайр ва эзгулик сари йўллайди. У ана шу фаолиятни қуруқ чақириқлар билан эмас, гоят таъсирли илмий таҳлил билан икки буюк маданият — юнон ва ҳинд маданиятларида мавжуд бўлган, омма орасида кенг ёйилган эътиқодларнинг илмий тадқиқи орқали амалга оширади.

Беруний «Ҳиндистон» китобининг ўн биринчи бобида Санамларга ибодат қилишнинг келиб чиқиши тўғрисида ҳикоя қилади. Шу муносабат билан олим Румолилар орасида кенг ёйилган ака-ука Ромул тўғрисидаги афсонани келтиради. Беруний ёзади: «Румолилар эса бундай дейдилар: Франкли ака-ука Ромул иккаласи подшоҳ бўлгач, Ромни (Римни) биро қилишди. Сўнгра Ромул ўз биродарини ўлдирди. Шундан кейин ер қимирлашлар ва урушлар кетма-кет юз бераверди. Охири Ромул (тангрига) ёлборган эди. Тушида «Бу ҳодиса биродарингни тахтга ўтқазишдан бошқа йўл билан тинчимайди», дейилди. Кейин у биродарининг суратини олтиндан ишлатиб, ўз ёнида тахтга ўтқазиб қўйди. У, бизга шундай қилгин, деб буйруқ бўлди, дер эди. Ромулдан кейин шу хилда иш

қилиш подшоҳларга одат бўлиб қолди; ғалаёнлар тўхтади. Биродари (Улими) жиҳатидан ғазабга йўлиққани учун кишилар нафратини ўзидан қайтариш ниятида у ўша кунини байрам ва ўйин-кулги кuni қилиб олди.

Яна қуёшга ҳурмат билдириб, у тўртта от устида тўртта ҳайкал тиклади. Уларнинг яшил ранглиси ер учун, кўк ранглиси сув учун, қизили олов учун ва оби ҳаво учун эди. Шу ҳайкаллар ҳозиргача Румия (Рим)да тик турибди» (с. 97).

Маълум бўладики, Беруний фақат юнон адабиёти эмас, Румодаги афсоналардан ҳам тўла хабардор бўлган, улардан ҳам ўз илмий тадқиқотларида моҳирлик билан фойдаланган.

Шундан сўнг санамларнинг келиб чиқиши, уларга ибодат ва сиғинишнинг юзага келиши тўғрисида ҳиндларда мавжуд бўлган қатор афсоналарни ҳикоя қилгач, Беруний юнон фалсафий адабиётига мурожаат қилади. У Афлотуннинг «Қонунлар», Жолинуснинг «Нафс хулқи» китобларидан, Арастунинг Искандарга юборган рисоласидан айрим парчалар келтиради.

Берунийнинг ёзишича, қадим вақтда юнонлар ўзлари билан биринчи сабабчи (тангри, А. Қ.) ўртасига восига қилиб санамларни қўйганлар. Санамларни юлдузлар ва олий жавҳар исмлари билан атаб, уларга ибодат қилганлар. Улар биринчи сабабчини зид сифатлардан пок қилиб тасвирлаганлар. Араблар ҳам юнонлар сингари иш тутганлар. Афлотун «Қонунлар» китобида, кишиларни тирик оталарнинг иззатларини бажо келтиришга чақирган. Унинг фикрича, куч етгунча шу ишни қилиш керакли ва-зифаларнинг энг улуғидир. Афлотунда бу машғулотни «худолар ва парилар сирини кўтариш ва ота худоларга хос санамлардан бошқаларини ортиқ тутмаслик билан боғлаб таъкидлайди. Яъни, ўшандай санамларга ибодатдан кўра оталар иззатини ва ҳурматини жойига қўйишни юқори тутди. Жолинус «Нафс хулқи» китобида Рум подшоҳларидан кайсар Коммодус замонида юз берган

«бир воқеа»ни баён қилади. Икки киши келиб Хермес санамини бир одамдан сотиб олишмоқчи бўлган. Харидорлардан бири бу санамни Хермесга ёдгорлик қилиб ибодатхонада ўрнатмоқчи эди. Иккинчиси эса уни ўзининг вафот этган кишининг қабрига қўймоқчи эди. Савдо тугалланмай бу иш эртасига қолдирилган. Тунда сотувчи туш кўради. Тушида санам унга дер эмиш: Мен санъат натижасиман, иккала қўлинг билан ишлаш натижасида юлдузга ўхшаш шакл олдим. Илгари мени тош дер эдилар, энди эса Уторид деб ном қозондим. Мени чириб тугаган нарсага ёдгорлик қилиб қўясанми ёки чиримаган нарсага ёдгор этасанми, ўзинг ҳал қилгин.

Беруний шундан сўнг Арастунинг Искандарга ёзган рисоласидан бир парча келтиради. Унда Арасту санамларнинг гапириши тўғрисидаги ривоятларни рад қилар эди. Беруний бу фикрга ўзининг қўшилганини билдиради. У муовиянинг Рим урушида Сақлияни банд этгач, у ердаги тилло санамларни Сандга юбориб, савдога қўйганини хабар қилади. Беруний бу ишни паст иш деб билса-да, ҳар ҳолда санамларга ибодат қилишнинг пуч эканини кўрсатиш мақсадида уни келтиради.

«Ҳиндистон» китобининг учинчи боби «Ҳиндларнинг ақлий ва ҳиссий мавжуд нарсалар ҳақидаги тушунчалари» деб аталади. Бу бобнинг бошланиш қисмида юнон ҳикмат олимларининг рўйхати берилган. Унда қуйидаги олимлар тилга олинади: Солон афиналик, Биас приенлик, периандер коринфлик, Салис милетлик, Хилон Лакодемон, Питтакус Лесбос, Клеобулус Линдос. Шундан сўнг Беруний қадим юнонларда олам, инсон ва биринчи сабабчи тўғрисидаги эътиқодларнинг мазмунини баён қилади. Булар орасида сўфий сўзининг келиб чиқиши тўғрисидаги келтирилган далил ва мулоҳазалар диққатга сазовордир. Беруний ёзади: юнонча суф сўзи, бизнингча, ҳикмат демакдир. Шунинг учун файласуфга «пилосупо», яъни «ҳикматни суювчи» деб исм берилган. Мусулмонлардан бир гуруҳи сўфияларнинг ўша тушунчаларига

яқин фикрга борганидан, улар ҳам сўфия деб аталдилар. Шундан сўнг Беруний сўфий тўғрисидаги нотўғри талқинларни ҳам келтиради. Асли сўфий س ҳарфи билан бошланади. У ҳикматни суювчи, ёки ҳикматшунос маъносидадир. Аммо мусулмон олимларидан баъзилари, уни ص билан ёздилар. Улар сўфий яъни суффа суҳбатдошларига нисбат бердилар. Беруний бу нарса таваккал қилиб ёзиш натижасида келиб чиққанини билдиради. Кейинчалик эса бу сўз суф аттуос — така жуни сўзидан қисқартирилган деб тушунилди. Беруний бу тушунчаларни тўғридан-тўғри рад қилмайди. Аммо унинг олдинги талқинидан, яъни сўфия сўзининг асли ҳикмат маъноси асосида пайдо бўлгани хабаридан кейинги талқинларга олимнинг қўшилмагани кўришиб туради.

Абул Фатҳ Бустий юнонча суф сўзини тушунишдан тамомила четга чиқади; одамлар сўфий сўзида тортишиб, қадимдан турли фикрда бўлишиб, уни суф, яъни жун сўзидан олинган, деб гумон қилдилар. Мен сўфий сўзини софий (яъни соф, содда) йигитдан бошқа нарса деб билмайман. Шундай қилиб, ўша «софий» лафзи хато ёзилиб «сўфий» лафзига айланиб кетган, ниҳоят (бу сўз) бизга маълум сўфийларга лақаб бўлган» (с. 43).

Беруний бу фикрнинг тамомила хаёлий эканини юқоридаги мисоллар асосида исботлаб берган. Демак, Беруний ўз вақтида «сўфий» сўзининг этимологиясини аниқ баён этган. Унинг берган маълумоти кейинчалик кенг ёйрилиб кетган «сўфий» сўзининг талқини қанчалик хато эканини тамомила очиб ташлайди. Урта аср ва кейинги даврларда машҳур бўлган «сўфий», «сўфизм» сўзларининг илдири дарҳақиқат юнон сўзи «сўфия» — ҳикматдан келиб чиқажagini Берунийнинг ана шу тадқиқи асосида уқиб оламиз. Шу бобда Беруний яна қадим юнонларнинг биринчи сабабчи тўғрисидаги тушунчаларининг изҳорида: жон ва руҳ тўғрисидаги тасаввурларини ҳам баён қилади. Юнон файласуфларидан Жолинуслик «Турли санъатларни ўрганишга қизиқтирадиган китоб»идан Афлотуннинг «Ти-

мовус», «Ассокилот» китобларидан тангри тўғрисидаги тасаввурга бағишланган фикрларни билдиради...

Хиндларнинг дунёдан халос бўлиш йўллари тўғрисидаги эътиқодларини изҳор этганда Беруний ҳар доим ўша эътиқод маъмуниши қадим юнон файласуфларининг таълимоти билан қиёслайди, улар ўртасидаги умумийликни изчиллик билан кўрсата боради. Айрим ўришларда Беруний қадим юнон файласуфларининг ижтимоий ҳаётда туганган ўрни ва аҳамиятини алоҳида қайд этиб ўтади. Унинг бобининг бошланишида у ёзади:

«Юнонлар диний йўл ва қондаларни халқни ўша йўлларга чакирувчи ва тангри ёрдам бериб кучайтирган ҳаким ва донишмандлардан, масалан, Солон, Дракон, Пифагор, Минос ва шуларга ўхшаш кишилардан олар эдилар» (с. 92). Шундан сўнг Беруний юнон файласуфларининг таълимотлари Румда ҳам ёйилганини ёзади. Афлотуннинг «Навомис»—«қонунлар» китобидан парчалар келтирилиб, ҳаёт йўл-йўриқлари афиналиклар фикрича Зевс томонидан, лакедемонликлар фикрича, Аполлон томонидан тузилган деб ишонишларини хабар қилади.

Искандар тўғрисида. Беруний ўз асарларида буюк юнон фотиҳи Искандар тўғрисида баъзи маълумотларни келтирган. «Хиндистон»да у қуръондаги Искандар тўғрисида айтилган сўзларнинг сўфийлар талқинида қандай тушунилишини ҳикоя қилади. Зулқарнайнга ерда подшоҳлик ва қудрат берилгани тўғрисидаги оятни сўфийлар Зулқарнайн истаса ер унинг оёғи остида айлана беради, истаса у сувда ва ҳавода юриши мумкин, деб талқин этганлар. Уларнинг шарҳлашича, сув ҳам, ҳаво ҳам Зулқарнайнга қаршилиқ кўрсатмайди, тоғлар унинг йўлини тўсмайди.

Зулқарнайн тўғрисида «Ўтмиш ёдгорликлари» китобидаги махсус боб гоят диққатга сазовордир. Унинг сарлавҳаси «Зулқарнайн лақабини олган подшоҳнинг (кимлигини) аниқлашда гурли миллатларнинг ихтилофлари устида сўз» деб аталади. Беруний бу бобда Искандар-

нинг юришлари, эгаллаган мамлакатлари, дўсти ва маслаҳатчиси Арасту билан муносабатлари тўғрисида сўзлайди. Берунийнинг Искандар фаолиятига оид фикрлари ва берган маълумотлари Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonи мазмунига ўхшаб кетади. Шуниси характерлики, Беруний ҳам ундан беш юз йил кейин яшаган Навоий ҳам Искандарнинг жаҳонгирлик фаолияти тўғрисида гапирганда Искандарнинг яъжуж ва маъжужларга қарши тўсиқ (сад) курганига кўп аҳамият берганлар. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Искандарнинг асл насаби Дорога бориб боғланади, деган фикрларни уйдирма сифатида рад қиладилар. Беруний Искандар ҳаёти ва фаолиятини қуйидагича тасвирлайди: Зулқарнайн солиҳ ва қувватли киши бўлган. У шимолда зулмат подшоҳлигига қадам қўйган, халқлар яшайдиган ерларнинг энг узоқ жойларигача борган; Ернинг кунчиқиш ва шимол томонларида яъжуж ва маъжужнинг ўз жойларига яқин мамлакатларга чиқишларига тўсқинлик қилиб, ҳужумларини қайтариш ва зарарларни даф қилиш мақсадида темир парчаларини мис билан бириктириб, уларнинг чиқадиган ғорларига тўсиқ ясаган.

Беруний Искандарни Филиппнинг ўғли деб атайди. («Искандар ибн Филип») У Искандарни икки наслдан, яъни Рум ва эронликдан туғилган, шунинг учун лақаби Зулқарнайн бўлган деган гапларни «уйдирма ҳикоялар» деб ҳисоблайди. Бу афсонага кўра Катта Доро Искандарнинг онасига, яъни Филиппнинг қизига уйланган. Аммо унинг баданидан ёмон ҳид сезиб, отаси ёнига қайтариб юборган. Бу пайтда ўша аёл Дородан ҳомиладор эди. Искандар туғилгач, Филипп уни тарбиялаб вояга етказган. Шунинг учун у Искандар ибн Филип деб ҳисобланган. Эронликлар бу фикрнинг исботи учун Доро ўластган вақтда Искандарнинг унга қарата, эй биродар ким сенга бундай иш қилди, уни менга айт. Ундан сенинг ўчингни олай, деган сўзларини келтирганлар. Беруний бу фикрни тамомила асоссиз деб билади. У Искандарнинг

ўша сўзларини Дорога меҳрибонлик кўрсатиш ва уни ўзи билан тенг тутиш учун айтилган, деб ҳисоблайди. Чунки деб ёзади Беруний, унга подшоҳ деб хитоб этиш, ёки отини айтиб чақириб подшоҳларга лойиқ бўлмайдиган жафо қилиш мумкин эмас эди. Шундан сўнг олим насаблар тўғрисида сўзлаб, душманлар ҳаминша насабларни паст қилиб кўрсатиш, номуслиларни ерга уришга ҳаракат қилиб турли хил уйдирма гаплар тарқатадилар. Дўстлар эса ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, яхшиликларга нисбат беришга уринадилар, деб ёзади ва қуйидаги шеърни жуда ўз ўрнида келтиради:

Розилик кўзи ҳеч бир айбни кўрмайди,
Лекин норозилик кўзи (барча) айбларни ошкор қилади.

Шундан кейин бу бобда ана шу фикрни исботловчи жуда кўп тарихий мисоллар келтирилган.

Берунийдаги Искандар фаолиятининг баёни бизга маълум бўлган «Тарихи Табарий»даги, Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonидаги баёнлардан фарқ қилмайди. Аксинча, уларга жуда ўхшашдир. Фақат Беруний Искандарнинг туғилиши тўғрисидаги эронликларда мавжуд бўлган ақидани рад қилар экан, ўзининг бирор версиясини айтмайди, уни Филиппнинг ўғли эканини билдириш билан чекланади.

Берунийнинг ҳикоя қилишича, Искандар рум подшоҳлигини эгаллагач, Мағриб мамлакатларини босиб олиб то Кўк денгиз (Атлантик океан)гача етади. Сўнг у Мисрга қайтиб, у ерда Искандария шаҳарини бино қилади. Сўнгра Шом ва Бани Исроил ерларига йўл олади. Байтул-муқаддас, Арманистон, Баб-ул-Абвоб каби ерлардан ўтиб қибтийлар, барбарлар, яҳудийларни ўзига бўйсундиради. Доро ибн Дорони енгиб, Эрон мамлакатини эгаллайди. Эрондан сўнг Искандар Ҳиндистон ва Хитойни фатҳ этади. Сўнгра у Хуросонга қайтади ва уни ҳам эгаллайди. Бу ерда шаҳарлар бино қилади. Шундан кейин Ироққа қайтади

ва Шаҳризўр деган жойда вафот этади. Беруний Искандарнинг ўз устози Арасту билан доимо ҳаммаслаҳат бўлганини, барча ишларини илм ва ҳикматга асосланиб амалга оширганини алоҳида таъкидлаб ўтади. «Жугрофия», «Йуллар ва давлатлар ҳақидаги китоб»ларга асосланиб Беруний яъжуж ва маъжужларнинг бешинчи ва олтинчи иқлимда яшовчи халқлардан бир қисм эканини айтади. Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий ўзининг «Тарих» китобида бу ҳақда алоҳида айтиб ўтган: Озарбайжон ҳукмдори у ерни фатҳ этган кунларида ҳазар томондан бир одамни ўша тўсиқ олдига юборган. У одам бориб тўсиқни кўрган ва уни пишиқ ва маҳкам хандақнинг нариги томонига жойлашган улкан, баланд, қора бино экан, деб тавсиф қилган.

Беруний бу тўсиқ тўғрисидаги маълумотларни хабар қилишда давом этиб, Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбиҳ деган IX асрда яшаган арабийнавис географнинг айтганларини келтиради. Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ халифа Муътасим саройида бир таржимондан қуйидаги воқеани эшитганини билдирган. Халифа Муътасим эллик кишини ўша садни бориб кўриш учун юборган. У кишилар Бобал — Абвоб, Лон ва Ҳазар йўли билан юриб ўша тўсиққа етиб борганлар. Бу сад темир парчалардан ишланган бўлиб, эритилган мис билан маҳкам қилиб беркитилган. Унинг қулфланган дарвозаси бор эди. Борган одамлар у ерга яқин шаҳарларнинг аҳолиси бу тўсиқни ҳимоя қилиб турганини кўрганлар. Қайтишларида йўл бошловчи уларни Самарқанд рўбарўсидаги жойларга олиб чиққан (с. 78).

Шу маълумотлар асосида Беруний Искандар қурган саднинг одамлар яшайдиган ернинг шимоли ғарбида бўлгани тўғрисида фикр юритади. Шундай қилиб, Беруний келтирган маълумотлар асосида «Садди Искандарий»нинг тарихий факт эканини аниқлаймиз, унинг жойлашган ўрни ва тасвирига эга бўламиз. Искандар тўғрисидаги яна бир ҳикоя Берунийнинг «Минералогия» китобида ҳам бор.

Унда Беруний фақат Искандар тўғрисидагина эмас, балки зулмат мамлакати, унинг ҳолати тўғрисида сўзлайди.

Шундай қилиб, Беруний келтирган маълумотлар — унинг юнон адабиёти, тарихи ва фалсафасини чуқур билгани, уни ўзининг шарқ халқлари тафаккури тарихини гадкик этганда маҳорат билан фойдаланганидан дарак беради. Айни замонда юнон мутафаккирлари ижодининг Беруний яшаган даврда тутган ўрни ва аҳамиятини ҳам кўрсатиб туради.

БЕРУНИЙ ВА АРАБ ТИЛИДАГИ АДАБИЁТ

«Утмиш ёдгорликлари» китобида Беруний одатдаги каби кўп илмий ва назарий хулосаларни айрим шеърлар орқали ифодалайди. Уларни уч туркумга бўлиб кўриб чиқайлик.

Бир туркум шеърлар коинот ҳодисаларини изоҳласа, иккинчи туркум шеърлар табиат кўринишларини шарҳлайди. Яна бир туркум шеърлар эса жамият ҳаётидаги турли-туман воқеаларни, кишиларнинг ҳолати, кечинмаларини тасвир этади.

Исломогача араблар календардаги ойлар номини қуйидаги тартибда атаганлар:

муътамир
ножира
ҳаввон
сувон
заббо
боида
асамм
воғил
нотила
одида
ранна
бурак

Бу тартибнинг яхши эса қолиши учун унга шеърлар битилган. Беруний ўз китобида ана шу шеърларнинг иккитасини келтиради. Улардан бири ойларнинг кетма-кет келишини англатади. Иккинчиси эса у ойларнинг умумий рўйхатини беради. Олим бу шеърларнинг муаллифини кўрсатмайди. Эҳтимол, улар Берунийнинг ўз қаламига оиддир. Бу аниқ эмас. Аммо бу шеърларнинг ўзбекча таржимаси муҳтарам олимимиз Абдуфаттоҳ Расулевга оид экани шубҳасиздир. Балки муҳаррир Исмадулла Абдуллаев ҳам унга қўл урган бўлиши мумкин. Шу икки муҳтарам олимлар таржимаси ва таҳририда босилиб чиққан китобдан мен шу шеърларни келтираман:

Муътамиру, ножирадан бошладик,
Сунгра ҳаввон ҳамда сувон эргашур.
Кейинидин заббо келур, сўнг бонда,
Келгач асамм душманлик кор бўлур.
Сунгра воғил, нотилаю, одила
Жамъи гўзал шону шуҳрат нуридир.
Келса ранна ҳам бурак сўнг вассалом,
Панжа бирла ой санаш бўлди тамом (с. 95).

Шу шеърда асамм ойининг таърифи унинг келиш фурсати душманликни авж олдиришга хизмат қилиши орқали берилган. Яна воғил, нотила, одила ойларининг шону шуҳрат ойлари бўлажаги айтилган. Бу ерда урушлар тугалланиб, голиб томонларнинг шону шараф қозониши кўзда тутилган бўлса керак. Бошқа бир келтирилган шеърда айрим ойлар таърифи мутлақо йўқ. Унда фақат ойлар рўйхати баён қилинган, шунда ҳам тартиби бир оз ўзгартирилган. Шоир унда асосан ўша рўйхатни эълон қилиш-нигина кўзда тутган бўлиши мумкин.

Арабларнинг жоҳилия давридаги ойларини (билишни) истасанг,
Уларни муҳаррам (сафар) каби тартиб билан саноққа ол.

Муътамир келади, ундан кейин ножир,

Ҳаввон билан сувон бир тузоққа йиғилади.
Сўнгра хакин, заббо, асамм ва одил,
Нофиқ билан вағлу, ранна билан бурак (с. 96).

Кўриниб турибдики, бу ерда ойлар номи бошқачароқ тартибда келтирилган, яна бу шеърда «халий», «нафиқ» сингари янги ой номлари бор, «вағл» ва «одил» ўрин алмашган.

Манзиллар сонини билмоқчи бўлган киши учун
Улар йиғирма ва ундан кейин саккиз юлдуздир.
Уларнинг ҳар бири бир буржда Ой манзилларидан
Икки бутун, кейин расо учдан бир манзил бўлади.
Ҳисоблар шулар билан, анволар ҳам шулар билан бўлиб,
Ёз ва қиш шулар орқали айланади (с. 397—398).

Бу шеърнинг муаллифи ҳам кўрсатилмаган. Аммо ой манзилларининг чиқиши тўғрисидаги шеърнинг муаллиф Ибн-ар-Ракко деган киши эканини Беруний очиқ айтади. Шундай манзиллардан бирида Шеърони тонг ёриши олдидан кўриш мумкин экан. Ўша шоир бу ҳолни қуйидаги ифодаларда тасвир этган:

Мен тонг оқлигидан Шеъронинг қизиллигини биламан ва кеча
Шеъродан юқорига кўтарилиб яширинади.
Шеъро кейинида қолгач, кеча ундан ноумид бўлмайди.
ва Шеъронинг кечага тегишли эканини кундуз тан олмайди (с. 400)

Бу бадий жиҳатдан апча мукамал ва тасвир жиҳатдан аниқ шеърдир. Шеъронинг кеча ва кундуз ўртасида эканлиги Шеъродан сўнг кечанинг яшириниши орқали айтилади. Айни замонда унга кундузнинг ҳам даъвоси бор. У Шеъронинг кечага тегишли эканини тан олмайди. Шеъронинг кейинида қолдириб кетган кеча эса ундан ноумид бўлмайди, уни ўзига тегишли деб билади. Бу эса қоладиган ўзига хос бир тасвирдир.

Беруний воқеа, ҳодисаларнинг шеър орқали ифодаланиши уларнинг кишилар хотирида яхши сақланишига сабаб бўлажагини ҳар донм уқдирар эди. Бу шеърлар яна осмоний кўринишларнинг ердаги кундалик ҳаётда қанчалик зарур ўрин тутганини намойиш ҳам қилиб туради. Беруний ўз асарларида бирорта факт ёки мулоҳазани берин келтирмайди. Уша шеърларни олим эслатар экан, уларнинг кишилар учун зарурлигини алоҳида таъкидлайди. У ёзади: араб шоирлари ёритқичлардан ҳар бирининг чиқишига тўғри келадиган шеърлар битдилар. Бу кишиларнинг эсида қолсин, **тирикчилик ишида фойдаланишсин** (таъкид меники. А. Қ.) деган мақсадда қилинади. Ана шундай изоҳдан сўнг қиш мавсумининг келиши ва кетишига бағишланган икки шеър келтирилади. Қишнинг бошланиши қўйидаги белгилардан билиниши мумкин:

Тўлган ой Сурайёга рўбарў келганда совуқ келиб,
Унинг боши қиш (боши) бўлади (с. 398).

Қишнинг кетиши эса қўйидаги ҳолатда юз беради:

Қачон ой учинчи кечада Сурайё билан учрашса
Албатта қиш кетади (с. 398).

Демак, олим бу шеърлар орқали кишилар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган осмон ҳодисаларини тасвирлайди. Айни замонда у илми нужумнинг амалий аҳамиятини ҳам намоеън этади. Бошқа бир шеърда қишнинг умумий сурати кўрсатилган. Унда қишнинг совуғи, ундан сақланиш учун кишиларнинг олов атрофида исинишлари эслатилади. Шу билан бирга осмондаги ойнинг ҳолати, унинг ердаги ҳаётга боғланиши орқали баён этилади. Бу шеър турмуш кўринишларининг аниқ тасвиридан иборат:

Бир кун келиб ўн тўртинчи кечада
Тўлган ой ад-Дабарон билан учрашса,

Ҳамма ерда қиш бўлиб, отличлар
Оловда исинишга чақирадилар.
Уш тўрт кечалик ой Осмонда ўтов қуради, ҳатто чодирлар
Устунларнинг сояларини қисқартиради
Бу (ҳол) ярим кечада (бўлиб) бўшлиқ (само-қоинот — А. Қ.)
булут хиралигидан пок бўлади (с. 398).

Бу шеърнинг муаллифи ҳам кўрсатилмаган. Бу мисра-
ларда бадийят анча кучли. Булут хиралигидан пок бўл-
ган само Ойнинг ўтов қуриши — ой таратган ёруғликнинг
таъсирида ердаги чодир устунлари соясининг қисқариши,
аёзли қиш кечасининг ойдинлиги суратини ўқувчи кўз
ўнгида аниқ кўради.

Қиш фаслида совуқ шамоллар эсиши Ойнинг ан-наоим
юлдузлари орасида бўлган пайтига тўғри келади. Қиш
шамолида ихчам ўралган оқ саллалар ҳам шамолдан ҳимоя
қилса ҳам биринчи кечадаги янги ойни эслатади. Бу кўри-
ниш қуйидаги мисраларда ифодаланган:

Биринчи кечада янги Ой ан-наоим (юлдузлари)
Орасида одамларга кўринса,
Ҳамма томондан сенга совуқ шамоллар келади ва ўралган
(оппоқ) саллалар тонг отиши олдида чиройли кўринади (с. 399).

Қаттиқ совуқнинг келиши қуйидаги фурсатда юз беради:

Бутун кеча аҳоли учун совуқ бўлди ва
ал-Авво қуёш учун манзил бўлиб қолди (с. 399).

Айрим шеърларда табиат кўринишларининг муфассал
баёини кўрамиз. Беруний тўрт шамол ва «накбо» деб
номланмиш шамолни Зур-румий деган шоирнинг шеъри
орқали тасвирлайди. Бу шеърда ўша шамолларнинг қай
томондан эсиши, қандай сифатда бўлиши, қандай оқибат-
лар олиб келиши тўла кўрсатилган:

Анво селлари ва икки «ҳайф» уйлар устига
Қорамтир тоғлар қумларини олиб келади.
Учинчиси Шом томондан қўзғалувчи совуқ шамол
Бу майда тошлар тепасидан гирдибсдлар билан ўтади.
Тўртинчиси Қуёш чиқадиган томондан чанг кўтариб
Ва момақалдироқ билан қўзғалади.
Тез учувчи накбо шамоллари (ҳам) чанг кўтариб
(ҳомиласи) ўн ойга яқинлашган туялар фарёдини кўпайтиради
(с. 401—402).

Беруний жамият ҳаётидаги воқеаларнинг табиат кўри-
нишлари билан алоқасини ҳам адабий мисоллар орқали
таъсирлироқ қилиб ҳикоя этади. Муҳаммад қўшини Од
номли қавмга қарши урушда эканида қаттиқ шамол қўз-
ғалган. Бунинг натижасида ўша қавм кўп талафот кўрган.
Бунинг тасвирини бир шоир бундай деб ёзган:

Гарбий шамол Од қавмини ҳалок этди.
Улар хурмо дарахтлари сингари агдарилиб, йўқ бўлиб кетдилар
(с. 302)

Табиат ҳодисаларининг жамият ҳаёти лавҳаларига
муносабати, уларнинг бир-бирига мос ва зид келиши
тарихда кўп учрайди. Гоҳо шундай бўладики, табиат
тамомила жамият талабларига қарши бўлган кўриниш-
ларни келтириб чиқаради. Беруний бундай ҳолларни илмий
равишда асослайди. Аммо кишилар тилаган нарсанинг
акси юз бериши, албатта, шоирлар учун шеър мавзун бў-
лиши мумкин.

Беруний шундай бир холни ўз китобида мисол қилиб
келтирган. Зайд-ал-Алавий даврида Табаристонда қаттиқ
қурғоқчилик бўлган. Одамлар ёмғир ёғишини сўраб саҳрога
чиққанлар. Ҳали бу тилакни изҳор этувчи дуолар тугалмай
туриб шаҳар атрофига ўт тушган, катта ёнғин юз берган.
Беруний Абул-амр деган шоирнинг шу тўғрида ёзган
шеърини ўз китобида келтиради. Унинг мазмуни қуйида-
гича.

Табаристонликлар булут келиб ёмғир ёғишини тилаб (саҳрога)
чиқдилар,

Лекин уларга куйдирувчи иссиқ билан жавоб берилди.

Уларга орауларининг зидди келди, чунки

Қалблари фисқу фужурлар билан тўла эди (с 268).

Кўрниниб турибдики, шоир бу ерда табаристонликлар бошига келган офатнинг сабабини уларнинг фисқу фужур билан кўп машғул бўлганлари орқали изоҳлайди. Беруний бундай изоҳнинг амалий жиҳатдан асоссиз эканини яхши тушунар эди. Аммо у ана шу нафратли ҳолни қоралар, фисқу фужурни рад қилар эди. Олим бу шеърини парча орқали шундай дидактик хулосани баён этмоқчидир. У одамларни фисқу фужур, фитнес-фасоддан тўхтамоқчидир.

Баъзи шеърлар қалбакилик, ёлгон ва ясама эътиқодларни танқид қилишга қаратилган. Исломгача яшаган араблар орасида Бани Халифа қабиласи ҳайс (хурмо)дан санам ясаб, ўша санамга ибодат қилганлар. Бир йили қаттиқ очлик бўлгани, очликка чидамаган бу тоатчилар ўша санамни еб қўйганлар. Бундай ажойиб факт ҳажвгўй шоирлар эътиборидан четда қолмаган, албатта. Бани Тамим қабиласидан бир шоир ана шу воқеани шеър билан истехзоли мисраларда баён этган:

(Бани) Халифа ўзидаги қадимги очлик
ва фақирликдан ўз раббини еб қўйди.

Бошқа бир шоир бундай деб ёзган:

Қургоқчилик ва очлик замонида бани Халифа ўз раббини еб
қўйди.

Улар раббийларининг ёмон оқибат ва жазо етказишидан
қўрқмадилар. (с. 245).

Беруний бу шеърлардаги баҳога қўшилади Қилинган ишнинг ғоят очиқ ҳажв билан ифодаланганини кўрсата-

ди. Шу билан бирга у қалбаки эътиқодларнинг пуч эканини ошкора фош этади, танқид қилади.

Беруний асарларида фалсафий, дидактик умумлашмалар кўп учрайди. У ўз фикрларини аниқ, ёрқин ифодалайди, афоризм каби мазмундор баён билан эълон қилади. Масалан, қуйидаги нозик кузатишлар натижасида келиб чиққан муҳим хулосага аҳамият беринг:

Розилик кўзи ҳеч бир айбни кўрмайди,

Лекин норозилик кўзи (барча) айбларни ошкор қилади.

(с. 74).

Бу ерда розилик ва норозилик кўзларининг қараши орқали инсон табиатининг муҳим хусусияти воқеалар, кишилар ва уларнинг турмушга муносабати кўрсатилмоқда. Бу шеърнинг муаллифи ҳам айтилмаган. Аммо фикр равшанлиги, ифоданинг лўнда, хулосанинг мукамаллиги Беруний услубини эслатади. Инсон қалбининг ҳаяжон ва изтиробларини ифодаловчи бир шеърни олим тун ва тонг тўғрисидаги илми нўжум қоидаларига мисол тарзида келтирган. Ади-ал-жаҳм деган саркарда румликларга қарши урушда оғир ярадор бўлади. Дарднинг зўридан у қаттиқ азоб чеккан ва кечаси билан ухлай олмаган. Оғриқ зўрайиб, кўзига дунё қоронғи кўриниб кетган. Аммо ҳеч тонг ёришмас, кечанинг ниҳояси йўқ каби эди. Шунда унинг айтган шеъри:

Тонгни сел оқизиб кетдим

Еки кечага кеча қўшилдим? (с. 293).

Бу шеърий парча орқали ўша кишининг ички ҳаяжон ва изтиробларигина эмас, балки ўша саркарданинг ўз туйғуларини бадий ифодалашга қодирлиги ва шахсияти тўғрисида ҳам маълумот оламиз.

«Ўтмиш ёдгорликлари»да ана шундай шахслар тўғрисида ахборот берадиган бадий лавҳалар анчагина учрайди.

Наврӯз байрами энг қадимий байрам эканлиги маълум эди. Аммо ислом ҳокимияти ўрнашгандан кейин бу байрамга бошқача муносабат бўлган. Ниҳоят, халифа ал-Мутаваккил наврӯзни исломдан кейин яна ўзининг эски муҳлатига кўчирган. Бундан кўпчилик мамнун бўлган. Шу мамнуниятни ал-Бухтурий деган шоир Мутаваккил шаънига бағишланган шеърида изҳор этади.

Наврӯз кунини ўз вақтига, Ардашер
Белгиланган вақтга қайтди.
Сен уни аввалги ҳолатга айлантирдинг,
У ҳайрон бўлиб айланиб юрарди.
Наврӯзда хирож олишга буюрдинг.
Халқ учун эсда тутиладиган энгиллик бўлди.
Халқдан ҳамд ва сано айтиш, сендан эса
Уларга адолат юргизиш ва миннатдор этадиган инъом
бериш (сазовор)дир.

Наврӯзнинг ўтказилиш муҳлатини Рум ойлари бўйича белгилаб чиқилган. Бу ишни амалга оширган вазир Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Сулаймон Ваҳд эди. Шу вазир номига мунажжим Али ибн Яҳё қуйидаги шеърини бағишлаган:

Эй, покиза шарафни тирилтирган, вайрон бўлган мамлакатни
янгилаган,
Беқарор бўлган дин асосини қайтадан орамизда барқарор
этган,

Пойгада ўзувчи сингари барча подшоҳлардан ўзинг
Наврӯз билан бахтли бўл. Бу (ишда) халқни миннат-
дор этдинг ва савоб топдинг.
Наврӯзни кейинга суриб бошқалар кейинга қолдирган
савоб (ишни) олдингга ўтказдинг,
Наврӯзинг шундай бир кун-ки, у ҳеч қачон кейинга
қолмай

Ҳозиронинг ўн биринчиси тўғри келади (с. 68—69).

Бу ҳар иккала шеър гарчи айрим тарихий шахслар, уларнинг наврӯзни ўз ўрнига тиклашдан иборат ислоҳотни амалга оширганлари тўғрисида хабар берса-да, улар яна наврӯз байрами тарихи, халқнинг унга муносабатини очиқ-ойдин кўрсатиб туради. Бу байрамнинг халқ ҳаётида тутган муҳим ўрнини намойиш этади. Шу билан бирга унинг қачон, қайси фурсат ўтказилиши («ҳозиронинг ўн биринчи кун») ҳақида маълумот беради. Берунийнинг бу шеърларни келтиришидан мақсади ҳам ўқувчига шу тафсилотларни билдириш эди. Исломгача бўлган араблар ой йили билан қуёш йили ўртасидаги фарқларни ҳисоблаб чиққанлар. Бу фарқ ўн кун йигирма бир бутун ва бешдан бир соат бўлган. Ана шу ортиқча фурсатлардан бир ой йингилса ўшани йилга қўшганлар. Берунийнинг бу маълумотларини синчиклаб аниқлашдан мақсади фақат бу илмий ахборотдан хабар беришгина эмас, у исломгача ҳам катта фан ва маданият мавжуд бўлганини кўрсатмоқчи. Айниқса, олимнинг ислом босқинчилари ўзларигача бўлган илмларни йўқ қилиб ташлаганларини қайта-қайта таъкидлаганини эсласак, бу фикр янада равшанроқ сезилди.

Бу сифат тўлдириш ишини кинопа деб аталмиш қабиладаги «қаломас» деб номланган тўлдирувчилар амалга оширганлар. Уларнинг энг охиргиси Абу Сумома деган киши эди. Беруний шу одамнинг таърифини қилувчи шеърни кўрсатади (муаллифни айтмайди).

Мана қаламмас деб аталган фуқайм,
Улар динининг асосчиси
Уларнинг бошлиғи бўлиб сўзи тингланар.

Бошқа бир шоирнинг шеърнда эса бундай дейилган:

У кинопа бурунги кишиларнинг машҳури
Унинг ўрни улуғ ва шарафли,
У шундай давр кечирган.

Яна бир бошқа шоир бундай деб ёзган:

У қуёш айланиши ва янги ой уртасидаги фарқни
То тўла бир ой бўлгунча йигар ва ҳисоблаб жамларди.

(с. 48).

Беруний ҳар учала шеърий парчадан жуда ўрнида фойдаланади. Биринчи парчада олим Абу Сумоманинг умумий таърифи, унинг обрў-эътибори, пешқадамлиги кўрсатилган. Иккинчи парча шу таърифни қувватлайди, тўлдиради ва унинг Кинопа қавмидан эканини билдиради. Учинчи парча эса унинг қуёш давраси ва янги ой уртасидаги фарқни йиғиш ва ҳисоблаб жамлашдан иборат хизматини баён қилади. Бу шеърлардан Беруний уша олимнинг обрўи, машҳурлигини ва қилган хизматларини тасдиқ этувчи далил сифатида фойдаланган.

Абу Сумоманинг вафоти тўғрисидаги бир шеър ҳам Беруний асарида мавжуддир. Унда олимнинг вафоти унинг ҳунарига — илми нужумга мос тасвирларда ифодаланган:

Эй Абу Сумома. Сенга ачинаман.

Булут орасидан чиқаётган қуёшдек эдинг.

(с. 245).

«Ўтмиш ёдгорликлари»да Беруний айрим тарихий шахслар тўғрисидаги шеърий маълумотларни ҳам баён этган. Чунончи, Зулқарнайн тўғрисида Беруний барча мавжуд гапларни айтиб, Асад ибн Амрнинг Зулқарнайн ҳақида айтган шеърини келтиради. Бу шеърнинг мазмуни қуйидагичадир:

Зулқарнайн мендан илгари мусулмон ер юзини эгаллаган,

Ҳеч кимга бўйсунмаган подшоҳ бўлган.

У карамли ва ҳурматли (худодан) подшоҳлик воситаларини
сўраб

Машриқ ва Мағриб томонларига етиб борган

Қуёшнинг ботадиган жойини — қора балиқли булоққа ва
қора ботқоққа ботаётган вақтида кўрган.. (с. 77).

Бошқа тарихий шахслар масалаи, Эрон шоҳи Афридун, Лаҳмий подшоҳларидан ан-Нуъмон тўғрисидаги шеърлар ҳам Беруний томонидан ушбу асарда келтирилган. Афридун ўз ерларини авлодларига тақсимлаб берган экан. Бу тўғрида Хисрав ўғилларидан бири бундай деб ёзган:

Ўз замонамизда мамлакатимизни кунда устида гўшт бурда-
лагандек тақсимладик.

Шом ва Румни то кун ботишигача улуг Саломга бердик.
Турклар Тужга берилди. (Энди) турк мамлакатларини амакининг
ўғли эгаллайди.

Ироқ Айронга куч билан буйсундирилди. У подшоҳликка эришди.
Еиз эса фаровонликка етишдик (с. 130).

Бу шеърда Беруний ана шу тақсимотдан норозилик белгисини кўради. Чунки ўша иш «кунда устида гўшт бурдалаган»га ўхшатилади. Ана шу баҳони олим қувватлайди, шунинг учун ҳам бу мисраларни келтиради. Ислоҳотга ўз муносабатини билдиргандан кейингина Беруний шоир шеърлари орқали тақсимотнинг асл суратини чизади. Шом ва Рум Турк эли, Ироқнинг кимлар қўлига ўтганили ҳикоя қилади. Бошқа шеърини мисолларда кўрганимиз каби бу ерда ҳам олим ўша шеърини парчалар орқали ўз фикрини ифодалайди, воқеалар мазмунини баён этади.

Ан-Нуъмон деган подшоҳ ер юзини сайр қилиб юганида бирданига кўздан ғойиб бўлган. Адий ибн Зайднинг шу тўғрида ёзган шеърини Беруний ўз китобида келтиради. У қуйидагичадир:

Хаварнақ (қаср-А. Қ). эгасини кўз олдинга келтир —

Тўғри йўл топиш учун фикр қилиш керак.

У бир кун қараб турганида

Ўз аҳволи, қўлга киритган нарсаларининг қўплиги,

Бепоеъ денгиз ва қасри уни қувонтирди.

(Бирдан) юраги чўчиди-да, киши ўлимга (қараб) боргач,
нимага қизиқади, деди. (с. 155),

Бу шеърдаги фалсафий мазмун Беруний ва бошқа буюк олим ва мутафаккирлар фикрига ҳамоҳангдир. Дарҳақиқат, киши ўлимга қараб боргач, уни наҳотки бойлик жамлаш, турли мавқега эга бўлиш қизиқтирса. Бу ҳар бир шахсни жиддий ўйлатиб қўядиган, ўз ҳаёти ва фаолиятининг моҳиятини таҳлил этишга чақирадиган овоздир. Шунини олим барала эшитади ва эшиттиради.

«Ўтмиш ёдгорликлари»да Берунийнинг таржимаи ҳолига оид бир воқеа ҳикоя қилинади. Беруний ёзади: «Мен олий даргоҳдан узоқлашиб шарафли хизмат саодатидан маҳрум бўлган кунларимда Рай шаҳрида илми нуҷум олимлари қаторида саналувчи бировни кўрдим. У (ой) манзилларига қарашли юлдузларнинг (ой) билан учрашувларини ҳисоб билан аниқлаб, манзилларнинг работлари ва жаврларидан турли ҳукмлар чиқарар ва бўшлиқдаги ҳодисаларни олдиндан билишни истарди. Мен унга ҳақиқат унинг (ҳисобларига) хилоф эканини билдирдим ва Ойнинг биринчи манзилига тегишли табиат, у манзилдаги хусусиятлар ва ҳиндлар тавсиф этганидек, унинг бошқа манзиллар билан боғланишини ҳамда у манзил юлдузининг Ҳамал буржидан кетиши сабабли у бурж аввалларидан кетмаслигини тушунтирдим. Худди шундай, масалан, Ҳамал буржининг шакли ундан кўчса ҳам, унинг ҳукмлари кўчмайди. Мазкур киши мени менсимай бурнини кўтарди, ҳамма билган нарсаларида унинг мартабаси мендан паст эди. У сўзимни ёлғонга чиқарди, мени ҳақорат қилди ва менга бўйсунмади. Ваҳоланки, орамизда фақат бойлик ортикчалиги ва мақтовларни ёмонликларга, фахрларни айбларга айлантирувчи, камбағаллик бор эди, холос. Чунки мен у вақтда ҳамма томондан қийинчиликка учраб паришон ҳол эдим. Сўнгра у қийинчиликлар қисман енгиллашганда, (у киши) менинг (ҳақлигимга) иқрор бўлди (с. 399—400).

Шу ҳикоядан олдин Беруний турмуш уқубатлари, машаққатли кечмиш тақозосига кўра ҳаётдан қилган хулосасини гоят аччиқ кинояли мисраларда билдирган. Беру-

ний Аҳмад ибн Форис деган шоирнинг шеърини келтиради:

Утган замонда бир донишманд бундай деган экан:
Одамнинг одамлиги фақат икки энг кичик аъзоси
(тил ва дил) билан (дир).

Беруний албатта бу ҳаққоний ва юксак хулосага рози эди. Уни қувватлар ва ташвиқ этарди. Аммо юқоридаги воқеа таъсири остида олим гоят чуқур киноя билан ёзади: мен бир ақлли кишининг; одамлик фақат унинг икки тангаси билан деган сўзини эшитдим. Бу истеҳзоли фикрни давом эттириб, олим уни аниқлаштиради:

Икки тангаси бўлмаган кишига ҳатто хотини ҳам
қарамайди.
Хўрлигидан таҳқир этилади ва унинг устидан (бошқалар)
мушуги (ҳам ҳақорат қилади).

Бу мисралардаги фикрнинг лўндалиги ифоданинг қатъийлиги билан боғланиб кетган. Улар юқоридаги воқеа мазмунини бадиий аниқлик билан яқунлайди.

«МИНЕРАЛОГИЯ»

Берунийнинг энг муҳим асарларидан бири «Минералогия»дир. Унинг асл номи «Китобу ал жамоҳир фи маърифат-ил-жавоҳир» яъни «Жавоҳирларни билиш усуллари китоби» деб аталади. Бу асарнинг араб тилидан рус тилига қилинган таржимаси 1963 йили Москвада нашр қилинган. Таржимон А. М. Беленицкий ушбу асарнинг Хайдарободда (Хиндистон) 1936—37 йилда босилган танқидий текстига асосланган. Танқидий текстни эса немис олими Ф. Крепков Испания ва Туркияда мавжуд бўлган уч қўлёзма асосида тузиб эълон қилган эди.

«Минералогия» анъанага биноан Оллоҳ номига мақтов билан бошланади. Шундан сўнг икки бўлим (бошловчи ва якуновчи) ўн беш тарвиҳа-истироҳат келади. Тарвиҳаларда Беруний инсон ҳаётига оид кўринишларнинг фалсафий изоҳини келтирган. Оллоҳ номига бағишланган кириш қисми ҳам яратувчининг қуруқ мадҳидан иборат эмас. Беруний бу қисмда дунёда ҳаётнинг қай йўсинда давом этишини шарҳлайди. Ҳаёт емирилишнинг сабабидир, тўқлиқ ва саломатлик эса касаллик ва хасталикларга боис бўлади. Қуёш ва ой намликни булутларга тортадилар, булут ва шамол у сувларни ерга ёғдирадилар, ер эса шу туфайли гурли маҳсулларни ундиради, улардан одамлар ва жонворлар манфаат топадилар. Сув ўз оқими билан денгизларга тўланади. Демак, Беруний Оллоҳ номига мадҳ ўқиганда ҳам ҳақиқий олим сифатида дунё, ҳаёт, табиатни изоҳлашдан чекинмайди.

Тарвиҳалар инсон ҳаётининг аниқ ва кундалик ҳолатларини тасвирлашга бағишланган. Бошланғич бўлимда олим ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаётининг бир-бирдан фарқини кўрсатади. Ўсимликлар оз озуқа билан чекланади, уни секин ўзлаштиради ва бир жойда ўсади. Унга озуқа ҳар ёқдан келади. Ўсимлик уни томири орқали келадиган намликдан олади, қуёш ҳарорати ўсимлик шохларидаги намликни тортиб олади. Шу туфайли унинг тубидаги бор нарса юқорига интилади. Ўсимлик ўсади. Сўнгра озуқа барглар, гул ва мева ҳосил қилади. Ҳайвон эса озуқани ўзи топади. Ҳайвонга беш сезги ато этилган: кўриш. У орқали ҳайвон ахтарганини топади, хавфдан узоқлашади ва ҳ. к. эшитиш орқали ҳайвон кўриш мумкин бўлмаган нарсаларни сезади, ҳидлаш ёрдамида ҳайвон ҳидларни фарқ қила олади, таъм керакли озуқани таплашга хизмат қилади, сезиш совуқ ва иссиқни, қаттиқ ва юмшоқ, ҳўл ва қуруқни, текис ва дағални ажрата билишга ёрдамлашади. Шу сезгилар орқали ҳайвон ҳаёти бир мунгазаликда давом этади. Кўриниб турибдики, Беруний ўсимлик ва ҳайвонот ҳаётини жуда лўнда, жуда тушунарли ифо-

даларда конкрет тасвирлайди. Бу тасвир мазмун эътибори билан бой, шакл эътибори билан бадийдир. Тарвиҳаларда ана шу ҳодисаларнинг тафсиллий баённи кўрамиз. Биричи тарвиҳада сезги гўгрисида ҳикоя қилинади. Унинг бош жумласи худди афоризм каби қисқа, мазмундор ва бадийдир. Олим ёзади: Сезгилар ўз қўзгатувчилари орқали кўзголади. Агар улар меъёрда бўлса, ёқимли ва зарарсиз бўлади, меъёрдан оргиқ бўлса, дардли ва ҳалокатли бўлади.

Кўриш сезгисини нур қўзғатади, эшитишни ҳаво орқали келувчи овозлар қўзғатади, ҳидлаш ҳаво билан бурунга уриладиган ҳидлар орқали пайдо бўлади, таъм озуқанинг мазаси билан вужудга келади. Аммо намлик бунда шартдир. Бу тўрт сезгини ҳис этувчи махсус органлар мавжуддир. Бешинчи сезги — сезиш эса бутун баданда воқеидир. Аммо даставвал уни тери сезади.

Иккинчи тарвиҳа инсонга бағишланган. Беруний инсоннинг барча мавжудотдан устунлигини унинг тафаккури орқали изоҳлайди. Инсон худонинг ердаги вакили ҳисобланади. Барча ҳайвонлар унга бўйсундилар. Акс ҳолда инсон энг кичик ҳайвондан ҳам ожиз бўлар эди. Инсоннинг асосий вазифаси меҳнат орқали кўзлаган мақсадига эришиш, яхшилик орқали яхшилик кўришдир. Бунга унинг эшитиш ва кўриш сезгилари ёрдам беради. Кўриш оқилона ибрат изларидан лозим яқунлар қилиш учун керак бўлади.

Беруний ана шу ҳикматни Робиъа қабиласидан чиққан Аъшо номли шоирнинг қуйидаги мисралари орқали қувватлайди:

Менинг қалбим икки биқиним ўртасида туриб

Кўзларининг кўргани қулоқларининг эшитганини англайди¹.

¹ Минералогия. М. 1963, пер. А. М. Беленицкого, с. 10. (Бундан бўён фақат саҳифани кўрсатиб борамиз.)

Бу шеърнинг лозим таҳлилини Беруний моҳирлик билан амалга оширган. Олим ёзади: «Бу билан у (шоир — А. Қ.) билдирмоқчики, билим айтиб ўтилган икки сезги орқали олинади ва буни қалб билан боғлайди, мия билан эмас. Чунки кўпчилик одамларнинг фикри шундай. Бу хулосанинг исботи учун Беруний Абу Таммомнинг қуйидаги мисраларини келтиради:

Барча донолар дейдилар-ки,
Марднинг тили — қалбнинг малайдир. (с. 10).

Беруний эшитиш ва кўриш сезгиларини изоҳлаш учун тескари мазмундаги шеърин мисол ҳам келтиради. Чунончи, Жамил ибн Маъмар ал Узро бундай деб ёзган экан:

Биз шўхликлар манзилда эканимизда
(Ўзгалар) кўзи ва қулогидан ҳадиксираймиз (с. 10).

Беруний бу шеърини парчани турмуш хулосаларига боғлаб таҳлил қилади. У ёзадики, ўзгаларнинг кўзи ва қулоғи пойловчининг қуролидир. У тешиқлар орқали мўралайди, унинг назаридан ёпиқ нарсани пойлаб, қулоқ солиб билиб олмагунгача тинмайди, иккинчи тарвиҳада Беруний кўриш ва эшитиш сезгиларининг инсон учун хос эканини таъкидлайди. Бошқа сезгилар эса кўпроқ баданга оиддир. Шунинг учун улар ҳайвонлар табиатига мосроқ. Кўриниб турибдики, Беруний кичик бир тарвиҳада ўз фикрларининг исботи учун уч шеърин мисол келтирган, уларни чиройли таҳлил этган. Ҳар учала мисол ҳам ғоят ўринлидир. Бундан ташқари олим ахлоқий-дидактик хулосалар ҳам қилган. Бу тарвиҳанинг мазмуни қизиқарли баён орқали берилган.

Тарвиҳалар нодир жавоҳирлар таърифига кириш қисмидир. Беруний мақсадга дарров кўчмайди. У ўқувчини қизиқтирувчи мулоҳазалар, мисоллар, шеър ва ҳикоялар орасида олтин ва кумушнинг айрибошлов воситасига айланганини билдиради, бунинг сабабларини тушунтира

борадн. Аммо баёнда баднйят камаймайдн, балкн бнр меъёрда сақланадн. Инсон баданнннг қарама-қаршн кучлардан ташкнл топгани, унннг талабларн ҳеч қачон камаймас эканлнгл тўғрнсндагн мулоҳазанн айтнб, сўнг унн қўнндагн шеър билан яқунлайдн:

Инсон билан унннг барча эҳтнёжларн бнрга ўладн,
Аммо у барҳаёт экан, қандайднр эҳтнёжларн сақланадн (с. 11).

Олтин ва кумушнннг кншн турмушнда бевоснта ҳеч қандай аҳамнйатн йўқ эканн, уларнннг фақат воснтагнна бўла ошншнн олнм махсус таъкндлайдн. У ёзадн: «Чункн уларнннг ҳар нккаласн тошднрлар, уларнннг ўзларн на тўнндрн, на ташналкнн қонднра, на зўравонлкнн тўхта-та, на ёмонлкндан сақлай оладнлар» (с. 13). Улар озуқа ҳам бўла олмайднлар, ннсон зотнн давом эттнрншда қатнаша олмайднлар, кнйнмга ўхшаб нсснқ, совуқдан асрай олмайднлар, уй-жой вазнфаснн ҳам ўтай олмайднлар. Бу фнкрнн нсботлаш учун Беруннй қўнндагн бнр ҳнкоянн келтнрадн: денгнзда саёҳат қнлган бнр одамнннг айтнб берганнга кўра, шамол уларнннг кемаснн катта йўлдан бнр чеккадагн оролга ошб келган. Ҳамма сайёҳлар қнргоққа тушганлар. Маҳаллнй кншнлардан бнрнда ўзларнга керакн нарсанн кўрнб унн олмоқчн бўлганлар ва у одамга дннор берганлар. У дннорнн қўлдн тутнб айлантирнб, ҳндлаб, оғзнга ошб кўрган. Уз сезнш органларн ҳеч қандай фойда ёкн сезгн ҳоснл қнлмагач, у пулни эгаснга қайтарган ва фойдали нарсанннг эвазнга бекфойда нарса бернш ярамайдн, деган. Беруннй бу ҳнкоянн келтнрар экан, унннг хулосасннн ғоят зўр шнддат билан қувватлаб, ёзадн: «Ҳаёт номнга қасамёд қнлнб айтаманкн, савдонннг табннй шаклн ана шундайднр. Маданнй одамлар ораснда ўзаро хнзमत кўрсатнш йўлдндагн чннакам ҳаётнй тартнб шундагнна ўрнатнлади» (с. 13).

Махсус тарвнҳа мурувват ва футувват (шавкат) таърнфнга бағншланган. Мурувватлн кншн (маръ) бошқа-

ларнинг қарзини тўлаб юборади, ўзгаларнинг ташвишини чекиб, ўзининг тинчини бузади, ўзида бор нарсаларни ўзгаларга бағишлайди. Шавкатли одам эса (фато) ўз қобилияти, хушмуомалалиги, шафқатлилиги, қатъийлиги, чиндам, фазилат ва камтарлик хислатлари билан ажралиб туради.

Жаҳза ал-Бармакийнинг айтишича, Басрда бир одам бўлган экан. У ҳар куни ўзининг энг яхши кийимларини кийиб, энг яхши уловга миниб чиқар ва ҳар доим кишинларнинг мушкулини ҳал қилиб берад эди. Ундан бунинг боисини сўраганларида у айтган:

«Хаётимнинг энг тотли дамларида мен энг гўзал куйчи аёлларнинг оҳангларини тинглаб туриб, жомлардан пок шароб сипқарганман. Уларнинг нафис овозлари, нодир нағмалар дарахтлар шоҳидаги қушларнинг сайрашига монанд эди. Аммо ўшанда олган лаззатларим, ҳозир менадан яхшилик кўрган одамлардан қардошларим ҳузурда ёшитаётган миннатдорлик хурсандчилиги олдида ҳеч нарса эмас» (с. 15).

Бу тарвиҳада Беруний мурувват ва футувватнинг юксак хислат эканини таъкидлайди. У яна ана шундай фазилатлар кишининг асли зоти, келиб чиқишига боғлиқ эмаслигини қаттиқ уқтиради. Кишининг насаби ва асл зоти эмас, унинг фазилати, элга қилган хайр ва яхшилиги муҳимдир. Бир шоир ёзган экан:

Агар мард киши ўзини лозим даражага кўтара олмаса, асилзода ота-боболарнинг чириб кетган суяклари ғурур боиси бўлолмайди (с. 15).

Беруний мурувват ва футувватни улуғлар экан, улар ўртасидаги фарқни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтади. Чунки мурувват ва футувват турли асосларга эга. Бирига қодир бўлган одам, иккинчисига қодир бўлмаслиги мумкин. Яна ҳар бир иш ўз ўрнида ва меъёрида бўлиши шарт. Ҳаддан ташқари қилинган иш оқилона бўлмайди. Беруний бунга

мисол қилиб қатор ҳикояларни келтиради. Арабларда айрим одамлар ўз меҳмонлари, ёки улардан жой сўраган кишилар учун ўз ҳаётларини қурбон қилганлар. Баъзилар эса бу соҳада аҳмоқона даражагача етиб борганлар. Масалан, чодир атрофини ўраб олган чигирткаларни ҳимоя қилиб, уларни қираётган одамлар билан жанг қилганлар. Баъзилар Ҳотам Тоий каби ноўрин карам қилишга интиланлар. Ҳотам Тоий ўз рақиби билан уруш қилаётганда, рақибнинг найзаси синиб кетган. Рақиб ўзининг ўлар ҳолатга етганини англаб, айёрлик йўлига ўтган. У Ҳотамдан найзасини совға қилишни илтимос қилган. Карам ва марҳамат эгаси Ҳотам ўз найзасини рақибга туҳфа қилиб, ўз ҳаётини хавф остида қолдирган. Каъб ибн Мома ал-Аёди ҳикояси ҳам ғоят ибратлидир. У ўз ҳиссасига тушган сувни ўртоғига берган. Чунки ўртоғи унга ан-нумайрига сув бергин, деб илтижо қилган эди. Сувни ўртоғига бериб қўйиб, унинг ўзи ташналикдан ҳалок бўлган. Олим ана шундай нооқил ишлардан сақланишга маслаҳат беради.

Беруний хайр ва яхшилиқни тарғиб қилар экан, ўз дидактик хулосаларини мазмундор шеърӣ лавҳалар билан асослай ва яқунлай боради. Бир шоир ёзган:

Карамнинг ниҳояси ўзни фидо этишдир (с. 16).

Бошқа бир шоир айтган экан:

Шавкатлилар ичида энг шавкатлиси

Эрталаб тонгги ичимлик, кечқурун кечки ичимлик

ичган киши эмас.

Шавкатлилар ичида энг шавкатли киши ҳам эрталаб, ҳам

кечқурун

Душманга зарба, дўстга фойда келтирган кишидир (с. 16).

Али ибн ал-Жаҳм эса ёзган:

Мурувватли кишида тўқислик тугалса уят эмас,

Унда эъгуликка интилиш йўқолса — бу уятдир (с. 16).

Олим бу иккала шеърнинг тўла шарҳини келтиради. Биринчи шеърда айтиладики, деб изоҳлайди Беруний, футувват ва карам ва тўла-тўқислик мавжуд бўлгандагина мумкиндир. Аммо тўла-тўқислик тугалланганда ҳам футувватга интилиш унга баробар бўлади.

Бундай гузал лавҳалар орқали ифода этилган фикрни Беруний якунлаб уқтиради-ки, киши хайр-эзгуликка табиатан ўз қалбининг фармойишига кўра интилиши керак. У ташқи кўриниш, ясама шухрат, сунъий обрў учун мурувват ва футувват кўрсатмасин.

Берунийнинг тарвиҳалари бой дидактик мазмунга, гоят мароқли бадий лавҳаларга, ибратли фалсафий хулосаларга эгадир.

Тарвиҳаларда шеърый парчалардан ташқари турли шарқ халқларининг афсона ва қиссалари ҳам бор. Беруний уларни баён этмоқда бўлган фикр ва мулоҳазалари учун керакли бир лавҳа сифатида келтиради. Улар Тибет, Афғон, Эрон, Ҳинд, Мағриб мамлакатлари халқларига тегишлидир.

Масалан, Беруний подшоҳларнинг ўз асл-насабларини илоҳий кучлар билан боғлаш орқали ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга уринганлари тўғрисида гапирганда, Тибет халқида мавжуд бўлган қуйидаги афсонани сўйлайди:

Тибетнинг биринчи хоқони қуёшнинг ўғли бўлган эмиш. У осмондан ўз кийимида тушган эмиш. Қобулда ҳукмронлик қилган биринчи турк подшоҳи ўша ердаги бир ғор ичида пайдо бўлган. У ғор Бугра деб аталган. Подшоҳ шу ғор ичидан ўзининг шоҳона бош кийимида чиқиб келган эмиш. Беруний бу афсоналарни ҳикоя қилар экан, бундай афсоналар бошқа халқларда ҳам бор. Уларнинг туб моҳияти кишиларни ихтиёрий равишда шоҳлик ҳокимиятига бўйсундиришга қаратилган, яна улар ҳар кимнинг шоҳлик даражасига интилишига чек қўяди, деб изоҳлайди. Шоҳларнинг қўли баланд келишини кўзлаб, уларга махсус лақаблар ҳам қўйилганини хабар қилади. Масалан, ҳиндлар ўз шоҳларидан бирини Маха-бахва — қўли

узун деб атаганлар. Форслар Бахман Ардашерни Раванд даст деганлар. Берунийнинг тушунтиришига кўра, Раванд шундай дарахтдирки, унинг илдиэлари сувга етгандагина кўкара бошлайди, шохлари эса юксак тоғ чўққиларига етгудек бўлиб ўсиб кетаверади.

Беруний шоҳлар даврасида яшаган. Шунинг учун подшоҳ ҳокимияти ҳақида билганлари, шоҳларнинг расм-русуми, безаклари, асл-насаби тўғрисида гапирганда, уларнинг газабини қўзғатадиган, манфаатларига зид келадиган сўзлардан ўзини сақлар эди. Аммо ҳақиқатгўй олим ҳам амалий фаолиятида, ҳам илмий тадқиқотларида ҳақиқатдан ҳеч қачон чекинган эмас. У ҳамниша ростгўйлик билан иш гутган, чин фикрларни изҳор этган.

Беруний ўзи билан Маҳмуд Ғазнавий ўртасида бўлиб ўтган бир ҳодисани хикоя қилади. Амир Ямин уд-давла Маҳмуд (ҳукмронлик йиллари 998—1030) билан Беруний жуда ноиттифоқ эдилар. Ҳатто Маҳмуд Берунийни ўлимга ҳам ҳукм қилган эди. Аммо вазир Маҳмуд хўжа Ҳасаннинг аралашувидан кейин унинг ҳаёти сақланиб қолган, аммо унинг шериги олим Абдус-Самад қатл этилган эди (с. 279).

Берунийнинг ёзишича, Маҳмудга астрологлар ўн йилча умри қолганини хабар қилганлар. Маҳмуд бундай деган: менинг хазиначарим бойлик билан лиқ тўла. Агар уларни қолган умримнинг ҳар кунига сарф қилинса тўла сарф қилишга тежамкорнинг ҳам, исрофгарнинг ҳам кучи етмайди. Беруний ширакайф ҳолатда бўлган, шу туфайли у Маҳмудга қуйидаги сўзларни айтишга журъат этган: «худога шукрлар қилгин ва ундан бойлигинг манбаи бўлмиш бахтли тақдиринг ва муваффақиятларингни асрашни илтижо қил. Сен фақат шулар туфайли ўша хазиначарни тўлдиргансан. Ўшаларнинг йўқлиққа юз тутса, бутун хазиначаринг бетартиб сарфланиб, бир кунга ҳам етмай тугайди».

Берунийнинг ҳукмронликка муносабати, қандай бошқариш усулининг афзаллиги тўғрисидаги мулоҳазалари

унинг бу тўғрида келтирган ҳикояларида аниқ кўри-
нади.

Берунийнинг айтишича, марвонийлар ва аббосийлар сулоласидан бўлган айрим ҳукмронлар ҳокимиятни оғир юк деб билганлар, уни ўзлари учун юборган бир имтиҳон деб тушунганлар, имкон борича ўша юкни енгиллатиш мақсадида ҳаракат тутганлар.

Бу фикрнинг намойиши учун Беруний Мағриб мамла-
катларидан бирида расм бўлган бошқариш тартиби тўғ-
рисидаги ҳикояни келтиради.

Узоқ Мағрибдаги шаҳарлардан бирида бошқариш асил-
зодалар ва ер эгалари томонидан навбатма-навбат амал-
га оширилар экан. Кимнинг навбати етса уч ой ҳукмрон-
ликни олиб борар. Ўша муҳлат тугагач, у ўз ихтиёри билан
ҳокимиятдан четланар ва шундан қутулганига шодланиб
хайру эҳсонлар улашар экан. У ўз оиласига қайтгач, худ-
ди боғлаб қўйилган тугунлардан халос бўлгандек хурсанд
бўлиб, ўз ишлари билан машғул бўлар экан (с. 31—32).
Чунки бошқариш ва йўлбошчи бўлиш ўз тинчини қўл ос-
тидаги кишиларнинг тинчи учун қурбон қилиш демакдир.
Бу зўравонларнинг азобини чеккан одамларнинг ҳуқуқини
тиклаш ҳисобига бўлади. Бошқариш ва йўлбошчи бўлиш
ўз қўл остидаги кишилар, уларнинг оиласи, мол-мулкни,
ҳаётини ҳимоя қилиш ва сақлаш учун ўз танасини чарча-
тиш, ўз тинкасини қуритиш демакдир. Бошқариш ва йўл-
бошчи бўлиш ўз қўл остидаги кишиларнинг манфаати
учун курашиш, уларни асраш учун ўз жонини койитиш
демакдир. Бошқарувчининг эҳтиёжи учун йиғиладиган
маблағ эса карвонга йўл кўрсатувчига, унинг билими ва
даражасига муносиб ҳақ тўлаш кабидир. Хайриятки, маъ-
лум муҳлатдан кейин бу машаққатлар тугайди.

Беруний бу ҳикоянинг хулосасини муфассал баён қилар
экан, ўзининг ўша хулоса билан ҳамфикр эканини бил-
диради. Беруний ана шундай демократик муносабатга
асосланган бошқариш усулининг тарафдори эди. Шу усул-
ни Беруний мунтазам тартибнинг асоси деб биларди. Яна

у илмий объективлик билан ҳар бир давр ўз одатига эга бўлади, одамлар у одатга риюя қилишлари шарт. Бирхиллик ва мақбуллик бўлмаса мунтазамлик йўқолиши турган гап, деб уқтириб ўтади.

Демак, Беруний турли халқларнинг бошқариш соҳасидаги одатларини баён қилар экан, уларнинг келиб чиқиши сабабларини кўрсатади, уларни изоҳлайди, ҳар бир даврнинг ўз одати бўлажagini эътироф қилади. Аммо Берунийнинг кўнглига маъқул тушган бошқариш демократик асосда, муттасил янгиланиб турадиган бошқарувчи орқали амалга ошириладиган тартиб эди. Мустабид подшоҳлар қўлида қарам бўлган олимнинг бундай бошқариш тартибини очиқ-ойдин қувватлаши унинг илмий ҳақиқатга садоқати ҳамда шахсий жасоратидан далолат беради.

«Минералогия»нинг биринчи қисмида берилган ёқут тўғрисидаги бобни кўриб чиқайлик. Бу бобда 26 шеърий парча, 30 ҳикоя ва ҳодисалар таърифи бор. Деярли ҳар бир шеърий парчага олим изоҳловчи таҳлил бағишлаган. Яна кўп филологик шарҳлар ҳам бор.

Ҳикоялар қуйидагилардир:

Сиёвуш қони тўғрисидаги ҳикоя
Ёқутни ютган туяқуш ҳикояси
Жабал-ул-ағзордаги воқеа
Калат донаси ҳикояси
Ёқутлар ороли аёллари тўғрисидаги ҳикоя
Ал-Мутаваккил ҳикояси
Шер кўринишли ёқут ҳикояси
Халифа ал-Муктадир ва вазир Аббос ҳикояси
Ар Рашид ва унинг канизаси Холиса тўғрисидаги ҳикоя
Вазир ал-Муътадид ва шоир Али ибн Бассом ҳикояси
Ёқут «Жабол» ҳикояси
Исмоилий тоши тўғрисидаги ҳикоя
Маъмур ва унинг қимматбаҳо тоши тўғрисидаги ҳикоя
Умар ҳикояси
Абдуллои ибн Марвон ҳикояси

Мутазнинг онаси Қабиха ҳикояси
Хуросон подшоҳи тўғрисидаги ҳикоя
Ниҳовандаги воқеа
Тариқ ҳикояси
Зумрад ўғриси ҳикояси
Ануширвон ҳикояси
Абарвиз ҳикояси
Гаврабанд ҳикояси
Миср черкови тўғрисидаги ҳикоя
Хисрав хазинаси тўғрисидаги ҳикоя
Олтин сандиқ ҳикояси
Ёқут топган денгизчилар ҳикояси

Ҳикояларнинг кўпчилиги турмушда юз берган воқеалардир. Уларни Беруний турли китобларда ўқиган ёки айрим кишилардан эшитган. Андом деб аталган нарсанинг изоҳига Беруний муфассал тўхтаб ўтган. Бу нарсани изоҳлашда у шеърлардан ҳам, афсоналардан ҳам кенг фойдаланади, тўла филологик тадқиқотлар ўтказадди. Ёқутнинг энг яхши навъи усфур деган ўсимлик гулидан чиқадиган суюқлик рангидагисидир. У анор рангига ўхшайди. У рангни жарйал дейдилар, гоҳо жарйал деганда усфурнинг ўзи ҳам англашилади.

Нобиға ал-Жаъдий деган шоир бундай деб ёзган экан:

Унинг кийимида қолдирган енгил изларим
Жарйал суюқлиги кабидир (с. 36).

Гоҳо жарйал фақат рангнинг ўзинигина англади.
Аъшат бу тўғрида ёзган эди:

Бобилда узоқ сақланган шароблардан, уларнинг ранги
Қурбонлик қилинган ҳайвонлар қонидек эди,
Қанчасини мен рангидан айиртдим (яъни ичиб юбордим) (с. 36).

Ҳамза усфурни «аждаҳо қони» («андом») деб атаган. Беруний айтадики, луғатларда кўрсатилишича, «андом»—

сахрода ўсадиган қизил бир ўсимликдир. Кўпинча андом деб умуман қизил рангдаги нарсалар англашилади. Баъзилар сандал дарахтининг суюқлигини (баққом) ҳам шундай деб агайдилар.

Ал-Ажжож деган шоир ёзган экан:

Унинг орасида қон қайнайди,

Худди бўёвчининг қозонида баққом қайнагани каби (с. 37).

Нилуфар илдизи «айда»ни ҳам аждаҳо қонига нисбатан берилган. Абу Ҳанифа эса баъдавийлар қора, қизил рангли ўсимлик «нил»ни шундай атайдилар, дейди.

Форслар эса «андом»ни Сиёвуш афсонаси билан боғлаганлар. Умуман айтишларича, Кайковуснинг ўгли Сиёвуш ўлдирилгач, унинг қони тўкилган ердан шу ўсимлик ўсиб чиққан эмиш. Шунинг учун уни Сиёвуш қони деб аталади. Ҳиндлар бу ўсимликни Пандирот деб атайдилар. Унинг маъноси Панду қони демакдир. Афсонага кўра Панду қабиласининг аъзолари билан уларнинг амакилари тааллуқли бўлган куру қабиласи ўртасида уруш бўлган. Бу уруш натижасида ҳар иккала қабила тамомила бир-бирларини қириб бигирганлар.

Шу ҳикоядан сўнг Беруний ҳам ана шу фожианинг руҳини берувчи, ҳам андомнинг таърифини бойитувчи бир шеърни келтиради:

Қабила қалқонлари — кукракдаги қонли куйлақлардир (с. 38).
(Улар) «аждаҳо қони»нинг сачраган излари билан қизарган.

Шеърини мисоллардан сўнг Беруний адабиётшунос ва адиб сифатида ажойиб мулоҳазаларни билдиради.

Араб шеъриятида, деб ёзади Беруний, «андом» кун эслатилади. Уни шаробга ўхшатадилар, қонга нисбат берадилар ва ҳ. к. Аммо у шоирлар Берунийнинг фикрича, бир-бирларига зид ифодаларини баён этадилар. Чунки улар суз бораётган модданинг хусусиятини яхши билмайдилар.

Ёқут тўғрисидаги ҳикояларни Беруний икки қисмга ажратади. Турли халифалар, подшоҳлар фаолиятида, ҳаётида ёқутга доир бўлган ва ҳақиқатда юз берган ҳодисалар. Сўнгра ёқут билан боғлиқ бўлган кулгили воқеалар. Бу ҳикояларнинг қай бирига олим ишонса, буни у очиқ билдиради, ишонмаганларига шубҳа қилади. Кўп ҳикоялар шеърӣй парчалар билан изоҳланган. Баъзи ҳикоялар реал воқеалар тасвиридан ташкил топган.

Денгизчилардан бири қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб берган экан: Шамол туфайли улар тушган кема Жабал ул-аҳзар деган жойга келиб беркинган. Қирғоқда сайр учун қулай жой бор экан. Денгизчилар сайр қилиб юриб ўрмон ичидаги кўл бўйида ўлтирган бир мўйсафидни кўрганлар, унга ёнғоқ, бодом, финик каби мевалар ҳадя қилганлар. Чол уйига кириб хурмо дарахти баргларидан қилинган ҳамён олиб чиққан. Ундан бир миққол келгудек ёқутни денгизчилар бошлиғига тортиқ қилган. Бошлиқ одам юбориб кемадан яна мева, кийим, туз ва ҳоказо келтириб чолга тақдим этган. Чол яна бир тош чиқариб берган. Унинг салмоғи олти миққол келгудек эди. Бошлиқ бу нарсаларни қандай топдинг, деб сўраганда, чол уни бир ариқ бўйига бошлаб келган ва бу тошларни шу ариқда ёмғир суви келтиради, деб жавоб қилган. Чол уларни йиғиш билан шуғулланмас экан. У тошлар чолга керак эмас, у тарки дунё қилган экан. Аммо денгизчиларнинг қайтишига анча тош йиғиб қўйишга ваъда қилган. Қайтишда эса денгизчиларнинг у ерга кириш имкониятлари бўлмаган.

Беруний бу ҳикоядан илмий хулоса чиқаради. Унинг фикрича, ариқнинг боши ёқут конларига эга тоғларда бўлса керак (с. 45).

Беруний «Минералогия» китобида адабий ҳаётга оид кўп қизиқарли воқеаларни ҳам ҳикоя қилади.

Шу жиҳатдан Ҳорун ар-Рашид ва унинг гўзал канизаги Холиса тўғрисидаги ҳикоя ва вазир Убайдулла билан шоир Али ибн Бассом ўртасида юз берган воқеалар тасвири гоёт мароқлидир.

Ҳорун ар-Рашиднинг бошқалар ҳеч баробар бўла олмайдиган гўзал канизаси бор эди. Рашид ҳар сафар қимматбаҳо жавоҳирларни ўз канизакларига бахш этганда Холиса ўз ҳиссасини унга қайтариб юборар эди. Рашид бундан қаттиқ аччиғланган. Бир куни Рашид канизакларига жавоҳирлар бағишлаганда ҳаммалари ўз ҳиссаларини олганлар, лекин Холиса ҳеч нарса олмаган. Рашид ундан, дугоналаринг қатори нега сен ҳам бу совғалардан тилаб олмадинг, деб сўраган. Агар танлаган нарсам меники бўладиган бўлса оламан деб жавоб берган канизак. Сўнгра Рашиднинг ёнига келиб унинг қўлидан тутган ва мана дунёдаги жавоҳирлар ичида менинг танлаганим, деган. Рашид ғоят хурсанд бўлиб кўп лутфу марҳаматлар кўрсатган, кўп мукофот ва совғалар иноят этган. Бир куни Абу Нувосга аталган бир совға кечикканда шоир қуйидаги шеърни ёзган:

Менинг шеърларим сизнинг ўшигингизда йўқолди
Марварид Холисада йўқолиб кетгани каби.

Холиса бу шеърдан огоҳ бўлиб ар-Рашидга шикоят қилган. У шоирни чақириб, эй ахлоқсиз, сени нима бунга мажбур қилди, деб сўраган. Шоир дарҳол жавоб бериб деган: «Бу кўчирувчининг хатосидир. У «ҳамза»нинг ўрнига «айн» ёзибди» (зое — йўқолмоқ, зоа — ярқираб беамоқ). Ҳорун ар-Рашид бунга ишонгандек бўлган. Шу билан ўзининг баланд ҳимматини намоён қилган, ҳамда канизакнинг шикоятини қондирган.

Беруний айтадики, ар-Рашид шеърятни жуда нозик тушунар эди. У шеърнинг чин моҳиятини албатта англаган (с. 56).

Берунийнинг хабар беришича, Умар ибн ал-Хаттоб ҳам шундай иш қилган эди. У шоир ал-Хутайбани қабила бошлиғи Зибриқоннинг хуружларидан сақлаб қолган. Шоир Зибриқонни ҳажв қилиб шеър ёзган экан. Умар шоирнинг тилини совға ва мукофотлар билан «кесиш»ни

таклиф қилиб, уларни яраштирмоқчи бўлган. Беруний ёзадики, кўп халифалар шоирларга меҳрибон бўлганлар, шоирларнинг уларга алоқадор бўлмаган «водийлар»да тенгирашлари ва йўл қўйган нуқсонларига ортиқча аҳамият бермаганлар.

Халифа Муътадиднинг вазири Убайдулло билан шоир Али ибн Бассом ўртасида бўлиб ўтган низолар бунга яққол мисол бўла олади.

Вазир Убайдуллонинг икки ўғли бўлган. Шулардан бири вафот қилган. Шундан Али ибн Бассом бир марсия ёзган. Унинг мазмуни қуйидагича:

Қайғудан титрамоқда бўлган Абулқосимга айтгин:

Тақдир сени ажойиб бир ҳолатда учратди,

Зебу-эйнанинг бўлмиш ўғлинг қафо қилди.

Нуқсонли ва айблиси эса барҳаётдир.

Бунисининг тириклиги-ю, унисининг ўликлиги (баробардир).

(Шундай қилиб) сен (ҳали) балолардан омон топган эмассан»

(с. 55).

Убайдулло бу шеърни эшитгач, ибн Бассомни ҳузурига чақирди ва ундан қандай қилиб бу нарсани айтгансан, деб сўроқ қилади. Шоир бирор ёмонлик юз беришдан хавфсираб, ўша заҳотиёқ қуйидаги шеърни тўқиди:

Қайғудан титрамоқда бўлган Абулқосимга айтгин

Ғолибнинг қўли ҳеч қачон ўлимга бас келолмайди,

У қандай ҳокимиятга эга бўлса ҳам

Унинг бошига тушган кулфат балоларнинг энг каттасидир.

Ўлим сендан ўзиб кетди.

Сен билан барча мушкулотларнинг оғирлигини баробар

кўтарадиган (одамининг тортиб олди) (с. 55).

Ибн Бассом, деб ёзади Беруний, аввал ибн ал-Муътазанинг Убайдуллога таскин бериб ёзган шеърига назира қилган эди:

Ибн-ал-Муътазз бундай деб ёзган экан:

Вазирга айтгин. «Тақдир ва унинг гардиши шундайдир, Инсонга бир муҳлат берилган, у ўшанга боради.

Тақдир тақсиротда унга ноҳақ бўлди, Абул-Хусайнни қолдириб, ўзи ўса ютди.

Чунки мурувватли Абу Муҳаммад унинг ўлжаси бўлди, Мард кишининг ўнг қўли икки қўлининг энг афзалидир.

Беруний бу воқеани ҳикоя қилишда давом этиб ёзади: Али ибн Бассом вазир ҳузуридан эсон-омон чиқиб олгач, яна унинг ёмон табиати устун чиқди. Шунинг тазйиқида у яна ўша ҳақоратни такрорлаб бундай деб ёзди:

Вазирга бориб мени чаққин,

Ҳайқириб айт. «Эй, икки қатла наҳсда қолган

Мурувватли авлод ўлди.

Наҳс авлод Абулхусайн тирик қолди.

Эй сен, қалби қаттиқ.

Эй сен, қайғудан кўзлари чўғ бўлиб кетган,

Бунинг барҳаётлиги унинг ўлими билан баробардир.

(Шунинг учун) қўлларингни бошинга ур, ўзингни ур (с.57).

Берунийнинг гувоҳлик беришича, бу шеърлар кўпчилик ўртасида ёйилиб кетган. Уни одамлар турли шароитларда бир-бирларига айтиб юрганлар, шахмат ўйнаб ўтирганда ёки бошқа ҳолатда ҳеч бир гаразсиз такрор-такрор ўқиганлар. Шу муносабат билан Беруний Ибн Бассом билан вазир Убайдулло ўртасидаги кечмишларнинг ибратли давомини ҳикоя қилади. Бу ҳикоя шеър ва сўзнинг нақадар кучли экани, уни ҳеч нарса билан енгиб бўлмаслигига бир мисолдир. Унинг қудратини энг қаттиққўл ҳокимият эгалари ҳам тан олишга мажбур бўлганлар, шоирлар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарур эканини англаганлар.

Ибн Бассомнинг вазир Убайдулло номига ёзган шеъри-ни халифа Муътадид ҳам кўплар қатори ўқиган ва ёддан билар эди. Бир куни Муътадид ўз яқинларидан бири Ибн Ҳамдун ан-Надим билан шахмат ўйнаб ўлтириб, ўзича: «Бунинг барҳаётлиги унинг ўлими билан баробардир», деган мисрани такрор-такрор ўқиган. Шу вақт вазир ал-Қосим бир иш билан халифа ҳузурига кириб қолади, ал-Муътадид эса буни сезмай ҳамон ўша мисрани ёддан ўқир эди. Ибн Ҳамдун бир йўлини қилиб унга вазирнинг келганини билдиради. Муътадид бошини кўтариб вазир-ни кўрди ва қаттиқ хижолат чекканидан қизариб кетди. Сўнг вазирга деди: «О, Абулҳусайн (Номусдан у вазир-ни ўғлининг оти билан айтди), нега сен у беҳаёнинг тили-ни кесмайсан ва шу билан ўзингни унинг ёвуз душманли-гидан сақламайсан». Ал-Қосим бу қулай имкониятдан фойдаланиб, Ибн Бассомдан қасос олиш мақсадида тез чиқиб кетди. Вазир шоирни дарҳол қидириб топишни буюрди. Ибн Ҳамдун бўлиб ўтган гаплардан шундай изтироб чекди-ки, қўллари қалтираб қолди, шахмат ўй-нашши давом эттиришга қийналди. Унинг кўнглига ибн Бассомга бир бало юз ўгиришидан қаттиқ хавотирликка тушди. Ал-Муътадид ундан, сенга нима бўлди, деб сўради:

— О, мусулмонлар ҳукмдори,— деди у, — ал-Қосим шундай душманлик, қаҳр билан шундай тўлиб кетганки, гоят даргазаб эканидан Ибн Бассомнинг тилини кесади. У одам эса энг олижаноб, юксак эътиборли шоирлардан биридир. Унинг бошига тушган бундай азобни мусулмон-лар сендан кўрадилар, сени айблайдилар. Халифа ал-Қосимни чақиртирди ва ундан ибн Бассомни жозалаш учун нима чора кўрдинг, деб сўради. Мен Мунисга буюр-димки, уни олдириб келиб тилини кессин, деб жавоб бера-ди вазир. Халифа деди: «Биз сенга унга яхшилик қилгин, унга мукофот бериб, ҳурматли муомалада бўлгин, токим, у сени ҳажв қилишдан тўхтаб, мадҳ қилишга ўтсин, деб буюрган эдик-ку». «О мусулмонлар ҳукмрони,— деди ва-зир,— агар сен уни яхшироқ билганингда, унинг сўзлари»

ни ўқиб тинглаганинда, сен унинг тилини кесиш кераклигини тушунар эдинг». Ал-Муътадид вазирнинг нимага ишора қилаётганини англади ва деди: «Худди шу туфайли кўлни йўқ қилиб ташлашга буюрганмиз. Сен буюргинки, шоирни олиб келсинлар ва унга уч юз динар бергин. Бу биз учун бирор бошқа чорадан кўра фойдалироқдир». Вазир халифанинг буйруғини бажарди: шоирга инъомлар берди ва уни Саймара ўлкасининг алоқа ишларига мутасадди қилиб тайинлади. Ибн Бассом у ерда Ал-Муътадид ҳукмронлигининг охиригача турди.

Ал-Қосим ишорасининг асоси бундай эди: Муътадид бир кўл қаздириб, атрофини боғ қилдирди. Бу иншоотга олтмиш минг динар сарф қилинди. Халифа ўша ерда ўзининг канизақлари билан маишат қилар эди. Уларнинг ичидан энг халифага ёқимлиси Зурайра деган канизақ бўлган.

Ибн Бассом халифанинг бу ишлари тўғрисида бундай ёзган эди:

Одамлар кўлни ёлғиз қолдирдилар,

У ўша ерда беркинди

Ўлтириб олиб у Зурайранинг

.....дўмбира қилиб чалмоқда.

Бу гап Муътадидга бориб етганида халифа у ерда бино қилинган барча нарсаларни бузиб ташлашни буюрди.

Бу ҳикоя туфайли биз сарой шоирларининг аянч аҳзалидан огоҳ бўламиз. Ҳар дақиқа улар ҳаётдан жудо бўлишлари мумкин эди. Уларнинг боши узра ҳукмронлар қиличи яланғочланиб, кесишга тайёр турар эди. Биз уларга нисбатан қулланиладиган мудҳиш жазодан — тилни кесишдан хабардор бўламиз. Ибн Бассомга ўхшаш юксак истеъдодли, жасур, ҳақиқатгўй шоирлар ана шундай шароитда ҳам қалб овозларини барала янграганлар, ҳукмрон синф вакиллариши аёвсиз ҳажв остига олганлар. Халифа ва вазирлар ҳам улардан ҳайиққанлар, уларнинг фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлар. Чунки

ундай ҳақиқатгўй шоирларнинг халқ ўртасида эътибори баланд бўлган. Ибн Хамдуннинг Муътадидга айтган сўзи бунинг исботидир. У Ибн Бассомнинг тили кесилса, мусулмонлар уни сендан кўрадилар, деб огоҳлантиргач, халифа вазирга тамомила тескари буйруқ беришга мажбур бўлди. Бўлмаса халифанинг ўзи ҳам Зурайра тўғрисидаги ҳажв туфайли шоирдан норози эди.

Бу ҳикояни Беруний тасодифан, шунчаки, ўқувчига ҳордиқ бериш учун келтираётгани йўқ. Беруний шеърий сўзнинг таъсир кучи нақадар баланд эканини, ростгўй шоирнинг жамият ҳаётида қанчалик катта ўрин тутишини кўрсатмоқчи. Шу билан бирга у шоирнинг ҳаёти ҳукмроннинг қай кайфиятда бўлишига боғлиқ эканини билдириб, феодал гуруҳлар билан илғор фикрли ижод аҳли ўртасидаги зиддиятни намойиш этмоқда.

«Минералогия» китобида шеърий парчаларнинг келтирилиши сабабини Беруний тўппа-тўғри изоҳлаб беради. У бизнинг мақсадимиз арабларда бор нарсалар ва арабларнинг шеъриятини кўрсатишдир, деб ёзади. (с. 143.) Демак, Беруний бу китобда шеърий парчалар келтирар экан, улардан фақат маълум ҳолларни изоҳлаш мақсадинигина эмас, балки, умуман, ўша даврдаги ёки ундан олдинроқ араб тилида мавжуд бўлган шеърият тўғрисида ўқувчида тасаввур тугдириш вазифасини ҳам ўз олдига қўйган.

Фақат дур ва унинг хусусиятлари бобида қирқ битта шеърий парча бор. Бобнинг ўзи эса таржимада 13 саҳифага яқин, холос.

Намли дурнинг суви тўғрисидаги бобда йигирмата шеърий парча бор. 4,5 саҳифали бу кичик бир бобда олмиш икки мисра шеър келтирилган. Беруний «Дурлар тўғрисидаги ҳикоялар» бобига ҳам кўпгина шеърий парчаларни киритган. Улар бир томондан дур, фарид, аррикоз каби қимматбаҳо тошлар, уларнинг сифатларини таъриф этса, иккинчи томондан ўша сифат ва таъриф орқали шоирнинг замонага, ундаги ноҳақликларга, ному-

носиб шахсларнинг кўтарилиши, ҳақиқий фазилат эгаси бўлган инсонларнинг камситилиши, хўрланишини ифода этади.

Масалан, ар-Румийнинг қуйидаги шеърини кўрайлик:

Тарозу паллаларига вазн солиб қайғуга тўлдим,
Майда ва номуносиб шахслар гоҳ пастга тушадилар, гоҳ
кўтариладилар, салмоқлари ортади.
Аммо дур тарозуда пастга тушганда
У билан билангузукнинг юқори қисмини безайдилар (с. 143).

Ибн ал-Муътазз эса бундай деб ёзган:

Дурру, гавҳар денгизнинг тубига чўкади,
Кўпик ва шупридилар юқорисиде юради.
Зангори гирдоблар остидан албатта гавҳарни истаб топиб
оладилар.
Сўнгра у тожларда
Буюк шоҳларнинг бошидан ўрин олади (с. 143).

Бу шеърлардаги чуқур ижтимоий мазмун Берунийнинг эътиборини ўзига жалб этган. Буюк олимнинг бирор сўзи, бирор ишораси тасодифан бўлмайди. Убайдулло ибн Абдулло ибн Тоҳир деган шоир бир қобик ичида икки сифатга эга бўлган тошларнинг бўлишига киноя қилиб ёзган экан:

Бир қобикда гоҳе икки гавҳарни топадилар,
Билган одам ҳақиқий гавҳарни танлаб олади.
Бирин шундай-ки, унинг баҳоси ҳеч қачон қолмайди,
Синглисининг баҳоси эса қобикнинг баҳосидан паст туради
(с. 144).

Берунийнинг «Етим» деб аталган гавҳар тўғрисидаги ҳикояси ҳукмронларнинг бойлик, давлат йиғиш йўлида қандай жиноятларга боришини очиқ кўрсатувчи бир тари-

хий далилдир. «Етим»ни халифа Ҳишом ибн Абду-Малик ҳузурига олиб келганларида унинг хотини Абда (Абдулла ибн Язид ибн Муовиянинг қизи) бор эди. Абда шу қадар семиз бўлганки, у ўриндан ўзи туролмас эди. Ҳишом Абдага қараб, агар ўзинг бировнинг ёрдамисиз ўрнингдан турсанг, ушбу гавҳар сеники бўлади, деган. Абда қаттиқ ҳаракат қилиб ўрnidан кўзгалган, аммо юз тубан йиқилиб бурнидан қон кетган. Ҳишом ўзи уни яхшилаб артиб ювган, сўнг унга гавҳарни тортиқ этган. «Етим»нинг вазни уч мисқол бўлган, ўзи яхши сифатли: юмалоқ, тоза, ярқираган, сувнинг кўплигидан намли бўлган. Уни етмиш минг динорга сотиб олишган эди. Уммовийлар ҳокимияти йиқитилгандан сўнг енгиб чиққан аббосийлар сулоласининг вакили Али ибн Абдулла уммовийларнинг охириги халифаси Марвон ибн Муҳаммаддан гаравларни олиш учун борганда унга Абданинг қўлида «Етим» гавҳари ва яна икки исирганинг борлигини билдирганлар. У Абдани чақириб ушаларни топширишни талаб қилган. «Агар уларни топширсам, сен яна мендан бирор бошқа нарса талаб қилмайсанми?»—деб сўраган Абда. «Йўқ»,—деб жавоб берган Али ибн Абдаллаҳ. Абда ёнида олиб юрган бу қимматбаҳо тошларни чиқариб унга берган. «Кўнглингга ёққан жойни танла, мен сени у ерда яхшилаб жойлаштириб қўяман»,—деган ибн Абдаллаҳ. Абда Сириядаги бир жойни айтган. Уни уша ерга жўнатганлар. Сўнг ибн Абдулла ас-Саффаҳ бу ишлардан хабардор бўлиб қолиб Абдани сўроқ қилиши мумкин, деб хавотирланган. У Абданинг ортидан қобуллик бир қўлни жўнатган. Хўжайинининг буйруғига кўра у қўл Абдани йўлда тутиб бир чеккага олиб чиққан ва у ерда сўйиб ўлдирган (с. 144). Беруний кўпгина воқеаларни ҳикоя тарзида келтиради, улардан ибратомуз хулосалар қилади. У келтирган ҳикояларга асос бўлган ҳодисаларнинг кўпи тарихий шахслар, жойлар, ишлар билан боғлиқ. Шулар қатори олим айрим масаломуз ҳикоялар ҳам келтирган. Улар, албатта, халқ ижоди ёки ёзма бадий ижод намуна-

сидир. Бу борада қушча ва овчи масали ғоят мароқ-лидир.

Бир киши кичик қушчани тутиб олди. Қушча ундан сўрайди: «Мени нима қилмоқчисан?» У жавоб берди: «Сўйиб-пишириб емоқчиман». Қушча айтди: «Мени еганинг билан барибир қорниги тўймайди, чунки ярим марта ютумингга ҳам кифоя қилмайман. Агар мени қўйиб юборишга ваъда қилсанг, сенга уч маслаҳат айтар эдим. Уларга риюя қилсанг, ўзингга кўп наф етади». У одам оллоҳ номини тилга олиб ваъда берди ва, нима маслаҳат бермоқчисан, айт, деди. «Ўтиб кетган ишга ўкинма, етишиш мумкин бўлмаган нарсага интилма, бўлмайдиган нарсага ишонма». Овчи қушчани қўйиб юборди. Қушча девор устига бориб қўнди ва овчига деди: «Агар сен кўзлаган мақсадингни амалга ошириб, мени сўйиб еганингда, менинг ичимдан каптарнинг тухумидек гавҳар топар эдинг», деди. У одам ўзи қилган ишидан пушаймон бўлиб яна қушчани қайтариб чақирди, менга қайтиб келгин, сенга тозаланган кунжут билан совуқ сув ҳозирлаб қўйибман, деди. Қушча айтди: «Эй инсон, сен мени сўйиб емадинг, менинг маслаҳатларимга амал қилмадинг, энди эса мени қўлдан чиқариб юборганингга афсусланмоқдасан ва қайтариб тутмоқчисан, аммо мени энди тутолмайсан. Мен ўзим каптарнинг тухумидек келаману, қандай қилиб менинг қорнимга ўзимдан катта нарса сиғиши мумкин?» Шу сўзларни айтиб, қушча у одам билан видолашди ва учиб кетди. «Зумрад»га бағишланган бобда Беруний зумрад тўғрисидаги турли воқеалар ва афсоналарни келтирган. Бу боб «Зумрад тўғрисидаги ҳикоялар», деб аталади. Бу ерда Беруний турли хил афсоналарнинг хаёлий уйдирмалар экани тўғрисида сўзлайди. Шундай афсоналардан бири Зулқарнайнга оиддир. Гуё Зулқарнай қоронғилиқ мамлакатига кирганида отларнинг туёқлари қандайдир тошларга урилиб, ундан қаттиқ садолар чиқар экан. У ўз ҳамроҳларига дебди: Бу тошлар уларни олганларга ҳам, олмаганларга ҳам пушаймонлик келтиради.

Баъзилар тошлардан олишипти, баъзилар олишмапти. Сафар ниҳоясига етиб одамлар ёруғлиққа чиқишганда қарашса, у тошлар зумрадлар экан. Олганлар кўпроқ олмаганларига пушаймон бўлишипти, олмаганлар ололмаганларига афсус еб қолишибди. Шунга асосан гўё зумрад, забаржадлар қоронгилик мамлакатида бўлади. Ҳозир одамларнинг қўлида бор зумрадлар ўша ердан олиб чиқилган тошларнинг сақланиб қолганларидир, шунинг учун уларнинг нархи оша боради, чунки бори ҳам тамом бўлган деган ишонч бор экан. Беруний бу гапларнинг бари уйдирма эканини таъкидлайди. Бутун ер юзёда тўла қоронгилик бўладиган бирорта ҳам ер йўқ, деб ёзади Беруний, фақат тўрт томони ва усти берк жойгина бундан истиснодир. Фақат Қутб юлдузи остида қоронгилик олти ой давом этади, сўнгра доимий кундуз бошланади. Ҳаётим номига қасамёд қилиб айтаманки, дейди Беруний, фақат Зумрадни қоронгиликда топиш мумкин дейилса, зумрад қазиб олинадиган конларнигина кўзда тутиш мумкин, уларда чироғсиз ишлаб бўлмайди (с. 156).

Қоронгилик мамлакати тўғрисидаги ёлгон гапларни танқид қилиб ўлтириш беҳудага вақт сарф қилишдир. Яна шундай афсоналар тўқишганки, гўё зумрадга қараса заҳарли илонларнинг кўзи оқиб тушар эмиш. Абу Саид ал Ғанимий деган шоир ҳатто ёзган экан:

Сой сувлари айланиб-айланиб оқади,

Ейилмаган зумрад ўсимликлар устидан ўтади.

У (гўё) зумрадга дуч келиб кўзи ва назарини

Йўқотишдан қўрққан илонга ўхшаб букилади (с. 156).

Беруний бу гапларни уйдирмалар сифатида рад қилади. У жуда кўп тажрибалар орқали шундай хулосага келганини билдиради. Ониксга бағишланган бобда Беруний кўпгина шеърӣ парчалар орқали оникс ҳақидаги афсонанинг беҳуда эканини исботлашга ҳаракат қилади. Ямanning Зафар деган шаҳрида Тубба сулоласидан чиққан подшоҳлар ҳукмронлик қилар экан. Уларнинг бири ҳузурӣ-

га бошқа элдан элчи келган. Подшоҳ баланд тахтда ўлтирган экан. У элчини ўлтиришга таклиф қилиб хамярит тилида «сиб», яъни «ўлтир», деган. Элчи эса «ўзингни ташла» деб тушунган. Чунки «сиб» араб тилида «сакра» маъносини англатар эди. Элчи юқоридан пастга ўзини ташлаган ва ҳалок бўлган. Шунинг учун Зафарга келганлар хамярит тилида сўзлашишлари керак, дейилади. Беруний бу ҳақда ўз фикрини билдириб ёзадики, агар кимки, Зафарда подшоҳлик қиладиган бўлса, ҳар бир киши билан у тушунадиган тилда сўзлашсин. Яман подшоҳлари ониксда ёмонлиқ белгисини кўрганлар деган ақидани Беруний рад қилади. Унинг фикрича, бу нарса ҳақиқат бўлса у кенг ёйилиб кетган бўлар эди. Бу нарсанинг исботи учун Беруний шеърлардан кенг фойдаланади:

Шоир Ал — Мураққиш ониксни барча безак бўладиган жавоҳирлар қаторида келтирган:

Улар (аёллар) ёқут, олтин безаклар олтин парчалар билан,
Зафарий оникси ва ҳамшира гавҳарлар билан безаганлар. (с. 165).

Убайдулло ибн Қайс ар-Руқайёт ёзган:

Еиз туфайли гавҳар, тақинчоқ, маржон ва оникс эгаси
бўлганларнинг онаси хижолат чекади (с. 165).

Бошқа бир шоир эса:

Нил юқорига оқади, майда
Зафар оникси шағаллари устидан (с. 165),—

деб ёзган.

Шу мақсадга хизмат қилувчи бир шеърни келтирар экан, Беруний уни муфассал таҳлил қилади. Одатдаги каби бу ҳам шеърнинг тула шарҳи, талқинидир.

Кинд қабиласининг шаҳзодаларидан бири Имрул-Қайс бундай деб ёзган:

Бизнинг чедиримиз атрофидаги ёввойи ҳайвонларнинг кўзлари,
Бизнинг юк ертилган уловларимизнинг кўзлари худди
тешилмаган оникс кабидир (с. 166).

Бу мисраларни Беруний қуйидагича таҳлил қилади:
шөир ёввойи ҳайвонларнинг кўзини уларда қоранинг ат-
рофини ўраб турган оқлиқ бор учун ониксга ўхшатган.
Бу оқлиқ кўзнинг (пахтасини) ағдариб кўрганда ёки таҳ-
ликали ҳаяжон пайтида кўзнинг органида ёки ўлгандан
кейин пайдо бўлади. Оникс улардан фақат тешилганлиги
билан фарқ қилади, кўзнинг пахтаси эса тешилган бўл-
майди. Тақинчоққа ишлатиладиган оникс ёмон сифатлиси-
дир. Унда қора ранг кўпроқ бўлади. Уни ипга тортиш
учун тешадилар. Узукка ишлатиладигани эса яхшисидир.
У табиатан тоза бўлади ва тешилган бўлмайди. Шоир бу
ерда ана шу яхши навли ониксга ишора қилмоқда.

Шеърнинг туб моҳияти бундайдир: ёввойи ҳайвонлар-
нинг кўзлари тақинчоққа терилмайдиган, аммо алоҳида
учрайдиган, тешиги йўқлиги учун ипга тортиб бўлмай-
диган қўш ониксга ўхшатишмоқда. Кўриниб турибдики,
Беруний шеърнинг маъносини ниҳоятда аниқ ва нозик
тушунади ва худди шундай тарзда уни ўқувчига шарҳлаб
бермоқда.

Шундан сўнг Беруний араб филологи Абу Аҳмад ал-
Асқарийга мурожаат қилиб, унинг айтган сўзлари орқали
шеърятнинг айрим қоидаларини таъриф ва таҳлил қи-
лишга ўтади. Шеърятда кучайтириш,— деб ёзади у,
шундан иборатки, шоир ўз фикрини қофияланадиган сўз-
га етмасдан олдин тўласича ифода этади, шундан кейин-
гина у ифодага қофияланувчи сўзни қиритади. Ана шунда
қофия шеърга алоҳида гўзаллик бағишлайди. Имрул-Қайс
ўз шеърда худди шундай қилган. У қофия қилиб «те-
шилган» сўзини олган. Бу шеърнинг гўзаллигини Беруний
бағоят завқ билан лутф тушириб тешилмаган оникснинг
гўзаллигига ўхшатади. Беруний Имрул-Қайснинг яна бир
шеърини келтиради:

Бизга бир одам яқинлашди ва хурсандлик хабари келтирди.
Деди: «Яхши озуқа билан боқмайсизми?
«Мен саҳрода ўтлаб юрган уч нарсани кўрдим»,
Ипга терилмаган ониксга ўхшаганлар танҳо шулардир» (с. 166).

Бу шеърда ўтлаб юрган жониворларнинг ташқи кўри-
ниши тешилмаган ониксга ўхшатилади.

Беруний кўзнинг қоралигини, унинг оқиш ранг билан
қамралганини бир шоир бундай деб ифода этганини бил-
диради:

Бизнинг қушиқчи аёл кўзларини шундай ўйнатади-ки,
Гуё икки гавҳар устида оникс доиралари бордек туюлади.

Беруний бу шеърни шарҳ этиб ёзади: аммо у шоир
оқиш рангни гавҳарлар билан боғлайди, кўзларнинг ўзи
эса ҳаво ранг эканини билдиради. Демак, уларни ониксга
ўхшатар экан, шоир фақат кўз қорачиғининг нуқтасини
ва кўз гавҳарининг кўриниб турган қисмини тасвирлайди.
Чунки одатда оникс қора рангни ифодалаш учун фойдала-
нилади. Берунийнинг шеърни бу қадар синчиклаб таҳлил
этиши, унинг ҳар бир мисра мазмунини чинакам олимона
фаҳмлаши бадииятни ғоятда нозик ва аниқ тушуниб ён-
дашгани ва шундай изоҳлашга ҳаракат қилганидан бир
мисолдир.

Яна бир мисол. Ас-Санобарий ўз севгилисини таъриф-
лаб ёзган:

Оникс, ёқут ва гавҳар
Сенинг кўзларинг, бетларинг ва тишларингдир (с. 167).

Беруний худди шу ерда яна Лабид, Ал-Фараздақ, Им-
рул-Қайс, Абу Амр ат-Тоий каби шоирларнинг оникс
туғрисида уни сифатлаб ёзган шеърларидан жуда ўринли
мисоллар келтиради.

Беруний Абу-т-Тимҳон деган шоирнинг шеърини кел-

тириб, ундаги ноаниқликни танқид қилади. У шеър бундай эди:

Уларнинг асилзодалиги, уларнинг чеҳраси шундай нур
таратади-ки,
Тун қоронғулиғини ёритди, ониксни ташувчи уни ипга
терса мумкин бўлди (167).

Берунийнинг фикрича, бу шеър асосида оникс оқ ва қора чизиқларга эга деган тасаввур туғилади. Шу туйғайли ундаги оқ чизиқлар ва кундуз равшанлиги бирлашиб, уни кўриб бўлмайдиган қилиб қўядилар. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ониксни кундузи ҳам, кечаси ҳам кўриб бўлмайди. Ваҳоланки, уни одатда кундуз кунни топадилар. Демак, бу шеърда ҳеч қандай маъно ва ҳеч қандай фойда йўқ.

У бу ерда фақат оникснинг сифати юзасидан баҳслашмаётган бўлса керак. Олим умуман асилзодалик, наслу насабни улуғлашни ёмон кўрар эди. Бу ҳақда биз юқорида қатор мисоллар келтириб ўтдик. Беруний бу шеърнинг туб моҳиятида ётган асл-насабни улуғлашни қатъиян рад этмоқда. Олим ўз фикрида давом этиб, яна бундай дейди: Абу-т-Тимҳон эса тун қоронғусида ипга териш қийинлигини кўзда тутди. Аммо ярим бўлган ой чиққандан сўнг бу мушкуллик йўқолади. Олим бу тўғрида ёзилган бир қофияланган насрдан мисол келтириб, ўз фикрини тасдиқлайди:

(Ой чиққанининг) еттинчи кунни
Ониксни ипга терабер (с. 168).

Шу билан у ой чиқа бошлагандан сўнг еттинчи кечада ониксни ипга териш учун унинг тешикчаларини кўриш мумкин бўлади.

Келтирилган мисоллардан маълум бўлиб турибдики, Беруний илмий ва амалий хулосаларни шеърый мисоллар-

дан жуда ўринли фойдаланиб таърифлайди. Шу билан бирга, у шеърий мисолларни юксак маҳорат билан таҳлил қилади.

Берунийнинг бу тажрибаси уша даврда шеърий ижоднинг катта аҳамиятга молик бўлганидан дарак беради. Шеърда баён қилинган ҳар бир ҳолат шунчалик ҳаёт ҳақиқатига мос келиши керакки, улар ҳатто тайёр ҳужжат сифатида қабул қилинар эди. Шундай бўлмаган шеърни Беруний қандай танқид қилганини кўриб ўтдик.

Тоғ хрустали — биллурнинг таърифини бошлаганда Беруний ҳақиқий тилшунос ва адабиётшунос сифатида сўзлайди. Биллурнинг яна бир номи маҳо деб аталган. Олим бу сўзнинг келиб чиқишини муфассал изоҳлайди. Бу сўзнинг илдизи маъ (сув) билан боғлиқ, чунки тоғ хрустали ўзининг тозалиги ва ярқироқлиги билан сувга ўхшашдир. Ундан (феъл сўзи) «маввахта аш-шайа» «(бу) нарсага унда йўқ бўлган намлик ва ярқираш бағишладинг», деган сифатловчи жумла тузиш мумкин. Бошқа бир талқин бўйича маҳо мураккаб сўз бўлиб, у маъ (сув) ва ҳаво сўзларидан келиб чиққан. Улар ҳаётнинг икки асосидир. Тоғ хрустали — биллур эса ўзининг рангсизлиги жиҳатидан уларга монанддир. Бу фикрнинг исботи учун Беруний тўртта шеърий парча келтиради. Улар ас-Соҳиб, Абу-л-фазл аш-Шукрий, ибн-ал-Муътазз ва номи айтилмаган яна бир шоир қаламига мансубдир. Шулардан бирини қуйида келтирамиз.

Ас-Соҳиб бундай деб ёзган:

Тоза ва тиниқ идиш (каби), ундаги шароб ҳам тоза ва тиниқ,
Улар бир-бирига шу қадар ўхшаш ва яқин-ки,
Худди шароб идишсиздек туйилади
Ёки идиш шаробсиз каби кўринади (с. 169).

Ана шундай мисоллар орқали олим биллурнинг ранги қандай эканини тасвирлайди.

Беруний ёзишича, биллур қотиб қолган сувдир. У

дастлабки ҳолатида оқар сув бўлган. Ҳайвонлар ва ўсимликлар тошга айланиб қоладиган бўлгандан кейин, бунга ажабланмаса ҳам бўлади, деб ёзади Беруний. Яна шу фикрнинг тасдиқи учун шеърӣ мисоллар келтиради:

Ат-Тириммоҳ бундай деб ёзган:

Бизда ҳозир тош каби қаттиқ бўлган ҳокимият бир маҳаллар

юмшоқ эди.

(Чунки) самимият ва юмшоқликка асосланган аҳд ҳақиқӣ

аҳддир (с. 177).

Бу ерда шоир табиат кўринишларини эмас, балки ижтимоӣ ҳаёт лавҳаларини кўзда тутди. Аммо ҳар қандай юмшоқ ҳокимият ҳам бир кун бориб тош каби қаттиқ ҳокимиятга айланиб кетишига ишора қилади. Худди шундай жараён биллурда ҳам воқеидир. Бу ҳолни ал-Ажжож янада аниқроқ кўрсатган:

Бу энг қадимӣ даврларда бўлган эди,

Унда қоялар епишқоқ лой каби ҳул эдилар (с. 177).

Беруний Бозизаҳр бобида ибратли бир ҳикояни келтиради. Бу ҳикоя ёлғончиликни қоралайди, тадбиркорликни улуғлайди. Ёлғончилик қилиб қўлга тушган одам тадбиркорлик билан қутулиб қолган. Тадбиркор шоҳ эса бир умр ўзининг оқилона мўлжалини ҳеч кимга билдирмай ўтган. Берунийнинг хабар беришича, бу воқеа фақат ўша подшоҳнинг вафотидан кейингина маълум бўлган. Бу воқеа қуйидагича эди:

Вашмгирга ёлғончи одам бир тошни келтирган. У бунга базизаҳр деб шоҳга тақдим этган ва инъом кутган. Шоҳ деган: «Агар бу ҳақиқатан заҳар таъсирини йўқотадиган бўлса, ҳар иккаласини сенга ичириб кўраман, агар айтганинг тўғри чиқса, катта инъомлар совға қиламан». «Хўп», деган ёлғончи ва уни танҳо қабул қилишни шоҳдан сўраган. Улар ёлғиз қолгач, у шоҳга айтган: «Мен бу

ишни шайтон йўлдан оздириб қилган эдим, мени қўлга туширдинг, агар хоҳласанг, сенга бир маслаҳат берайин, лозим топсанг қабул қиларсан». «Қандай маслаҳат?»— деб сўради Вашмғир. «Душманлар шоҳларга қарши ҳар хил ҳийлалар қиладилар. Пулга сотилган яқинларнинг қўли билан шоҳларни ўлдирмоқчи бўладилар. Агар сенинг қўлингда заҳардан сақлайдиган дори борлиги, у сенга заҳар таъсирини ўтказмаслиги туғрисида хабар ёйилса, сен душманларнинг қасдидан, яқинларингнинг макридан омон бўласан. Заҳар ёки заҳарга ўхшаш бир нарса тайёрлагин, уни менга ичиргин, кетидан бу тош солинган ичимликни бергин, менга инъом сифатда чопон кийгизгин, токим менинг гапим тасдиқ бўлсин. Шундан сўнг махфий равишда мендан чопон ва совғаларни қайтариб олгин-да, мен олоҳнинг қарғиши остида ёниб турган дўзах олови сари йўл олайин»,— деди у одам. «Сен менга кўрсатган беҳурматлигинг учун жазога сазоворсан, ammo келтирган тошинг учун эмас, берган маслаҳатинг учун сенга яхшилик кўрсатиш мумкин»,— деди Вашмғир. Шоҳ ўша ёлғончининг айтганини қилди ва унга чопон ва совғалар бериб жўнатди.

Мароқли ҳикоялар ва мулоҳазалар «Минералогия» китобининг «Ҳажари лил матар» — («Ёмғир ёғдирувчи тошлар») туғрисидаги бобида ҳам кўплаб учрайди. Беруний шундай хусусиятга эга деб овоза бўлган тошлар туғрисида сузлайди, у афсоналарнинг уйдирма эканини тажриба ва назариядан олинган хулосалар билан исботлайди.

Турклар мамлакатида қарлуқ ва печенеглар яшайдиган ўлкаларда бир тоғ оралиги бор эканки, у ердан қушин ёки пода ўтганда, уловнинг туёғини кигиз билан боғланар экан, акс ҳолда уловнинг туёғи йўлдаги тошларга тегиб қора чанг кутарилар ва ёмғир ёга бошлар экан. Яна дейдиларки, одам қўлига бу тошни олиб сувга тушса ёки бу тошни оғзига солиб қўли билан ҳар хил ҳаракатлар қилса, ёмғир ёга бошлар эмиш.

Беруний унинг ҳузурига бир турк келгани ва шундай тошни келтирганини ҳикоя қилади. «Сен бу тош ёрдами билан ёмғир ёғмайдиган пайтда ёмғир ёғдира олсанг ёки ёмғир мавсумида кўзда тутилмаган фурсатда ёмғирни чақира олсанг, сенинг сураганингни ҳатто ортиғи билан, инъом этаман»,— дейди Беруний. У одам тошни сувга солиб сувни кўкка соча бошлади, бу ҳаракатларни у турли қийқириқ ва дуолар билан кузатар эди. Ўша одам сочган сувлар ерга қайтиб тушди-ю, аммо ҳеч қандай ёмғир ёгани йўқ. Беруний айтадики, шунга қарамай бу тошнинг кучига ишонч шундай кенг ёйилганки, одамлар эмас, ҳатто айрим ўқимишли кишилар ҳам унга ишонадилар. Ҳозир бўлган кишилардан бири: «Бу восита фақат турклар мамлакатада юз бериши мумкин. У ернинг шароити буни тақозо қилади»,— деди. Ҳатто, у Табаристонда бир ақида борлигини айтди. Эмиш, Табаристонда тоғ чўққиларида саримсоқ пиёзни туйсалар дарҳол ёмғир ёға бошлар эмиш. Ёки, агар одамлар ва ҳайвонларнинг кўп қонлари тўкилса сўнгидан ёмғир ёғар, қонларни ер юзидан ювар ва ерни ўлимтиклардан тозалар эмиш (с. 206). Мисрда эса у усул билан ҳам, бошқаси билан ҳам ёмғир ёғдириш мумкин эмас.

Беруний у одамга жавоб қилиб айтган: «Тоғларнинг жойланиши, шамолнинг йўналиши, булутларнинг денгиз тарафдан қўзғалиши тўғрисида чин тасаввур пайдо бўлса, бу ҳолларни тўғри асослаш мумкин» (с. 206). Шундай қилиб, Беруний ҳар қандай уйдирмаларни рад қилади, ҳар бир ҳолатни илмий асосда изоҳлайди. Худди шу ерда Беруний яна бир афсонани келтиради ва киноя билан шарҳ қиладики, гоҳо одамлар бундай уйдирмаларни тўқиб чиқариб аниқ бир мақсадни кўзда тутадилар. Масалан, йўлни бирор ортиқча нарсдан тозалаш ва уни беҳавф қилиш. Қобилдан Ҳиндистонга қараб кетган катта йўлда Жунд ал-Каром деган жой бор. Шу ерда қамиш ва турли ўтлар ўсиб ётган водийдан юқорига кўтариладиган жойда иккита оқ тош бор экан. Кимдир йўлни шу тош-

лардан бўшатиш мақсадида гап тарқатибди: гўё, кимки катта тошни майдалаб унинг зарраларидан чой қилиб ичса ва хотинига ичказса — уларда ўғил туғилади, агар кичик тошдан шундай қилса, қиз туғилади.

Худди шундай воқеа Раъс ас-Савр деган жойдаги тоғда бўлган оқ тош билан ҳам юз берди. Одамлар уни майдалаб, ўша майда зарраларни хотинларига олиб келар эканлар. Шунда хотинлар эрларини кучлироқ севар ва бошқа эркакларни истамас эмишлар. Беруний шу тўғрида бир шоирнинг ёзган қуйидаги кинояомуз шеърини келтиради:

У қандай тошдир-ки, ётган жойида, у (одам) ўйлагани каби
Аҳмоқ эрига нафрат билан қарайдиган хотинларни мойил қилиб
қўяр эмиш.

Шиша тўғрисида ҳикоя қилганда Беруний шишанинг ҳамма нарсани кўрсатишига қодир эканини қуйидаги ғоят ўринли шеър орқали баён қилади:

Ас-Сарий ёзган:

Сенга сирни очмоқ — махфий нарсани шиша орқали кўрсатмоқ
кабидир. (с. 208).

У қаровчилар кўзидан тозани ҳам, лойқани ҳам беркитмайди.

Беруний шоирларнинг образли ифодалари, бадий тасвир воситаларини қанчалик ўринли ишлата олганлари тўғрисида жуда қизиқарли мулоҳазаларни баён этади. Шоирлар, деб ёзади у, идишни оқ деб таърифлаганларида унинг тозалигини кўзда тутганлар. Сўнг улар бу сифатлашни гавҳар ва унинг қобигига кўчирдилар. Шиша идишларнинг асосий фазилати ярқироқликдан иборат эканини унутдилар. Шиша идишларни гавҳарга ўхшатганда шуни унутмаслик керакки, улар ортидаги нарса кўринмаслиги керак. «Ўшанда ҳам жило, ранг, кўпиксимон кўринишлар гавҳарнинг ичида қолади, уни кўзи очиқлар ҳам, кўрлар ҳам кўра олмайдилар (с. 209).

Шундай қилиб, Беруний ўша шоирларнинг ўхшатишлари реал борлиқдаги ҳолатларга зид эканини кўрсатади. Олим шеърдаги ҳар бир ифоданинг ниҳоятда аниқ ва тўғри бўлишини талаб қилар эди. Оқ рангнинг хусусиятлари тўғрисида баҳс қилатуриб, Беруний Антарднинг қуйидаги шеърини таҳлил этади:

Баҳор булутларининг ҳар бири унга мўл ёмғир ёғдирди.
Ва ҳар қаттиқ ерда дирҳамдек нарсалар қолдирди (с. 209).

Беруний ёзадики, шоир ёмғир қатраларини дирҳамга ўхшатиш ниятида эмас, чунки ёмғир суви ёғилиб оқиб кетади. Яна у дирҳамнинг юмалоқлигини ҳам кўзда тутгани йўқ. У дирҳам ҳамда ёмғир томчиларининг тоза ва тиниқлигини кўрсатмоқчи. Шу туфайли уни кумушга ўхшатмоқчи ва шу мақсадда «дирҳам» сўзини ишлатган, бунда дирҳамнинг кумушдан ишланишига ишора бор. Шоирлар ана шундай усул билан маржоннинг оқлигини ёқутнинг тозалигига ўхшатадилар. Улар яна қизилликни ҳам кўп ишлатадилар. Ёқутдан ҳам тозароқ нарсалар бор-ку, ахир. Масалан, тоғ хрусталини (биллур ва шиша) ёқутга ўхшатишдан мақсад ёқутнинг қизғишлигини маржоннинг оқишлиги билан қўшиб тасвирлашдир. Чунки одамнинг чеҳрасида ҳам қизғишлик ва оқишлик бўлмаслиги яхши ҳисобланмайди. Гўзаллик қизилликдадир.

Башшор ёзган:

Кийимларингни безак қилгин,
Турли ранга бўялганда улар ажойиб тус оладилар
Қирган чоғда сен юзингни беркитгин,
Гўзаллик ниқоби билан, (чунки) гўзаллик қизилликдадир

(с. 209).

Яна бир шоир ёзган экан:

Унинг устида қизил оқ устида ғаройиб (кўринади),
Шу билан у нигоҳга хурсандлик бағишлайди,
чунки гўзаллик — қизилликдир (с. 210),

Шундай қилиб, Беруний ўз фикрларининг исботи учун уларга жуда монанд келадиган шеърини парчаларни топади. Улар олимнинг ҳар бир хулосасига мос келган бадий лавҳалар бўлиб хизмат қилади. Бунинг сабаби олимнинг ҳеч қачон ҳаёт ҳақиқатидан чекинмаганидир. У шеърдан ҳам шуни талаб қилар эди. Ҳаёт кўринишларини ростгўйлик билан аниқ кўрсатувчи илмий хулосалар ана шундай асосда яратилган бадий ижод намуналари билан қоришиб кетади. Бу тўғрида Берунийнинг ўзи бундай деб ёзган эди:

Воқеликда унга ўхшаган бирор нарсани кузатиш мумкин бўлмаган тақдирда уни у ёки бу ҳолатда тасаввур қилиш, ёки тўласича, ёки қисман тасаввур қилиш мумкин бўлмаса керак. Аммо барча қисмларини бир бутунича тасаввур қилиш, гарчи у бутунисича одатдаги ҳаётда учрамаса ҳам, мумкиндир (с. 209). Демак, агар айрим қисмлари ҳаётда мавжуд бўлса, уларни фикран йиғиб, бир бутунисича кўз олдига келтириш мумкин. Лекин ҳаётда умуман йўқ нарсани тасаввур қилиш мумкин эмас. Олим илм олдига ҳам, шеър олдига ҳам шу талабни қўяр, у ҳаёт реаллигидан чекинишга йўл қўймас эди.

Олтин тўғрисидаги бобда Беруний унинг турли тилларда турлича аталишини келтиради. Румийларда «ҳарусун» (хризос), сирияликларда «даҳаба», ҳиндларда «суварн», туркларда «алтун», форсларда «зар», арабларда «заҳаб» ва «нудир», тоза олтин эса «икён», деб юритилган.

Ишловдан олдинги ҳолатдаги олтинни «тибр» деб атаганлар. Яна олтинни «ажад» деб ҳам юритадилар. Унинг бошқа бир оти «зуҳруф»дир. Энг яхши сифатли олтин «луқт» дейилади. У катта бўлакдан иборат бўлади, оти «рикоз» («ямби — «самородок» А. Қ.)дир. У тозалиги туфайли «ибрийз» деб номланган. Ибрийз ўз салмоғини ҳамиша сақлайди, куйдирилганда озаймайди.

Абу Исҳоқ ас-Собиъ ёзган экан:

Мен уқубатлар оловида (шундай) ёндимки, сарнғлигим кучайди.
Худди ибрийз ёнганда сарғайиб тозаланган каби (с. 219).

Абу Саид ибн Дуст бундай деб ёзган:

Қари одамнинг танаси йилдан-йилга кичрайиб бораётганини
кўраман,

Аммо унинг тажрибаси ортиб бормоқда.

Худди кондан чиққан олтин (тибр) қиздирилганда салмоғи
камайса-да,

Баҳоси ошиб бораётгани сингари (с. 219).

Олтин олинадиган мамлакатларга савдогарлар бориб, маҳаллий аҳолидан олтин олиб қайтар эканлар. Беруний бу тўғрида ажойиб воқеаларни ҳикоя қилади.

Зобаҳ ва Зинж деган элларда олтин учун борган одамларнинг ҳузурига маҳаллий қабилаларнинг бошлиқлари келиб, ўзларини гаров сифатида тақдим қилар, сунг қабилла аъзолари савдогарлар олиб келган товарларни олиб кетиб, унинг эвазига тоғ ва чўллардан олтин қидириб топиб келиб, ўз бошлиқларига топширар эканлар. Улар бу олтинларни савдогарларга бергач, гаровдан озод қилинганлар. Савдогарлар меванинг данагича келадиган бу олтинларни ювиб, яна ўтда куйдириб тозалайдилар.

Беруний бир бадавий билан савдогарлар ўртасида бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қилади:

Бир бадавий зиёратчилар учун сотгани кийикни тутиб келтирган. Зиёратчилар уни сотиб олганлар. Улар бадавийдан кийикни қандай қилиб тутганини сўраганлар. У қувиб бориб, тутдим деган. Улар ишонмаганлар. Бадавий, агар яна бир бор баҳосини тўласангизлар, мен қандай қилиб тутганимни кўрсатаман, деган. Улар рози бўлганлар. Кийик қўйиб юборилган. У қочиб кетаётганида бадавий уни қувиб тутган. Кийикни топшириб, яна бир баҳосини олган. Зиёратчилар ўт ёқиб, кийикнинг гўштини пиширганлар ва халтага солиб қўйганлар. Шунда бадавий секин халтанинг ипидан тортиб олиб қочган ва сал нарироққа бориб, бу кийик тириклигида мендан икки марта қочиб қутулолмаган эди, энди қовурилиб-пиширилиб тайёр бўлган-

да мендан қутула олардими. Сизлар бадавлат кишиларсиз, худо давлатингизни яна ҳам зиёд қилсин. Менинг оилам эса оч ўлтирибди. Буни сизлардан совға қилиб олиб бораман, деб ўз тилида қўшиқ айтиб, зиёратчиларни масха-ра қила-қила жўнаб кетган.

Беруний шеърини парчалардан фақат бирор хулоса ёки мулоҳазани билдириш мақсадидагина фойдаланмайди. Унинг асарларида шеърлар турли-туман вазифаларни адо этадилар. «Қалай» сўзининг маъносини изоҳлашда олим турли шоирларнинг шеърларидан усталик билан фойдаланади. Шулар орқали Беруний ўша сўзнинг маъноларини тушунтириб беради.

Шобурқон қиличини руслар ва сақлоблар (славянлар) «қала» ёки «қал», деб атар эканлар. «Қала»да жаранг, бошқа турларда ғижиллаш эшитилар экан. Аммо баъзилар қалани жойга нисбатан берадилар. Гўё у қиличлар калах (Малайя)дан келтирилади. Қалай минерали ҳам ўша ердан келтирилади. Берунийнинг айтишича, араб шеърлятида бир нарса бадний тасвир воситаси сифатида кенг қўлланилади. Ал-Хусайн ибн ал Ҳаммом ал-Муррий бундай деб ёзган:

Биз уларнинг бошларини қаттиқ қояларга тўхтовсиз урилишга
мажбур этдик.
Қалайи Рум қиличлари уларга ёпишиб турдилар (с. 232).

Бу Шобурқон қиличларининг тавсифидир. Чунки рум-ликларда бошқа хил қилич бўлмайди.

Ал-Ажжож бундай деб ёзган:

Рум темирчилари қора темирнинг сувидан оқ қиличлар
йсадилар (с. 232).

У яна ёзган:

Улим менга яқин келганда
Қалай билан ҳалок ётаман (с. 232).

Ибн ар-Румий ёзади:

Беқарор тақдир унинг олдида
Уз қиличларидан бири қалайни яланғочлайди (с. 232).

Яна бир шоир ёзган:

Улар томирларидан қонни сўриб олувчи қалани топдилар (с. 232).

Қалайи яна елкан маъносида ҳам ишлатилар экан.
Сувайд ибн Абу Коҳил бундай деб ёзган:

У — тўлқинланувчи денгиздир, мавжлари кўпиклар билан
қопланган.

Уларнинг қаҳрли оқимлари елканга (қала)
(келиб) урилмоқда (с. 232).

Ал-Ашъа ёзган:

У катта елканли кемани кўтариб урмоқда,
Мана (кеманинг) тумшуғи пачақланиб бўлди. (с. 232).

Беруний изоҳ берадики, кема денгиз уфқида кўришганда, унинг елканлари тоғга ўхшаб кўринадилар. «Қала» сўзи ҳам елкан, ҳам тоғ чўққиси маъносини англатади.

Ар-Ройй ёзган экан:

У шундай таъқиб ётмоқда-ки қуёнларни
Унинг ўткир тирноқларидан на уяси, на тоғ чўққилари
қутқара олади (с. 233).

Вазвоҳ ул Яман ёзган:

Қул кўтара олганидан ортиқроқ нарсани кўтара олмайди.
Виз эса тоғлар (қала) ҳам кўтара олмайдиган оғирлиқни
кўтарамиз (с. 233).

«Қала» яна булут маъносини ҳам билдиради:

Боғ устидан тун булутлари (қала) йиртилди,
Чибандар худди ақлдан озгандек ўралашдилар (с. 233).
(ибн Аҳмар).

У танҳо қолди, тонг булутлари (қала)
Боши устидан оқиста кечдилар.
Унинг дўстлари жуда оз эди.

Беруний қала сўзининг шунча кўп маъноларини шарҳ-
лаб ёзадикки, булутлар тоғларга ўхшайди, темир эса тоғ-
лардан қазиб олинади. Шу туфайли темир умумий бир
ном билан тоғларга боғланади. Ҳузайл қабиласидан бир
шоир ёзган экан:

Сенга осмоний темирдан қилинган ҳинд қиличи кифоядир,
Узулиги бир тирсак, савдогарнинг ба синдан қисқароқ
Тоза темирдан ишлаган, жисми узоқ тобланган
ва оч қушларнинг қонига кириб чиққан (с. 233).

Беруний бу шеърнинг мароқли шарҳини беради:

Ҳинд қиличи деганда шоир Ҳиндистонда ишланган
қилични эмас, балки унинг доимий сифатини кўзда тут-
ган. Тоза осмоний темир деганда чақиннинг олови кўзда
тутилади. Чақин ерни ёриб ичига кириб кетади, унинг
изидан бориб ўша ерни ковланса темир чиқади. У темир-
ни бўлақларга бўлиб қиздирилади, у чўғ ҳолатига кел-
ганда туяқушга берадилар, туяқуш уни ютиб юборади ва
тез фурсатда эса чиқариб ташлайди. Шу жараёнда чўғ
туяқушнинг қорнида тозаланади, шундан кейин ўша те-
мирдан қилич ясайдилар.

Берунийнинг хабар беришича, руслар ва славянлар
ҳам шобурқонни майда бўлақларга бўлиб, унга булай-
дилар ва ўрдакларга егизадилар. Сўнг уларнинг ичидан
қайтиб чиққан бўлақларни йиғиб тозалаб яна оловда бир-
га қиздириб, сўнг ўшандан қилич ясайдилар. Ибн Бобак
ёзган экан:

Қиздирилган қилич тўзон зулматини кесади,
Худди чақин тоғ чўққиларини кесгани каби (с. 234)

Беруний келтирган айрим ҳикоялар реал ҳаёт кўри-
нишлари, турмушда учрайдиган ҳодисаларнинг тасвири-
дан иборат. Бу жиҳатдан денгизчи савдогарлардан
бирининг тилидан айтилган қуйидаги ҳикоя диққатга са-
зовордир.

Убулладан Хитой сари йўлга отланаётган бу савдогар-
га бир чол мурожаат қилиб, юз ман миқдоридagi қўр-
ғошинни ўзи билан олиб кетишини ва денгизнинг маъ-
лум бир ерида сувга ташлаб юборишини илтимос қилган.
Савдогар олдин бу ишдан бош тортган, аммо чол-
нинг илтимосини бажаришга ваъда бериб қўйгани
учун ноилож рози бўлган. У кема дафтарига чолнинг
Басрадаги жойини ёзиб қўйган. Сафар давомида кема ай-
тилган жойга борганда шундай қаттиқ довул қўзғалиб,
кучли тўлқинлар бўлганки, чолнинг тайинлаган топши-
риғи эсидан чиқиб кетган. Мўлжалланган шаҳарга етиб
бериб савдо-тижорат ишларини тугатгандан сўнг унинг
ҳузурига бир киши келган ва қўрғошинни бўлса сотишни
сўраган. Менда ҳеч қандай қўрғошин йўқ, деган савдо-
гар, аммо унинг хизматкори чолни эслатгач, хотирига ўша
қўрғошин келган. Мен уни сотишга ҳуқуқли эмасман,
деган савдогар. Лекин барибир ўша одамга бир юз ўттиз
динорга қўрғошинни сотган. Савдогар Хитойдан қайтишда
бу пулга кўп нодир нарсаларни сотиб олган. Қайтиб кел-
гач, чолни излаган, аммо у вафот этган экан. Ҳеч кими
қолганми, деб сўраган савдогар. Денгиз ортидаги қандай-
дир бир мамлакатда жияни яшайди, уйини эса вақфга
васият қилди, деб жавоб беришган. Савдогар ҳайрон бў-
либ қолган. Убуллага қайтгач, келтирган нарсаларини
етти юз динорга сотган. Анча фурсат ўтгач, бир киши
савдогарни қидириб келган. Ундан бир маҳал менга қўр-
ғошин сотган сен эмасмидинг, деб сўраган. У мен эдим,
деб жавоб берган. Келган киши сўзида давом этиб, мен

Уша яхлит қўрғошинни кесганимда ичидан ўн икки минг динор олтин пул чиқди. Сенга ўшани қайтариб олиб келдим, деган. Савдогар, менинг ташвишимни сен яна кўпайтирмоқдасан, ахир у меники эмас эди, деган ва бўлган воқеаларни айтиб берган. У чол менинг амаким бўлади. Мендан бошқа меросхўри йўқ. Аммо у менга шу қадар жабр ўтказган эдики, ҳеч чидашнинг иложи бўлмади, ўн етти йил бурун мен Басрадан қочиб кетишга мажбур бўлдим. У мендан ўзининг олтинларини беркитмоқчи бўлган эди, аммо олло таолло унинг мақсадига зид равишда олтинларни менга етказди, деган. Савдогар унга етти юз динорни ҳам берган. У одам амакисининг уйида жойлашиб, маъмурлик ва хотиржамликда яшаб қолган.

Оқ мис тўғрисида сўзлаганда Беруний унинг суфр деб ҳам аталажagini билдиради. Шу муносабат билан у шоир Абу Таммомнинг қуйидаги шеърини келтиради: Суфр (бронза) ўнгда ҳам, сўлда ҳам кўпайиб кетгани туфайли Олтиннинг қиммати тушиб кетди.

Олим яна Абу Саид ибн Дўст деган шоирнинг қуйидаги киноя ва сўз ўйинларига бой мисраларини ҳам ўз китобида кўрсатган:

Менга дейдилар-ки, сен ҳаётда озга қаноат қиласану
Нега олтин ўрнига суфр (бронза) билан кифояланмайсан.
Менинг кўнглим бойлик қидириш истагидан холий (суфр)

эмас.

Аммо қўлларим оқ (кумуш)дан ва сариқ (олтин) суфрдан
холийдир (с. 245).

Беруний бу шеърларни изоҳламайди. Умуман, Беруний ўзи келтирган шеърини мисолларни жуда яхшилаб изоҳлар эди. Ушбу мисрала бевосита мис ёки олтиндан кўра шеър қаҳрамонининг ҳолатини тасвирламоқда. У ҳақиқий қимматларнинг ўрнини сунъий қимматлар эгаллаганидан норозилик баён этмоқда. Иккинчи шеърда эса кўнгли бой, юксак интилишлар эгаси бўлган эътнинг аянчли аҳволи ғамли шикоят билан эмас, балки ҳазил, аммо ҳаққоний

ифодаларда баён этилмоқда. Айни замонда бу ерда «сифр» ва «суфр» сўзлари орқали шоир билан сўз ўйини ишлатган. Беруний ана шундай ибратомуз ва характерли шеърини мисоллар топишга уста эди.

Маълумки, Беруний яшаган даврда араб тилида шеър ёзган шоирлар тўғрисидаги мукаммал маълумот «Йатимат-уд-даҳр» мажмуасида мавжуддир. Бу мажмуани адабиётшунос ва тарихшунос олим Абу Мансур ас-Саолибий (961—1038) тузган. Бу зот яна «Эрон подшоҳлари тарихи» номли тарих асарининг ҳам муаллифидир.

Берунийнинг китобида Абу Мансур ас-Саолибий тўғрисида қизиқарли маълумотлар бор. Айни замонда Берунийнинг замондоши ва хизматдоши машҳур тарихшунос Абу Фазл Муҳаммад ибн Хусайн Байҳақий (955—1077) Абу Мансур-ас-Саолибийнинг Хоразмда бўлгани тўғрисида хабар беради.

Беруний «Минералогия»да бошқа шоирларнинг шеърлари қаторида Абу Мансур ас-Саолибийнинг ҳам бир шеърини келтирган. Беруний гавҳарнинг сифатларини таърифлаб ёзадики, жуда оз гавҳар қимматбаходир, аммо олтинга берилган таъриф унга муносиб эмас. Чунки сарғишлик гавҳарда бошланаётган касалликнинг нишонасидир. Кейинчалик бундай гавҳар қорайиб кетади. Бу ҳолга мисол қилиб, Беруний Саолибийнинг бир шеърини келтиради:

Абу Мансур ас-Саолибий ўз даврининг машҳур хаттоти Али ибн Муқланинг (вафоти 940 й.) ёзувларини тавсиф этиб бундай деб ёзган:

Ибн Муқланинг ёзуви шундай-ки, унга кўз солган кишининг барча органлари кўзга айланиб кетишини истаЙди.

Гавҳар рашкдан саргаЙиб кетади, у (ёзувни) махтаганларида, Унинг гулдорлиги қаршисида гунча хижолатдан қизаради

(с. 106)

Абу Фазл Байҳақий ўзининг «Тарихи Маъсудий» китобида Абу Мансур ас-Саолибийнинг қуйидаги сўзларини

келтиради. «Мен Нишопурда Хўжа Абу Мансур Саолибийдан эшитдим-ки, у Хоразмда бўлган, шеър ва адабиётга оид суҳбатларда, фикр алмашинувларда иштирок этган. Шунда Хоразмшоҳ айтган экан: «Менинг мақсадим китоб — уни ўқимоқ; севгили маҳбуба — уни севмоқ; олижаноб инсон — унинг тўғрисида гамхўрлик қилмоқдан иборатдир». Бу фикр Берунийнинг Хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун тўғрисида айтган фикрларига ўхшаб кетади. Беруний бу шоҳ тўғрисида бундай деб ёзган эди: «Амир — Абу-л-Аббоснинг энг юксак фазилати шунда эди-ки, унинг лаблари ёмон сўз, номуносиб ва турли-туман тубан ифодалар учун доим ёпиқ бўлган. Мен — Абу Райҳон етти йил унинг хизматида бўлдим, бирор марта оғзидан ҳақоратли сўз чиққанини эшитмадим...»¹ Беруний келтирган шеър парчасига кўра биз ас-Саолибийнинг фақат адабиётшунос ва тарихшунос эмас, шоир ҳам эканлиги тўғрисида тасаввур пайдо қиламиз.

Умуман, Беруний ўз давридаги адабиёт аҳлига жуда яқин бўлган, уларнинг шеърларини юксак билимдонлик билан таҳлил этган. Шундай муҳитда яшаган олимнинг ўзи ҳам шеър ижод қилиши табиийдир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби А. Расулевнинг хабар беришича, Беруний араб тилида шеърлар ёзган. Бу тўғрида Ёқут ал-Ҳамавийнинг «Муъжам ул-удабо» («Адиблар анжумани») китобида айтилган². Ёқут бу китобда Берунийнинг замондоши шоир Али ибн Муҳаммад Абул-Фатҳ Бустий (вафоти 1009 (10) ва ўзи ҳамсуҳбат бўлган баъзи подшоҳлар тўғрисида ёзган ўн етти байт шеърини келтирган. У бу мисраларни «Сиррусур», («Сурур сирлари») китобидан олган³.

¹ А. К. Арендс. «История Хорезма» Абу Райхана Беруни, сб. «Беруни и общ. науки» Т. 1972, с. 83.

² А. Расулев. «Некоторые соображения о Берунии и его стихах. сб. «Беруни и общ. науки» Т. 1972, с. 54.

³ Уша ерда.

А. Расулев ўз мақоласида Берунийнинг яна икки шеърий парчасини келтиради. Улардан бирида Беруний Абул Ҳасан деган кишини қаттиқ танқид қилади. Бу одам Берунийга хушомадгўйлик қилиб қасида ёзган экан. Олим бундай номуносиб ҳаракатдан қаттиқ жирканар эди. У Абул Ҳасанга хитобан дейди: Сен ўз шеърларингда менинг ота-оналаримни тавсиф қилмоқдасан. Менинг асли зотимни билмайсан-ку, ахир. Сен менинг отам кимлигини билмаганингдан кейин, бобомни қаердан билар эдинг... Сенинг мақтовинг, ёки масхара қилишинг мен учун фарқсиздир. Сенинг жиддийлигинг ёки масхарабозлигинг менга барибир¹. Шу шеърда Беруний ўз отаси ва онасининг қайси тоифага онд бўлгани тўғрисида муҳим биографик маълумотни хабар қилади:

Отам Абулаҳаб илм кўрмаган қари киши,
Онам ўтин ташувчи (ҳаммолата-л Ҳатаб)²

А. М. Бсленицкий ўзининг «Краткий очерк жизни и трудов» («Минералогия», Москва, 1903, с. 271—291) мақоласида бу сўзларни Берунийнинг ўзига нисбат беради. Яъни, Беруний ўзининг отаси ва бобосини ҳам билмас эди, деб шарҳлайди. Онаси тўғрисидаги таърифни эса қуръондаги шеър (III₄) нинг ўзгартирилган шакли, яъни «ўтин ташувчи» кўчирма маънода бўлиб, унинг қуйи табақадан бўлишига ишорадир, деб ҳисоблайди (ўша китоб, с. 272). С. П. Толстой «Ўтмиш ёдгорликлари» (Беруний, асарлар. Т. I, 1957) китобига ёзган сўз бошисида бу шеърга мурожаат қилади. Унга асосланиб, Берунийнинг ота-онаси қуйи табақадан эканини таъкидлайди. Бу шеърнинг Абул Ҳасан ёзган қасидага жавобан ёзилганини А. Расулев биринчи бор билдирдилар.

Беруний бошқа бир шеърда чуқур фалсафий фикрни изҳор этади:

¹ Беруний. Уша китоб, с. 57.

² Уша ерда.

Юксак даражага меҳнатсиз эришиб олган шахс
Тинчлик ва роҳат соясида кун кўради,
Яхши кийинади, аммо у
Ҳақиқий улуглик либосидан яланғочдир.

А. Расулев ўз мақоласида Берунийнинг жами ўттиз беш байт (етмиш мисра) шеърини келтирган. Улардан айримларини кўриб ўтдик. Бошқа шеърларда ўзининг эзгу кечинмаларини баён қилади, ўз муҳтидаги муътабар зотларга ҳурмати, помуносиб шахсларга нафратини ифодалайди. Берунийнинг бу шеърлари унинг бадиий ижод билан шуғулланганига шоҳиддир. Адабиёт ва шеърятни гоят чуқур тушунган, унинг назариясини мукамал эгаллаган олимнинг шеърлар ижод қилгани табиийдир. Ёқут ўзининг «Мужам-ул-удабо» китобида Берунийнинг икки асарини эслатган. Улар «Китоб ат тааллул ба иҳолат ал ваҳм фи маани назм ув лилфазл» («Фазл аҳлининг шеърларда айтилган фикрларини баён қилиш китоби») ҳамда «Китобу мухтор ал-ашъор ва алосор» «Тапланган шеърлар ва асарлар китоби»дир. Бу китобларнинг номидан маълум бўлиб турибдики, улар тамомила адабиётга оиддир. Яна Ёқут Берунийнинг шоир Абу Таммом шеърларига махсус шарҳлар ёзганини хабар қилган. Бу шарҳларнинг қўлёзмасини Берунийнинг қўлида Ёқут ўзи кўрган экан.¹

«ФАРМАКОГНОЗИЯ» («САИДАНА»)

Бу асарни турли-туман дорилар олинадиган ўсимликлар ва моддаларнинг изоҳли лугати десак бўлади. Уша ифодаларнинг таърифи учун Беруний қатор шеърини парчалардан фойдаланган. Бу мисраларнинг муаллифларидан кўплари «Минералогия»да учраган шоирлардир.

¹ Уша ерда.

Айрим шеърлар ўша ўсимлик ва моддаларнинг сифати орқали кишиларнинг турли хусусиятларини кўрсатишга хизмат қилади. Шоир айрим ўсимлик, моддаларнинг белги ва хоссалари орқали кишилар характери ёки таърифини кўрсатади. Беруний кишилар характери, хатти-ҳаракатидаги белгилар орқали ўша доривор ёки доривор учун фойдаланиладиган моддалар сифатини баён қилади.

Масалан, Хаух (шафтоли)нинг ранги, кўриниши, тозалигини таърифлаш учун олим Хатам ибн Али иш-Шамм деган шоирнинг қуйидаги мисраларини келтиради:

У менга шафтоли узатди.

Шафтолининг кўриниши

(Унинг) хижолат чекиб қизаргандаги

(Чеҳрасига) ўхшар эди¹.

Салво деб асални айтар эканлар. Беруний бу гўзал маҳсулнинг таърифини шоирнинг ғоят сеvimли кишисига бағишлаган мисралари орқали изоҳлайди. Шоир ал-Хузалий бундай деб ёзган:

У жону-жаҳди билан оллоҳга қасамёд қилиб,

Сиз биз йиғайтган асалдан ҳам ширинроқдирсиз, деди.

Беруний сагам деб аталган ўсимликни таърифлаб унинг ранги оппоқ қор каби эканини айтади. Сагамнинг аниқ тасаввурини туғдириш мақсадида олим ушбу тўрт мисра шеърдан фойдаланган:

Бош устидаги тепакални кўриб қолсанг,

Назокатли қомат кетидан мукчайган

букрини учратсанг,

¹ У. И. Каримов «Берунийнинг «Сайдана» асари» докторлик диссертациясининг қўлёзмаси, с. 688. Ушбу бобдаги барча мисоллар мазкур ишдан олинди. Бу борада кўрсатган катта ёрдамлари учун филология фанлари доктори муҳтарам олим У. И. Каримовга самимий миннатдорлигини изҳор этаман. (А. Қ.)

Агарда қари кишининг боши
Сагамга ўшаб оқариб қолган бўлса,
Саломатлик ва хотиржамликдан умидни узабер.

Алмубарраднинг айтишича, деб ёзади Беруний, ал-ало қумда ўсадиган ўсимликдир. Унинг хусусиятларини тасвирлаш учун у қумларда яшашни ихтиёр этган бир кишига хитобан айтилган қуйидаги шеърни келтиради:

Сен гуллар хушбўйлигидан кўра
ало ҳидини афзал кўрдинг
Ва ўрталабки ичимлигинг туя
ва қўйнинг сути бўлиб қолади.

Шамаъла ибн Аҳдар эса ал-ало тўғрисида бундай деб ёзган:

У ал-алога йиқилди, боши остига ҳеч нарса
қўймадилар.
Чириган финиклар унга ёпинғич бўлдилар.

Яна бир бошқа шоир:

У ал-алога йиқилди, боши остига ҳеч
нарса қўймадилар,
Пешонаси ярақлаган қиличга ўшар эди.

Ал-алонинг сифатларини тасвирлаш учун Беруний бошқа шоирларнинг шеърларини ҳам келтиради. Уларнинг ҳар бири бу ўсимликнинг айрим хусусиятларини намоён қиладилар.

Ал-Кумайт ёзган:

Нухас — тутундир. Маслина ёғи билан ёқиладиган чирроғ тутамас экан. Демак, у соф ёруғлик беради. Ана шу хусусиятни кўрсатиш учун покиза табиат, пок чеҳра тавсифи келтирилади.

Шоир ан-Набига ёзади:

У маслина ёғи билан ёнадиган чироғнинг
нури каби ярақлаб ўтди.
Оллоҳ унда тутун (нухас) пайдо қилмади.

Кулкулан деб аталадиган ўсимлик қуриганда бир хил жаранг чиқарар экан. Унинг садоси аёллар тақинчоқларининг силкингандаги овозига ўхшатилади. Бу маъно қуйидаги мисраларда изҳор этилган:

Унинг чўчиб қочаётганида
тақинчоқларидан чиққан овоз
Қуриган кулкуланинг шамолдан тебраниб
шилдирашига ўхшайди.

Беруний ипак ва канаф матолари тўғрисида сўзлаганда ҳам шеърини парчалардан усталик билан истифода қилади. Чунончи, Аъша деган шоир инъом тўғрисида сўзлаб бундай деган:

У мастоналарга қўшиқчи аёлларни бағишлар эди.
Уларнинг баъзилари ипак либосда, баъзилари эса
канаф либосда бўлганлар.

Денгиз сувидан туз чиқарилиши эса ал-Бухтурийнинг қуйидаги ғоят ибратли ва образли мисралари орқали баён этилади:

У бахилликни шиддат билан ўзидан нари сураб эди,
Худди денгиз ўз сувидан тузни чиқариб
ташлайётгани сингарин.

Кишилардаги салбий хусусиятларни кўрсатмоқ учун ҳам шоирлар табиат дунёсининг маҳсуллариغا хос бўлган сифатлардан фойдаланганлар. Уларни бадий тасвир воситаларига мазмун қилиб олганлар.

Бундай мисоллар «Сайдана»да кўп учрайди.

Қалқадис — купоросдир. Бир ёвуз ниятли, салбий шахснинг характеристикаси ана шу купорос сифати орқали кўрсатилади. Абул Фатҳ деган шоир ўшандай киши тўғрисида бундай деб ёзган:

У өзгулик ишида жуда суст, аммо

ёвузлик ишида жуда тев ва чаққондир.

Унда ёмонлик қалқадиснинг тортишуви қадар кучли.

Сазаб деган ўсимликнинг ҳидини илонлар ёқтирмас эканлар. Чунки бу ҳид уларни ўлдирар экан.

Сари ал-Ғавоний деган шоир ўзининг рақибига бундай характеристика бериб хитоб қилади:

Илонлар учун сазабнинг ҳиди унчали

нафратли эмас,

Сен гўзал маҳбубалар учун нафратли

булганинг қадар.

Зийад ибн Камолнинг бир шеъри икки одамга икки хил муносабатда булганини кўрсатишга хизмат қилади. Бу шеър дармак деб аталувчи ёқимли бир таомни изоҳлаш учун келтирилган.

Мени ёғ, гўшт, дармак билан меҳмон қилдилар,

Сенга ўса тунамоқ учун нафратли гўнг қўнгузлари

орасидан жой кўрсатдилар.

Яна бир кишининг характеристикасини бермоқ учун қуйидаги шеър фойдаланилган.

У дадилдир (факат) дармак, мева:

Қовурилган гўшт ва шўрвани тановул қилишда.

Умар ибн ал Ҳаким ан Наҳдий деган киши қамоқда бўлган Йазид ибн ал-Мухаллаб деганнинг ҳузурига кирган

ва унга ҳақоратомиз муомалада бўлган. Унинг сўзларини Ибн ал-Аъробий номли шоир қуйидаги мисраларда ифодалаган:

О, Абу Ҳамид беркингин,
Яширингин, арслонга ем бўлма.
Бу ҳали сен учун бахтсизлик эмас,
Бахтсизлик энди келади:
Узингга ўхшаганлардан сақлан.

Беруний айрим ўсимликларнинг сифатини баён қилмоқ учун кишиларнинг руҳий ҳолатини асос қилиб олади. Масалан, ханзил деган ўсимлик жуда оғритувчи — малол келтирувчи хусусиятга эга бўлган. Унинг сифатини шоир инсоннинг бирор кўнгилсизлик туфайли ранжишига ўхшатади:

Агар мени ранжитсанг, менинг ранжишим
шундай кучли бўлади-ки,
Унинг аччиғлиғи худди ханзил туфайли
чекиладиган оғриққа ўхшаб кетади.

Абур-Рух деган шоир ўзи ёмон кўрган бир кишининг таърифини бериш учун афс деб аталувчи меванинг сифатини келтиради. У дуб дарахтининг ҳали пишиб етилмаган мевасидир. Албатта, у тахир ва аччиқ, тановул учун ноқулай бўлган. Шоир ўша шахсга хитоб қилиб ёзади:

Сенга оғдарилган афс егивсалар арзийди,
Икки биқинингга эса тескари қилинган
қамчини ўрасалар.
Униси сенинг емишинг,
Буниси кийиминг бўлар ёди.

Шундай қилиб, Беруний ўсимлик ва моддалар таърифини беришда инсонларнинг ижобий ва салбий хусу-

сиятларини тасвирловчи шеърӣй парчалардан моҳирлик билан фойдаланади. Шу билан бирга олим ўша шеърлардаги асосий мазмунни ҳам ташвиқ этади. У ижобий хусусиятларни алқайди, салбий белгиларни қоралайди, рад қилади. Шу йўсинда Беруний фақат табиатшунос мутахассисгина эмас, балки адабиётшунос сифатида ҳам майдонга чиқади.

Ҳар бир асарнинг ўз мавзуи бор. Ундан узоқлашиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам «Минералогия» ва «Фармакогнозия»даги шеърӣй парчалар олим таърифлаётган нарсанинг хусусиятини кўрсатиш учун хизмат қилиши керак. Худди шу мақсадда берилган шеърлар анчагина бор. Улар асосан таърифий мазмунга эга.

Масалан, далол (қизил савсан) дарахтининг таърифи берилганда қуйидаги байт келтирилган:

Қизил далол очилган чоғда
Ундан бинафша ҳидига ўхшаш
ҳид таралади.

Савсаннинг ўзига хос хусусияти эса фақат шеърӣй шаклда баён қилинган. Бу байтда таърифдан бўлак нарсани йўқ:

Абқара-хушбўй ҳид берувчи ўсимликлар
ичида энг хушбўйидир.
У ўлтириш жойидаги нервларнинг яллиғланиши
ва тумов билан оғриганларни даволайди.

Сулофаъулинаб деган шаробнинг бир тури бўлган. Уни ҳеч ким қаттиқ сиқиш билан олмас, аксинча, ўзи томиб-томиб тушар экан. Шу сифат ҳам шеър билан берилади:

Сулафо томчилаб оқиб тушади,
Эзувчи одам оёқлари билан эзиб ўлтирмайди

Лавр дарахти шохларини ёқиб қаланган оловнинг тасвири:

Тунда мен оловга боқдим,
У худди горни кемирарди.

Даум номли дарахт катта, унинг соялари кенг бўлган. Ана шу тасвирни ифодалаш учун шоир унинг соясида ҳатто туяларнинг ҳам жойлаша олиши мумкинлигини билдиради. Шу шеър орқали Беруний даум тўғрисидаги тасавурни анча аниқлаштиради:

Туяларни даумнинг соясига ҳайдадилар
Ва булоқ бўйида уларнинг хасталарини
қараб чиқдилар.

Даум дарахтининг мевалари салмоқли ва кўзга ташланарлидир. Шоир даумнинг ҳайбатли, чўзиқ экани, меваларининг ҳам ўзига ўхшашлигини ифодалаш учун уни йўл босаётган карвонга ўхшатади. Бу карвоннинг туяларига ортилган юклар эса даумнинг мевалари кабидир. Бу ўхшатиш жуда ўринли чиққан. Шоир Жаъдий ёзади:

Уларнинг эрталаб йўлга чиққан
каравонлари, худди
Ауқалнинг оғирлигидан эгилган даумга
ўхшайди.

Ауқал даум дарахтининг меваларидир. Демак, карвон даумнинг ўзи бўлса, туялар уларнинг шохлари, туялар даги юклар эса, ўша шохлардан осилиб ётган ауқаллар (мевалар)дир. Дарахт меваларининг мўллигидан эгилиб кетган. Узоққа чўзилган кўп юкли карвон худди шуни эслатади. Ёки аксинча даум ўша карвоннинг кўринишини хотирда тиклайди.

Тол дарахтининг тасвири учун ҳам Беруний қатор шеърӣ парчалар келтирган. Толни араб тилида хилоф

деб аталган. Шоир Абул-Наср ал Утбий бу сўзни хилоф (қарама-қарши) маъносидаги синоним билан биргаликда ишлатиб, чиройли сўз ўйини қилган. Шу орқали шоир унинг мевасизлигини таъкидлайди.

Икки хилоф бир-бирига қарама-қаршидир,
Уларнинг ҳар бири танбеҳга сазовор.
Агар толда яхши хислат бўлганда, уни
беваган бўлар эди
Аmmo у тол мевасиздир.

Бу ерда хилоф (тол) ундаги мевасизлик, яхши хислатнинг унда йўқлиги туфайли юз берган қарама-қаршилиқ (хилоф) билан дуч келтирилади. Шу ифода билан толнинг мевасизлиги, умуман, яхшилиқ хислатлари бўлмаслиги тўғрисидаги фикр ифода этилади.

Умар ал-Мутаваллий деган шоир тол гулларининг кўринишини бундай тасвирлайди:

Сен тол гулларини кўрмаганмисан
Улар пайдо бўлганда кўзга ёқимли
гул бўлиб кўринадилар.
Улар мушуклар бармоғига ўхшайдилар,
тукилганларида эса,
Теваракларига хушқидли сичқон болалари (каби)
ёйилиб кетади.

Бошқа бир шоир эса тол гулларини қўйндаги тасвирда беради:

Тол дарахтининг гуллари худди
Мушукларнинг бармоғи кабидир.
Уларнинг тирноқлари ичига тортиб олинган.

Демак, ҳар иккала шоир ҳам тол гулларининг кўринишини мушук бармоқларининг тирноғини ичига тортиб олгандаги ҳолатига ўхшатадилар.

Биринчи шеърда ўша гулларнинг ерга тўкилгандаги кўриниши сичқон болаларининг ёйилиб кетганига ўхшатилади. Бу мисраларда ҳар иккала шоир тасвирининг аниқ бўлишига интилганлар. Бу тасвир ўзининг эстетик мазмунидан қатъи назар ўша мақсадни юзага келтирган, тол гулларининг кўриниши ўқувчи назарида тўла кўринган.

Кашус номли ўсимликнинг кўриниши, унинг ранги, устки қиёфаси, қандай пайдо бўлиши ва ўсишини тасвирловчи шеър орқали Беруний бу ўсимлик тўғрисида тасаввур туғдиради. Бу шеърнинг муаллифи шоир ал-Машоҳирдир.

Ерда томири бўлмаган бир ўсимлик
Уруғсиз, экилмасдан (унади).
Уни кичик дўнгликда ўстирадилар.
У сарғиш эски пўстлоқда бўлади.
Ундан ипакка ўхшаш шудринг томиб туради,
У осонликча ва мўл томади.
Натижада, қарасанг феруза дўнглик
Зарҳал либос кийган бўлади.

Демак, бу шоир Кашуснинг бутун таърифини берган. Шу шеърни ўқиб Кашуснинг қандай ва қаерда ўсишини биламиз, ундан томадиган суюқликнинг ипак каби юмшоқ, ҳарир эканини англаймиз, пўстлогининг сарғиш экани, остидаги дўнгликнинг зангори ўтлар билан қоплангани феруза юзасида зарҳал либосли вужуднинг турганига ўхшатилиши тасвирнинг аниқ, ишонарли ва эсда қоладиган бўлишига сабаб бўлган.

Алоэ дарахтининг бўйини Беруний Абу Али ибн Мисковейхнинг қуйидаги шеъри орқали ифодалайди:

Алоэ дарахтида уни ўткир мушкка
яқинлаштирадиган ҳид бор
Бу ҳидда яна ўтин туфайли чиққан
ёқимсизлик ҳам мавжуд.

Демак, бу дарахтдан чиқадиган бўйда ҳам мушк ёқимлиги ҳам ўтин ҳидидан чиққан ёқимсизлик биргадир.

Губайра исмли меванинг ёқимли ҳидга эга эканини Беруний Абу Нуваснинг қуйидаги шеъри орқали билдиради:

Агар мева истасанг
Губайрани тила, унинг ҳиди (ғоят)
ёқимлидир.

Финик хурмо ва авсаж (крушина) тўғрисида Беруний бундай шеърни келтирган:

Мен финик хурмонинг тиканларини
чиқариб турганини кечираман.
У меваларини териб олмоқчи бўлган
қўлларни (шундай қилиб) ўзидан
нари итаради.
Лаънати авсаж нега энди тиканларини
чиқаради,
Биз унинг меваларини кўрмаганмиз-ку,
у теримчини ўзидан узоқлатиш учун
қуролланиб овора бўлмасин
(Ўша теримчига) терими учун қилинган
танбеҳнинг ўзи етарлик.

Бу шеърда хурмонинг тиканли экани, у тиканлари орқали теримчилардан, ёки ўзига лат етказиш мумкин бўлган нарсалардан сақланиши айтилади. Авсажнинг эса мевасиз бўлса ҳам тиканли экани кўрсатилади. Беруний ана шундай муфассал таърифга эга бўлган бадний парчалар орқали сўз бораётган мавзу ва нарсаларни аниқ тасвирлайди.

Жирйал деган бодрингга ўхшаш полиз маҳсули бўлган. Яна жирйал деб бир нав шаробнинг рангини ҳам айтганлар. Беруний ана шу жирйал рангининг тасвирини қуйи-

даги шеър орқали эса қоладиган ифодаларда (бу шеър шоир Аъша қаламига мансубдир) беради:

Бобилнинг узоқ сақланган шаробидан
(Унинг) ўлдирилган ҳайвон қонидек (бўлгани учун)
Ундан жирйал олдим.

Араблар ёввойи анорни мазз деганлар.

Маззнинг нақадар аччиқ ва кўйдирувчан эканлигини тайи қабиласидан чиққан бир шоир қўйидаги воқеа орқали тасвирлаган:

Кучли туянг бўлса хавотир бўлмагин,
У қизишиб кетса иккита ҳайдовчидан
ҳам ўтиб кетади.
Гўёки, унинг томоғи ва лабларидан
ва титраётган бурун тешикларида
ра ва мазз бордек.

Ра ва маззнинг жонворни қағтиқ ҳаракатга келтириб юборадиган таъсир кўрсатишлари шу мисолда келтирилган.

Беруний Уқҳувон деган ўсимликнинг таърифини берганда кўп шеърый мисолларга мурожаат қилади. Унинг таржимаси ромашкадир.

Амр Ибн Маъда Қариб деган шоир бу гулнинг таърифини бундай деб ёзган:

Осмон ўзининг совуқлиги ва оқлиги билан
Қорни, ёки қуҳвоналар уюмини эслатади.

Ан-Набиға эса бундай деган:

Эрталабки ёмғурдан сўнгги ромашка каби
Усти қуруқ, туби эса намликдир.

Беруний ан-Набиғанинг шеъри кенг ёйилгани ва унга кўп мурожаат қилинганини хабар қилади. Яна у ана шу

шеърнинг шарҳига кўп ўрин беради. Барча гуллар ёмғир туфайли ўсадилар, дейди Беруний, аммо ромашка оқиш бўлгани учун бошқалардан кўра кўпроқ ёмғир сувига эҳтиёж сезади. Бусиз унинг гулида чанг ва тўзон кўпроқ сезилади. Улардан ромашканинг гули хираланади. Тунги ёмғир ёққанда ҳаво тозаланади, ромашкани ювади, унга чанг ўтирмайдиган бўлади ва эрталаб у намликка тўлиб кўринади. Аммо аста-секин ундан намлик қатралари кўтарилади. Улардан холий бўлган ромашка сал қуриydi, аммо бутунлай қуримайди. Унинг остки қисми намлигича сақланади. Бу ҳолат уни маҳкам тутади ва гўзаллик бағишлайди.

Абдулло ибн ал-Муътаз бундай деган:

У тунги шудрингда ювилган боғ ромашкаси
сингари жилмаяди.

Мажнун эса бундай деб ёзган:

Сенга Лайлининг кокиллари
Намли ромашкалар янглиг ёндошдими.

Абу Нажм:

У ўзи истаган (кишисини хоҳлаб)
Очиқ кундаги кучли ёмғурда
Ювилган ромашкага ўхшаб кўз ёши
тўкмоқда.

Яна бир шоир:

Улар лабларини очиб,
Яқиндагина ёмғирли булут тозалаб ўтган
Ромашкага ўхшаб-ўхшаб кўз ёши тўкадилар.
Еки қум рангли абжир туя устида
ўлтирганимда

У ало шохларига яқинлашса, уларга ёпишиб
олади (яъни, еб бошлайди).

Ал-Ажжож ёзган:

Дала ёки ал-ало оралари кийикларнинг
беркинадиган жойидир.

Ало зангор рангли булган. Шу рангини қишин-ёзин
сақлаган.

Бишр ибн Аби Ҳозим унинг шу хусусиятига ишора
қилиб, Бужайра Абу Лаж деган кишини танқид қилади:

Бужайра Абу Лажни махташингиз

Ал-алони махташга ўхшашдир.

Одамлар уни узоқдан зангори рангда кўрадилар,

Аммо унинг аччиғлиги ва дағаллиги

нафрат уйғотади.

Бу шеърда ўсимликнинг таърифи ўша шахснинг ҳам
танқиди орқали кўринади.

Беруний айрим илмий маълумотларни қизиқарли
бадий шаклда ҳикоя қилишга жуда моҳир эди. Татри
деб аталадиган ўсимликнинг намликни ўзида йиғиш хусу-
сиятини олим қуйидаги воқеа орқали ҳикоя қилади.

Бир табиб Важиристонда экиш пайтида (бу жой Ғаз-
на яқинидаги Рухҳод деган ерга кетаверишдаги йўлда
жойлашган) бир ажиб ҳолатни кўрган. Куз пайти, аммо
ҳали сувлар музлайдиган даражада совуқ тушган эмас
эди. Эрталаб уйқудан уйғонгач, у одам ўзида қаттиқ таш-
налик ва бош оғриқ ҳис қилди. Хизматкори саҳрога чиқиб
кетиб, озгина муз олиб келди. Ўша музни сувга солиб,
совитиб ичдилар. Сўнг табиб хизматкоридан бу музни
қайдан топганини сўради. Хизматкор саҳрода ўсадиган
жайруби амири (амир супургиси) деб аталувчи ўсимлик-
ка ўлшаш татран деган ўсимликнинг бор эканини айтди ва
унга кўрсатди. Татраннинг ўрталиғида тунги шабнамлар

йиғилиб музлаб қолар экан, сўнг қуёш чиқиб нурлари ўша ерга тушгач, музлар эриб кетар экан.

Гул тўғрисида сўз борганда унинг рангини тасвирлаш учун Беруний шоир Ас-Санаубарийнинг бир шеърини келтиради:

У икки хил рангга эга: унда севимлининг юзи,
Ва севгидан изтироб чекаётган ошиқ
Юзининг ранги бор,
Эки безаниш ва чиройлилик учун
Моҳир қўл билан расм орқали пардозланган
сарғиш юзининг кўриниши бор.

Исхил деган ёғоч тўғрисида сўзлаганда, Беруний у билан тишни тозалашларини билдиради. Бу ёғоч жуда майин ва нафис бўлган. Шунинг учун олим уни кўпинча юмшоқ ва нафис бармоқларга ўхшатилишини таъкидлайди. Бу фикрнинг исботи учун қуйидаги шеър берилган:

У нафис, қўпол бўлмаган бармоқ билан олди.
(У бармоқлар Забий (водисидаги) чувалчанглар
Эки исхилдан (қилинган) тиш кавлагичка ўхшар эди.

(Ўша чувалчанг ўзи оқ бўлиб, бошчалари қизил рангда бўлар экан; улар қумлоқ ерларда яшаганлар.)

Айрим шеърларда кишилар ҳаётида юз берадиган воқеаларга муносабат баён қилинади. Агтор деб хушбўй нарсалар билан савдо қилувчи кишиларни атаганлар. Арроф эса ёқимли ҳидга эга бўлган ёғларни йиғиб улардан фойдаланиш ва даволаш учун ишлатадиган киши бўлган. Беруний агтор ва арроф тўғрисида сўзлаганда шуларнинг иштироки билан бўладиган воқеага оид шеърни келтиради:

(Кекса аёл) агторга боради, (у)
Ўз ёшлигини қайтариб олмоқчи бўлади.
Вақт бузган нарсани агтор тузата оларми эди.

Шу мазмундаги яна бир шеър бошка бир ўринда ҳам келтирилган:

Кампир ёшармоқ истаб қолди.

(Унинг) биқинлари ориқлаб кетган, елкаси букчайган
эди.

У ёшлик олмоқчи бўлиб атторга борди

Вақт бузган нарсани аттор тузата олармиди.

Тут дарахти тўғрисида маълумот берганда Беруний бир шеърини парчани келтиради. Унда саҳройиларнинг ўз дала ва саҳроларига муҳаббати, ўшандоқ жойга ўрганган кишиларнинг шаҳар манзараларига бефарқ экани ифода этилган. Берунийнинг хабар беришича, бир саҳройи тилидан айтилган бу шеър ўша даврда кенг ёйчилиб кетган экан. Унинг мазмуни қуйидагичадир:

Қаттиқ ва ўйдим-чуқур ерла қандайдир бир боғ,
Ёки қишлоқнинг яланг ва ташландиқ бир бурчаги
Мен улар орқали ўтаётган вақтимда Бағдоднинг
Анорзор ва тутзор қархларидан кўра ёқимлироқ

ва тотлироқ туйилади.

Цитрон дарахтини таърифлаганда Беруний яна қатор шеърини мисоллардан истифода этади. Бу борада у Ибн ар-Румийнинг шеърини келтирган. Бу дарахтни сифатлаб, шоир ўз ёрига ёзган:

Сиз цитрон дарахтига ўхшайсиз.
Унинг меваси ҳам, гуллари ҳам,
Шохлари ҳам, барглари ҳам
Бир хилда гузалдир.

Абул-Аббос бундай деган:

Ёку у тиз чўккан одамлар сингари
Териб қўйилган цитронларни кўрмайди.

Аскарлар ва уларнинг отлари
Гўё олтиндан ясалган тошбақага ўхшайдилар,
Сенга олтинсифат цитронни келтирсалар,
«Қабул қилма»: агар сен хурсанд бўлсанг
Цитронни тилама, чунки мен
Тоскари қилиб қўйилган цитрон «сени ташлаб
Кетдилар» деган (ифодани) билдиришини кўрганман.

Шоирлар унга лирик мазмун ҳам бағишлайдилар.
Абу Толиб ар-Раққий бундай деб ёзган:

Ташқи жиҳати сариқ, ичи оқ
Уни оллоҳ шундай мукамал қилиб яратган.
У азоб чекаётган, айрилиқда қолиб
Уқубатли кунларини санаб чиқаётган
Ошиқнинг кафтига ўхшайди.

Ал-Бадиҳий бундай дейди:

Бизнинг гўзал сариқ цитронимиз
Севгилларимиз қошида шундай пардозланди-ки,
Худди олтин қўллар қимматбаҳо тошлар
Тулган ҳамёнини кўрсатаётганга ўхшайди,
Улар шундай (ҳолатда) эгилган.

Яна бир шоир айтади:

У ажойиб шаклга қара,
Худди шароб суртилганга ўхшайди.
У гўё бир мартаба (ҳисобдан) адашган
ҳисобчининг қўлига ўхшайди,
(У ҳисобчи) янги хато қилишдан қўрқиб
эҳтиёткорлик қилмоқда.

Олим хушбўй ҳидлар тўғрисида сўз юритганда ҳам
кўпгина шеърӣ парчалардан фойдаланади. Уларда аниқ.
ўринли бадий тасвир воситалари орқали ўша хушбўй
моддаларнинг сифатини ёрқин равишда тасвир этади.

Беруний илмнинг айрим чалкаш масалаларини ёритганда шеърний мисолларга мурожаат қилиб, улар орқали ўз фикрини исботлайди. Масалан, у дарин деган терминни изоҳлаб шундай ёзади: «Арабларнинг шеърларида мушкнинг даринга муносабати тўғрисида сўз боради ва (даринни) тўхташ жойи (гавань) деб фаҳмлатади; яна дарий (деганда) хушбўй ҳидли нарсалар билан савдо қилувчини кўзда тутилади.

Даринни бирор шаҳарнинг номи, ёки Ҳиндистондаги бирор оролнинг оти дейиш ҳақиқатга тўғри келмайдиган уйдирма гапдир».

Бу фикрнинг исботи учун олим ан-Набиға ал-Жаъдийнинг қуйидаги шеърини келтиради:

Ироқ шароби, Яман райти
Дариндан (келтирилган) ўткир ҳидли мушк
Серсоқол икки ҳинднинг қутисидадир.
(Улар) Даринда мушк ва анбар (билан)
савдо қиладилар.

Беруний бу шеърни талқин қилиб Дарин — икки ҳинди кирган жой эканини таъкидлайди.
Кусаййир бундай деб ёзган:

Унинг боши узра кокиллари
паришон ёйилган
Улар орасидан Дарин қора мушки оқмоқда.

Ал-Ахваа айтган:

(Бу) гўё мушк тўла халтадир-ки,
Унинг тугунлари узилган.
(Халтада эса) ўткир ҳидли Дарин мушки бор.

«Фармакогнозия» китобининг бошланиш қисмида Беруний билимнинг юзага келиши ва китоб тўғрисидаги мулоҳазаларни ўртага ташлайди.

«Кузатишларнинг мўл-кўл бўлиши кўрган нарсани

хотирда сақлаш қобилиятини келтириб чиқаради», деб ёзади у. Хотир асосланган нарсани яхши сақлайди ва уни тез ва осонлик билан тутиб қолади. Яна олим бу қобилиятнинг ҳаммада мавжуд бўлавермаслигини эслатади; ҳамда хотирда сақлаш истеъдоди кам бўлган кишилар бу нарсага жуда қаттиқ эътибор бериши ва тинимсиз машғулотлар орқали эришишлари мумкинлигини уқтиради.

Китоб ва билим тўғрисида Беруний шоир Абу Саъд ибн Дўстнинг қуйидаги шеърини келтирган.¹

Китобларни хотирда сақла, уларни фақат
йигабермагин,
Чунки китобларга ҳам, қирон келади.
Олов уларни ёндиради, сув фарқ этади,
Сичқонлар кемирадилар, ўғри ўғирлайди
Китоблари билан гердайган билимсиз (киши)
Кутубхонасини улар билан тўлдиради ва
уни ёпиб қўйиб
Ундан билим олувчиларни фойдаланишдан
маҳрум қилади.
Бу ҳам китобни йўқ қилиш, бузишнинг
бир хилидир.
Шундай тентаклар ҳам бор-ки, улар
Китобхонлар ва китобдорларга нафрат
билан қарайдилар, уларни қирадилар.
Инсоннинг фазилати унинг ўзида мавжуд
нарсадир. Агар
Ундан маҳрум бўлса, киши ер билан
яксон бўлади.
Бахилнинг йиққан хазиналаридан иборат
Бойлиги тўғрисидаги масал сенга сатрдир.
У (хазинани) (бошқа одам) зўравонлик билан тортиб
олади ва исроф қилади.

¹ Шеър муаллифи тўғрисида олим аниқ айтмаган. У Абу Саъд ёки бирор бошқа шоир деган, деб ёзади. Демак, Беруний бу шеърни ёзида қолганича берган.

Беруний бу шеър орқали ўзининг энг эзгу туйғуларини ифодалаган. Китоб, билим, унинг амалий қўлланилиши инсон ҳаётининг чин мазмунини ташкил қилади. Берунийнинг ёзган китоблари, унинг беҳад бой билимлари кишиларнинг ҳаётини янада мазмундор қилиш учун хизмат қилмоқда.

Биз бу буюк табиатшунос олим асарларидаги адабий парчаларни кўриб чиқдик. Улар олимнинг гоят кенг ва ҳар томонлама истеъдодидан дарак бериб туради. Унинг Ўрта Осиё халқлари бадий ижодига доир қадимий шарқ тафаккурининг маҳсули «Авесто» китоби ва унинг муаллифи Заратуштра тўғрисида берган хабарлари муҳим аҳамиятга молик, «Ҳиндистон» китобида олим қадимий ҳинд халқининг шеърӣ қоидалари, афсона ва ҳикоялари тўғрисида мукаммал ахборот беради. Уларга қиёс қилиб бу китобда Беруний юнон афсоналари ва шеъриятидан қатор мисоллар келтирган. «Минералогия» ва «Фармакогнозия» китобларидаги шеърӣ парчаларни яхлит қилинса, улар ўша даврдаги араб тилидаги шеъриятнинг ўзига хос анталогиясини ташкил этади. Бу китоблардаги кўп афсоналар, ҳикоялар, айрим воқеаларнинг бадий баёни бой адабий материаллардир.

Берунийнинг асарлари аниқ фанлар билан бадий ижоднинг чинакам илмий қоришмаси, улар бир-бирини тўлдирганда илмий тадқиқотнинг қанчалик сермазмун, гўзал, енгил, тушунарли бўлишининг ёрқин ифодасидир.

Беруний ўзи бадий истеъдод эгаси бўлган. Акс ҳолда адабиётни бунчалик чуқур тушуниш, ундан шу қадар маҳорат ва назокат билан фойдаланиши мумкин бўлмас эди. Олимнинг бизгача етиб келган оз сонли шеърлари ҳам бу фикрни исботлаб туради. Биз Беруний даҳосининг бир томониини озгина ёритиб ўтдик. Бу буюк олим ижодини янада чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш барча авлодларнинг вазифаси бўлиб қолади. Зотан, Беруний инсон авлоди учун ижод қилди ва миннатдор башарият унинг билим хазинасидан умрлар оша баҳраманд бўлаверади.

МУНДАРИЖА

Муаллиф сўзи	2
Абу Райҳон Беруний	3
Беруний ва Хоразм, Суғд халқлари ижоди	9
Беруний ва ҳинд адабиёти	13
Ҳинд шеърояти тўғрисида	43
Беруний ва юнон адабиёти	48
Беруний ва араб тилидаги адабиёт	65
«Минералогия»	78
«Фармакогнозия» («Сайдана»)	122

На ўзбекском языке

КАЮМОВ АВИЗ

«БЕРУНИ И ЛИТЕРАТУРА»

Редактор *П. Шермухамедов*
Рисом *Т. Сайдуллаев*
Расмлар редактори *Н. Ҳолиқов*
Техн. редактор *Т. Мирқосимов*
Корректор *Ҳ. Аҳмедова*

Босмахонага берилди 4/Х-1973 й. Босишга рухсат этилди 18/V-1974 й. Формати 70×108^{1/32}. Босма л. 4,5. Шартли босма л. 6,3. Нашр. л. 6,57. Тиражи 5000. Р 09476. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 109—73

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида тайёрланган матрицадан Самарқанд шаҳридаги Морозов номидаги босмахонада № 1 қозоғга босилди. Самарқанд, Кузнецк кўчаси, 32, 1974 йил. Заказ № 2460. Баҳоси 44 т.

Қаюмов А.

Беруний ва адабиёт. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти,
1974.

141 б.

Тилиқли адабиётшунос А. Қаюмовнинг «Беруний ва адабиёт» рисола-
сида буюк олим ва мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг адабиёт ва санъ-
атга оид фикрлари, қузетишлари, қарашлари баён қилинади.

Қаюмов А. Беруний и литература.